

336.71

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Ҳасан Ўткирович Раҳматов

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ
МЕНЕЖМЕНТИДА АКТИВЛАРНИ
БОШҚАРИШ: МУАММОЛАР
ВА ЕЧИМЛАР**

2062250

ЎЎҚУВ ЗАЛИ

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universitet
П. 2753
Axborot Resurs Markazi

ТОШКЕНТ
«YANGI NASHR»
2012

УДК: 336.71 (575.1)
65.262.1
P33

*Иқтисод фанлари доктори, профессор Н. Х. Жумаев
таҳрири остида*

Илмий муҳаррир:

иқтисод фанлари доктори, профессор А. Ш. Бекмуродов

Тақризчилар:

*иқтисод фанлари доктори, профессор Ф. Х. Назарова
иқтисод фанлари доктори, профессор А. А. Хашимов*

Монография иқтисодиёт йуналишидаги олий уқув юртларининг ўқитувчилари, бакалаврият ва магистратура талабалари ҳамда тижорат банклари менежментида активларни бошқариш муаммолари билан кизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

ISBN-978-9943-22-053-9

КБК 65.262.1

© РАҲМАТОВ ҲАСАИ
© «YANGI NASHR». 2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
------------	---

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МЕНЕЖМЕНТИДА АКТИВЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тижорат банклари менежментида активларни бошқаришнинг моҳияти.....	8
1.2. Тижорат банклари менежментида активларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш услубияти.....	21
1.3. Банк активларини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари.....	31
1.4. Банк активларини бошқариш бўйича хориж тажрибаси.....	35
Асосий таянч сўз ва иборалар.....	41
Мустаҳкамлаш учун саволлар.....	41
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	42

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МЕНЕЖМЕНТИДА АКТИВЛАРНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ҚўЛЛАШНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Тижорат банкларида активларни бошқаришнинг ташкил этилганлик ҳолати ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш.....	43
2.2. Тижорат банклари активларини самарали бошқаришда таваккалчиликларни баҳолаш масалалари.....	55
2.3. Тижорат банклари активларини бошқаришда ликвидликни таъминлаш.....	69
2.4. Тижорат банклари фаолиятида даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларни бошқариш амалиёти.....	79
Асосий таянч сўз ва иборалар.....	88
Мустаҳкамлаш учун саволлар.....	88
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	89

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Тижорат банклари активларини бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш.....	91
3.2. Тижорат банклари активларини бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари.....	99
3.3. Тижорат банклари активларини самарали бошқаришда мониторинг тизимини такомиллаштириш масалалари.....	123
Асосий таянч сўз ва иборалар.....	138
Мустаҳкамлаш учун саволлар.....	138
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	139
Хулоса.....	141
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	146
Илова.....	159

“Бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилиши, уларга янада кўпроқ мустақиллик бериши, банкларнинг ўз активларини ва устав фонддини кўпайтириши, сармоялаш имкониятларини ошириши муаммоларига катта эътибор бераётганимиз бежиз эмас, албатта. Нега деганда, банк капитални орқасида ўз активларининг кўпайишидан, банкларнинг самарали ишлашидан, фойда кўришидан манфаатдор бўлган ҳақиқий мулкдорлар туриши, айниқса, улкан аҳамиятга эга”¹.

И. А. КАРИМОВ

Кириш

Республикаимиз иқтисодиётида пул маблағларининг самарали айланишини таъминлаш, хўжалик субъектларининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини тезкор қондириш асосида уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан банк тизимини талаб даражасида ривожлантиришга бевосита боғлиқ. Шунингдек, айни пайтда жаҳоннинг бир қатор ривожланган мамлакатлари ҳам юз берган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини бартараф этиш мақсадида банк тизимини ислоҳ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу борада Президентимиз таъкидлаганидек, “...давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда”².

¹ И. А. Каримов. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 528 б. (441-442- бетлар).

² И. А. Каримов. Асосий вазифамиз – Ватаннимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010 й. – 56- б.

Ушбу масалалар ечимидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011 – 2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 1438-сонли Қарорга мувофиқ, банк тизими олдига етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган ҳамда алоҳида банклар ва умуман, банк тизимининг бутун дунёда қабул қилинган янада юксакроқ баҳолаш кўрсаткичлари даражасига чиқиш йўлидан илгари силжиб боришини ҳолисона баҳолаш имконини берадиган тижорат банклари ва бутун молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш, тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш ва хатарни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарзларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик борасида олдини олиш чораларини кўриш йўли билан тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ўсиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлаш каби бир қатор вазифалар қўйилди. Бундан ташқари, Қарорда 2011 – 2015 йиллар оралиғида иқтисодиётнинг реал тармоқлари корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан таъминлаш борасидаги инвестициявий лойиҳалар ҳажмини 2.8 маротабага ошириш, 2011-2012 йиллар оралиғида эса тижорат банклари активлари сифати мониторингини такомиллаштириш, банк таваккалчиликларини бошқаришда чуқур омилли таҳлилни жорий этиш, захиралар яратиш, кредит портфелини диверсификациялашни йўлга қўйишни назарда тутувчи пухта механизмни жорий этиш белгиланди³.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011–2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 1438- сонли Қарори.

Фикримизча, мазкур муаммоларни ижобий ҳал этиш кўп жиҳатдан банклар менежментида активларни самарали бошқариш, хусусан, активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни тўғри баҳолаш, жами активлар таркибида даромад келтирувчи активларнинг салмоғини кўпайтириш асосида ички банк ресурслари ҳажмини ошириб бориш, активларни бошқаришнинг ривожланган мамлакатлар тажрибасида синалган усуллари республикамикан банклари амалиётига жорий этишни тақозо қилади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, республикамикан банк менежменти назарияси ва амалиётида активларни бошқариш самарадорлигини ошириш масалаларини банкнинг муҳим молиявий кўрсаткичлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилган тадқиқот ишлари етарли эмас. Олиб борилган тадқиқотларда эса банк активларини бошқариш масалалари, асосан банкнинг ликвидлилик, кредит самарадорлиги каби кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда ўрганилган. Аммо банк активларини бошқаришни алоҳида йўналиш сифатида самарадорлигини баҳолаш ва банк молиявий кўрсаткичлари динамикасига таъсири, банк тизимида молиявий таваккалчиликларни бошқариш муаммолари етарлича ўрганилмаган.

Мазкур жиҳатлар монография мавзусининг айна пайтда долзарблигидан далолат беради ҳамда унинг мақсад ва вазифалари доирасини белгилаб беради.

Тижорат банклари менежментида активларни бошқариш кенг ва банк менежментининг бошқа йўналишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги боис, монографияда эътибордан четда қолган жиҳатлар бўлиши табиийдир. Шу сабабли, муаллиф китобхонларнинг бу борадаги ҳолисона билдирган истак, тақлиф ва мулоҳазаларини бажонидил қабул қилади ва бунинг учун аввалдан миннатдорлик билдиради.

Ї БОБ. ТИЖОРАТ БАНҚЛАРИ МЕНЕЖМЕНТИДА АКТИВЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1. 1. Тижорат банклари менежментида активларни бошқаришнинг моҳияти

Республикамизда иқтисодийни модернизациялаш ва ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда хўжалик субъектларининг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бунда эса молиявий маблағларнинг муҳим манбаси сифатида банк активлари алоҳида ўрин тутлади.

Тижорат банклари активлари таркибига кассадаги нақд пул маблағлари, банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банклардаги ҳисобварақларидаги маблағлар, қимматбаҳо металлар, тошлар ва тангалар, сотиб олинган дебиторлик қарзлари (факторинг операциялари бўйича маблағлар), қарзга берилган узок ва қисқа муддатли кредитлар, лизинглар, инвестициялар, активлар бўйича ҳисобланган фоизлар, бинолар ва асбоб ускуналар, номоддий активлар қиради. Банк активларини тўғри таснифлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш банкларнинг самарали фаолият олиб боришига замин яратади.

Бугунги кунда банклар иқтисодийда факатгина хўжалик субъектларини кредитловчи ва тўловларни амалга оширувчи тузилма сифатида эмас, балки факторинг, лизинг, инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш, қимматли қоғозлар бозорида фаоллик кўрсатиш, консалтинг амалларини бажариш каби бир катор замонавий хизматларни амалга оширмоқдалар.

Ҳуқуматимиз томонидан банк тизимини ислох қилиш, хусусан, банклар фаолиятини эркинлаштириш борасида қўрилаётган чора-

тадбирлар натижасида банклараро рақобат муҳити тобора кучайиб бормоқда. Шунингдек, таҳлилларнинг кўрсатишича, банклар активлари ҳажмининг ўсиши билан бир қаторда банк активлари таркибида муаммоли, яъни қайтиши даргумон бўлган активлар ҳажмининг ўсиши; банк активларининг муаяйн соҳага йиғилиб қолиши натижасида активлар таваккалчилиги даражасининг ортиши; банкда даромад келтирмайдиган активлар ҳажмининг меъёр даражасидан ошиб кетиши каби салбий ҳолатларнинг юзага келиш эҳтимоли ҳам ортади.

Фикримизча, бундай шароитда банкларда самарали менежмент тизими, яъни мақбул бошқарув механизмини ривожлантириш асосий масалалардан ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, республикамизда банк менежментини алоҳида фан соҳаси сифатида назарий ва амалий масалаларини мажмуавий ўрганиш борасидаги илмий ишлар етарли эмас. Ушбу масала юзасидан билдирилган ёндашувлар асосан банк менежментининг алоҳида қирраларини намоён этади. Жумладан, А. Ваҳобов ва О. Ортиқовнинг таъкидлашича, “Менежмент бошқарув жараёни банк фаолиятининг турли соҳаларини, шу жумладан, унинг ташки қиёфаси (жиҳозлаш), персонал (мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти), техник таъминлаш (алоқа воситалари, компьютерлар) кабиларни камраб олади”⁴.

Ж. Алиевнинг қайд этишича, “Банк менежменти, бу – туб маънода, банк фаолиятини назорат қилиш, стратегик ҳамда тактик режалаштириш, маркетинг фаолиятини тўғри ташкил этилиши, банк операцияларини амалга оширувчи ходимлар ҳамда молиявий операцияларни бошқаришни ўзида акс эттиради”. Шунингдек, мутахассис банк стратегик менежментига – банк истемолчилари талабини максимал даражада кондиришга асосланган ҳамда банкнинг узок муддатли муваффақиятли фаолиятини таъминлаш мақсадида ва бозор иқтисодиёти тамойилларига таянган

⁴Ваҳобов А., О. Ортиқов. Банк хизматлари мажмуининг сифат кўрсаткичи // Бозор, пул ва кредит. – Т., 2006. №12. 9-10-бетлар.

холда ишлаб чиқилган мақсадли стратегик қарорларнинг қабул қилиниши ҳамда уларнинг амалга оширилишидир, деб таъриф беради⁵.

Г. И. Просветовнинг таърифича, “Банк менежменти, бу – банк молиявий ресурсларини банк барқарорлигини таъминлаш мақсадида бошқаришдир”⁶.

О. И. Лаврушин, И. Д. Мамонова, Н. И. Валенцева, З. Г. Ширинская, И. В. Ларионова, Й. Х. фон Штайн, Р. Г. Ольхова, Н. Э. Соколинская каби бир гуруҳ иқтисодчи олимлар томонидан ёзилган “Банк менежменти” дарслигида банк менежменти молиявий менежмент ва ходимларни бошқариш каби йирик иккита йўналишга ажратиб кўрсатилган (1. 1- жадвал):

1. 1- жадвал

**Банк менежментини ташкил этишнинг
асосий йўналишлари⁷**

Молиявий менежмент	Ходимларни бошқариш
Стратегик ва тактик режалаштириш	Меҳнатни мотивлаштириш
Банк сиёсатларини шакллантириш	Банкнинг ташкилий тузилмаси
Маркетинг	Ходимларни жой-жойига қуйиш
Активларни бошқариш	Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими
Пассивларни бошқариш	Меҳнатга ҳақ тулаш, рағбатлантириш механизми

⁵ Алиев Ж. Банк фаолиятида маркетинг ва менежмент воситаларининг аҳамияти //Бозор, пул ва кредит. – Т., 2006. №12. 7-8-бетлар.

⁶ Просветов Г. И. Банковский менеджмент. Задачи и решение. – М.: Альфа-пресс, 2009. – 232 с. (5- бет).

⁷ Банковский менеджмент: учебник/кол. Авторев; под ред. д-ра экон. наук проф. О. И. Лаврушина. 2- е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2009. – 560 с. (23-24-бетлар).

Ликвидликни бошқариш	Ички назорат (меҳнат интизоми) ни ташкил этиш
Даромадлиқни бошқариш	Лавозимни ошириш тизими
Актив ва пассивларни бошқариш	Жамоада муомалани ташкил этиш тамойиллари
Хусусий капитални бошқариш	
Кредит портфелини бошқариш	
Қимматли қозғалар портфелини бошқариш	
Таваққалчилиқларни бошқариш (валюта, фойз, амалиёт, баланс муомалалари таваққалчилиғи ва бошқалар)	
Ахборот тизимларини яратиш	


Ушбу иқтисодчи олимлар томонидан банк менежментининг таркибий қисмларини бу каби ажратилиши ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, банк менежменти молиявий менежментнинг асосий бўғини сифатида ўзида банк фаолиятини самарали ташкил этиш, бошқариш ва истиқболли ривожлантиришнинг аниқ механизмини камраб олади (1. 1- расм).

Расмда келтирилган тижорат банклари менежментининг ташкилий механизми ва иқтисодий-ижтимоий механизми элементлари ўзаро боғлиқда намоён бўлади.

Замонавий банк менежменти банкни ривожлантириш, молия инструментларини кенгайтириш, ҳудудларда банк тармоқларини кенгайтириш, рақобат сиёсатини тўғри йўлга қўйиш, мулоқот стратегиясини ривожлантиришни бошқаришни ифодалайди.

Тижорат банкларида менежментни ташкил этишнинг ушбу асосий элементларини активларни самарали бошқаришдаги аҳамиятини кўриб чиқамиз.



1. 1-рас.м. Тижорат банкларида менежментни ташкил этиш механизми элементларини ўзаро боғлиқлиги

Режалаштириш банк менежментининг асосий йўналиши сифатида банк ички сиёсатларини ишлаб чиқиш, банкни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш омили ҳисобланади. Режалаштириш банк олдида қўйилган асосий

мақсадни амалга ошириш имкониятларини аниқлаш, банкни келгусида ривожлантириш концепцияси ва асосий кўрсаткичларини шакллантириш масалаларини камраб олади. Режалаштириш жараёни банк фаолияти учун жорий ва истиқболли режаларни тузишдан иборат.

Хусусан, тижорат банкларида режалаштиришнинг муҳим бўғини сифатида ҳар йили банк Бошқаруви томонидан бизнес режа ишлаб чиқилиб Кенгаш томонидан тасдиқланади. Мазкур бизнес режа банкнинг асосий молиявий-иктисодий кўрсаткичларини самарали бошқариш имконини берувчи муҳим восита ҳисобланади.

Банк активларини бошқариш ва самарадорлигини баҳолашда таҳлил умумий ва алоҳида кўрсаткичларнинг ҳақиқатдаги миқдорларини режалаштирилган миқдорларига солиштириш, режавий кўрсаткичларни ўзгариш сабабларини аниқлашни амалга ошириш имконини беради. Ушбу таҳлил маълумотлари эса банк активларини бошқаришнинг ижобий жиҳатлари ва камчиликлари, йўқотишларни тезкор ўрганиш, фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш, режалаштириш жараёнида эътиборга олинмаган жиҳатларни аниқлашга кўмаклашади. Шунингдек, тижорат банкларида таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири банк бизнес режаси кўрсаткичларини филиаллар томонидан бажарилишини назорат қилиш ҳисобланади. Бунда таҳлилдан банк активлари, депозитлар, ўз капитали, соф фойданинг ўзгариш тенденцияларини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни баҳолаш; банкнинг ресурслари тузилмасини ва жойлаштириш самарадорлигини ўрганиш; банкнинг ликвидлилик, тўловга қобилиятлилик, рентабеллик каби асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш, ушбу кўрсаткичлар тенденциясини баҳолашда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Банкларда таҳлил кредит портфели, қимматли коғозлар, инвестиция қўйилмалари мониторинги кўринишида амалга оширилиши мумкин. Таҳлил маълумотларига асосланиб банкларда таваккалчиликларни бошқариш концепциясини ишлаб чиқиш, миқдорлар манфаатларидан келиб чиқиб банк ички сиёсатларини тақомиллаштириш каби бир қатор масалаларни ҳал этиш мумкин.

Банк менежментида мувофиқлаштириш жараёни гашкил этиш ташки ва ички услубларга ажратилади. Мувофиқлаштириш услубининг зарурати банк томонидан амалга ошириладиган операцияларни акциядорлар, мижозлар ва омонатчилар манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилиши билан изоҳланади.

Ташки мувофиқлаштириш банк фаолиятини конунчиликда белгиланган талаблар ва меъёрлар асосида ташкил этилишини таъминлашни ифодалайди.

Банк ички мувофиқлаштириш эса асосий эътиборни банк бўлимлари ўртасида меъёрий ҳужжатлар коидалари, ўрнатилган меъёрлар доирасида иш ташкил этилишига ҳамда банк олди-га кўйилган мақсадга эришишда банк бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратади ва банк фаолияти сифатини ошириш имконини берувчи ички меъёрий ҳужжатлар, услубий кўрсатма ва тавсияномалар ишлаб чиқиш; банк таваккалчиликлари таъсирини чеклаш бўйича тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни банк масъул бўлинмалари томонидан ҳамкорликда амалга оширилишини таъминлаш; банкда малакали ходимлар тайёрлаш сиёсатини юритиш, банк ички назорат механизмини такомиллаштириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш каби йўналишларни ўз ичига олади.

Замонавий банк менежментида макбул назорат тизимини шакллантириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Мазкур назорат тизими ташки ва ички кўринишларда ташкил этилади. Ташки назорат бевосита Марказий банк томонидан ҳар йили режали текширишлар ўтказиш, банклар томонидан тақдим қилинадиган ҳисоботлар бўйича белгиланган иқтисодий меъёрларга риоя қилинишини тизимли назорат қилиш ҳамда ташки аудиторлик компаниялари томонидан банк тизимининг барқарорлигига баҳо бериш орқали амалга оширилади. Ички назорат тизими эса банк кенгашининг вакили ҳисобланган ички аудит хизмати ва банк бошқаруви томонидан ташкил этилади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тижорат банкларида активларни самарали бошқаришни банк пасивларини бошқариш жа-

раёнига эътибор қаратмасдан амалга ошириб бўлмайти, чунки иқтисодиётда банкдан ташқари нақд пул айланмасини чеклаш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида банклар юридик ва жисмоний шахслардан фоиз тўлови мажбуриятини зиммасига олган ҳолда депозитлар қабул қиладилар. Ушбу депозитларга ҳисобланган фоиз харажатларини қоплашда банклардан мазкур жалб қилинган маблағларни самарали актив операцияларга йўналтириш зарурати юзага келади. Шунингдек, банклар молиявий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда жалб қилинган депозитлар бўйича фоизларни кўтариш ёки вақтинча пасайтириш орқали пассивларни бошқариб боради.

Йирик тижорат банкларидан ҳисобланган ОАТ “Алоқабанк” маълумотларида ҳам пассивларнинг таркибий жойлашувини активларни бошқаришдаги аҳамиятини кўриш мумкин (10-илова маълумотлари):

Илова маълумотлари таҳлилининг кўрсатишича, ОАТ “Алоқабанк”да мажбуриятларнинг асосий қисмини мижозларнинг маблағлари ташкил этмоқда, уларнинг жами мажбуриятлардаги улуши 01. 01. 2010 йил ҳолатига 59,6% ни ташкил этган бўлса, 01. 01. 2011 йил ҳолатига 51,1% ни ташкил этган.

Мижозларнинг банкдаги маблағлари улар талаб қилгунига қадар арзон ресурслар манбаи ҳисобланади, шу сабабли мазкур депозитлар ҳажмининг ошиши банклар учун самарали актив операциялар ҳажмини кенгайтириш имконини беради.

Замонавий банк менежментида активларни бошқариш механизми ликвидликни бошқариш сиёсати билан чамбарчас боғланган.

Республикамиз тижорат банкларида ликвидликни бошқаришга қўйилган талаблар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 2 декабрда 559-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги Низомда белгиланган. Жумладан, мазкур Низомнинг 4. 1- бандида “банк ликвидлигини самарали бошқариш активлар ва пассивларни бошқаришни ўз ичига олиши лозим. Лик-

видликни бошқаришга бўлган талаблар банк баланснинг актив ва пассив қисмларини бошқаришни таъминлаши лозим⁸лиги белгиланган. Шунингдек, мазкур Низомда ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқариш сифатида таъкидланган⁸.

Банк менежментида таваккалчиликни бошқариш ҳам асосий йўналишлардан ҳисобланади. Хусусан, тижорат банклари фаолиятида унинг активлари ва улар билан боғлиқ актив операцияларнинг таваккалчилик даражасини аниқлаш бу жараёнини бошқариб бориш муҳим ўрин тутади.

Тижорат банкларида таваккалчиликни бошқариш деганда кредит, газначилик, ликвидлилик бўйича таваккалчиликларни бошқариш учун мавжуд бўлган тизими киради. Бунда тижорат банкларида таваккалчиликни бошқариш тўғрисидаги йўриқнома ва кўрсатмаларнинг мавжудлигига эмас, балки тижорат банкларининг барча соҳаларида қўлланилаётганлигига эътибор қаратилади⁹.

Бугунги кунда молия бозорларидаги рақобат муҳити тижорат банкларидан активларни бошқаришда фақатгина актив ва пассив операцияларни бошқариш усулларини такомиллаштириш эмас, балки техник ва ижтимоий омилларни ҳам ҳисобга олишни тақозо этмоқда.

Хусусан тижорат банкларида инновациявий бошқарувни ривожлантириш банк активларини самарали бошқаришда ишончли, тезкор ва соддалаштирилган ахборотлар базасини шакллантириш имконини беради, бу эса банк тизимида ахборот технологиялар инфратузилмасини жаҳон андозаларига мос равишда модерни-

⁸ Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 2 декабрдаги 559-сон билан рўйхатга олинган.

⁹ Абдурашулов Ж. Тижорат банклари фаолиятида халқаро рейтинг агентликларининг ўрни //Бозор, пул ва кредит. – Т.: 2007, №9. 17-19-б. б. (19- бет).

зация қилиш ва ривожлантириш масалаларига бевосита боғлиқ. Бундан ташқари, банкнинг ягона ахборот тизими доирасида мижозларни жалб этувчи ахборот-коммуникация технологияларига асосланган “SMS banking”, “Internet banking”, “Банк-мижоз” дастури каби интерактив банк хизматларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, банк менежменти сифатини оширишда муҳим восита ҳисобланган “Электрон ҳужжат айланиши” тизимини амалиётга тўлиқ татбиқ этиш банкда ҳужжатлар билан ишлаш жараёнини автоматлаштириш, уларни ишончли сақлаш ва ҳужжатлар билан ишлаш жараёнини тезлатиш, шу асосда бошқарув самарадорлигини ошириш имконини беради.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тижорат банкларида активларни самарали бошқариш механизмини жорий этиш бевосита ходимларни бошқариш жараёнига боғлиқ. Жумладан, республика-миз банклари амалиётга активларни бошқариш борасида халқаро тажрибада синовдан ўтган усулларни жорий этиш ходимларга бир қанча малака талабларини қўяди. Ушбу ҳолатлар эса, тижорат банкларида ходимлар малакасини сифат жиҳатдан яхшилаш, малакали ходимларни танлаш ва индивидуал рағбатлантириш ҳамда уларнинг касб-маҳаротларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Бундан ташқари, тижорат банклари активларини самарали бошқаришда менежмент ва маркетинг усулларининг уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади. (1. 2-расм).

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, банк активларини бошқариш, активларнинг самарадорлик даражасини сақлаб туриш, актив операциялар ҳажмини ошириб бориш банкларни ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Бундай вазиятда банк активларини тўғри бошқариш орқали банкнинг ресурслар базасини мустаҳкамлаш, актив амалиётларни кўпайтириш асосида банк даромадини ошириш талаб қилинади. Бундан ташқари, молия бозорига банкларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, мижозлар, акциядорлар ва омонатчилар манфаатларини тўлиқ қамроолаш банк ме-


Tashkent Axborot Texnologiyalari Universiteti

O'QUV ZALI

П. 2753

Axborot Resurs Markazi


ханизмини шакллантириш кўп жиҳатдан банкларда активлардан самарали фойдаланиш, харажатлар самарадорлигини ошириш каби бир қатор ички имкониятлардан кенг фойдаланишни талаб этади.



1. 2-расм. Тижорат банклари активларини бошқаришда менежмент ва маркетингни ўзаро алоқадорликдаги ўрни

Ушбу масалаларни ҳал этишнинг муҳим йўналишларини белгилаш банкларда менежмент тизимини ривожлантиришни тақозо этади.

Активларни бошқаришда асосий эътибор таваккалчиликнинг энг паст даражаси шароитида даромадлар ва харажатлар орасидаги ижобий фарқни мумкин қадар ошириш ёки уни жуда бўлмаганда барқарор даражада сақлаб туришга қаратилиши зарур. Шу сабабли, тижорат банкларида активларни бошқариш механизмини қуйидаги тартибда ифодалаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (1. 3-расм):



1. 3-расм. Тижорат банклари менежментини активларни бошқариш элементларининг ўзаро боғлиқлиги

Расмда келтирилган тартибда активларни даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган тоифаларга ажратиб бошқариш – банк томонидан сарфланган маблағларнинг самарадорлигини, активлардан тўғри фойдаланишни назорат қилиб бориш зарурати билан ифодаланади.

Умуман олганда, тижорат банкларида активларни бошқаришда уларни таснифланишининг қуйидаги зарурати мавжуд:

1. Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, тижорат банкларида активларни тўғри таснифлаш ва бу борада тегишли чоралар кўришга етарлича эътибор берилмаслиги оқибатида жами активлар таркибида муаммолар активлар ҳажмининг ўсиши, жойлаштирилган активлар бўйича ҳисобланган фоизларни ундирилмай қолиши каби ҳолатларни юзага келтирмоқда.

2. Активларни тўғри таснифлаш жами активлар таркибида даромад келтирувчи активларнинг реал миқдорини аниқлаш ва уларнинг ҳажмини ошириш бўйича зарур чоралар кўриш имконини беради.

3. Активларни таснифлаш асосида уларнинг таваккалчиликка берилувчанлигини камайтириш, бу тоифадаги активларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш зарур бўлади.

Тижорат банкларида даромад келтирувчи активларни бошқариш усул ва воситалари банк кенгаши томонидан тасдиқланган ички сиёсатларда белгиланади ҳамда банклар томонидан кредит таваккалчиликларини пасайтириш ва актив операцияларнинг даромадлигини ошириш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар мажмуасини ифода этади.

Даромад келтирмайдиган активларни бошқаришда эса мазкур активлар таркибига кирувчи қимматликларни банк Кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган бизнес режада кўрсатилган миқдордан ошиб кетмаслигини назорат қилиш амалга оширилади.

Тижорат банкларида активларни самарали бошқаришдан асосий мақсад ишлаб чиқилган стратегия (кредит, фоиз, инвестиция сиёсати ва бошқ.) асосида ўз ва жалб қилинган маблағлар нисбати ўртасидаги ижобий мутаносибликни таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, тижорат банкларида активларни бошқариш активлар тузилмасини банк олдида қўйилган мақсаддан асосланган ҳолда ўзаро мувофиқлигини таҳлил қилиб бориш; актив операцияларнинг диверсификациясини амалга ошириш чоратадбирларини белгилаш; активларни хусусиятларига қараб тўғри таснифлаш, активлар бўйича таваккалчиликларни минималлаштириб бориш ва зарур даражада захиралар яратиш; активларни даромадлилик даражасини сақлаб туриш каби бир қатор асосий тамойилларга асосланади.

Юқоридаги фикрлар ва ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда, тижорат банкларида активларни самарали бошқариш заруратини банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар самарадорлиги ва уларнинг ликвидлилик даражасини ошириш; даромад келтирмайдиган активларни оптимал даражада қисқартириш орқали банк активларининг сифатини яхшилаш; жалб қилинган ресурслар ва жойлаштирилган активлар ўртасидаги ижобий мутаносибликни сақлаб туриш; банк активларининг кенг миқёсда диверсификациясини амалга ошириш орқали уларнинг таваккалчиликка берилувчанлигини минимал даражада ушлаб туриш каби жиҳатлар билан изоҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари активларини бошқариш самарадорлигини ошириш активларнинг мақсадга мувофиқ таркибий тузилишини, актив операцияларнинг диверсификация даражасини, хатарли активларнинг ҳажмини, муаммоли ва сифатсиз активларни, активларнинг ўзгарувчанлик сифатларининг оқилона даражасини таъминлашни ўзида мужассамлаштиради.

1. 2. Тижорат банклари менежментида активларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш услубияти

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида тижорат банкларининг молия бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга кўплаб омиллар таъсир этади. Хусусан, банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг

кучайиши табиийки, банклар учун асосий мақсадга эришиш, шу билан бирга мижозлар манфаатларини ҳимоя қилишда бир қатор қийинчиликларни юзага келтиради. Айниқса, бугунги давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози ҳам банкларда узок муддатга мўлжалланган, истиқболли режаларни ўзида ифодаловчи яхлит стратегияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш заруратини юзага келтирмоқда. Бу борада Президентимиз И. А. Каримовнинг “...банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш — Ўзбекистон учун инкирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир¹⁰”, деб таъкидлагани бежиз эмас. Шу сабабли, молия бозорининг ҳар бир иштирокчисидан пухта ўйланган, самарадор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Банкнинг пухта белгиланган ва аниқ амалга ошириш тизимини ифодаловчи стратегияси молия бозоридаги рақобатда устунликка эришишнинг асосий мезонидир. Банк стратегияси банк фаолиятини ривожланишини ҳал этиш имконини берувчи мақсад ва вазифалар тизими, уларни амалга ошириш учун қўлланиладиган восита ва услубларни қамраб олади. Банкнинг белгиллаган стратегиясидан келиб чиқиб, аниқ стратегик мақсадлар ишлаб чиқилади.

Менежмент масалаларига бағишланган адабиётларда стратегия мазмуни, уни ишлаб чиқишнинг иқтисодий аҳамияти ва зарурати борасида кўплаб ёндашувлар мавжуд. Жумладан, М. Шарифхўжаев ва Ё. Абдуллаевнинг ёзишича, “Истиқболни аниқ башорат, тасаввур қилиш учун стратегия зарурдир. Стратегия — бу: истиқболни тадқиқ қилиш, турли сценарияларни таҳлил қилиш санъати; истиқболда рақобат курашида афзаллик берувчи ғоя; корхонанинг умумфаолияти (фонди, қуввати, харажати, фойдаси ва ҳоказо)ни назорат

¹⁰ И. А. Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистон, 2009 й. — 53-б.

қилувчи кенг қамровли тизимдир. Стратегия ўз ҳаракат доирасига кўра: пухта ўйланган, мўлжалланган, амалга оширилган, амалга ошмаган, пайдо бўладиган турларга бўлинади”¹¹.

Ғ. М. Қосимовнинг таъкидлашича, “...стратегик бошқаришнинг муҳим таркибий қисмидан бири – стратегия. Стратегияни танлаш ва уни амалга ошириш (қўллаш) стратегик бошқаришнинг асосий мазмунини ташкил қилади”¹². Биз ҳам ушбу фикрга қўшилаемиз, чунки, стратегик бошқарув банкнинг стратегик мақсади ва имкониятларини мижозлар, акциядорлар ва ходимлар манфаатлари билан мувофиқлаштиришни назарда тутувчи бошқарув усули ҳисобланади.

С. С. Ғуломовнинг фикрича эса, “...ҳозирги тушунчаларда стратегия ҳар бир соҳада мақсадга йўналтирувчи асосий ва бош дастурдир. Стратегик қарорларни қабул қилиш мураккаблиги алтернатив йўлларнинг кўплиги билан белгиланиб, шулардан асосли равишда энг фойдалисини танлаш керакдир”¹³.

Юқоридаги ёндашувларни умумлаштирганимизда, банкларнинг умумий стратегияси банкнинг минтақадаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш, жаҳон банк амалиётини татбиқ этиш, ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, аҳоли омонатларини жалб қилиш, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда бўлинмалар тармоғини кўпайтириш, ташқи иқтисодий фаолиятни янада кенгайтириш каби мақсадларда ифодаланади.

Ҳозирги кунда республикамиз банкларида фаолият йўналиши, мижозлар таркиби каби хусусиятларга асосланган ҳолда махсус ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилган. Хусусан, молия бозорининг йирик субъектларидан ҳисобланган Ўзбекистон Республи-

¹¹ Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – 704 б. (399-400-бетлар).

¹² Қосимов Ғ. М. Менежмент. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 312 б. (73- бет).

¹³ Ғуломов С. С. Менежмент. Бошқарув санъати, назарияси ва амалиёти”. Ўқув қўлланма. – Т., 2002. – 286-бет.

каси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ўз фаолиятининг стратегик йўналиши сифатида – “...халқ ҳўжалигининг юксак технологияларга асосланган ва ижтимоий муҳим тармоқларини қўллаб-қувватлаш, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва юксак самарали янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш чоратадбирларини молиялаш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, импорт қилинаётган истеъмол ўрнини босувчи, маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлашга асосланган ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва ривожлантириш”ни танлаган.

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” учун эса, “...иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга, қишлоқ туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қишлоқлар қиёфасини замон талабларига мос ҳолда тубдан ўзгартириш, чекка ҳудудларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, сервис соҳаларини шакллантириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш” асосий устувор йўналиш этиб белгиланган.

Республикамининг йирик тижорат банкларидан бири ОАТБ “Алоқабанк” ҳам мустақил ривожланиш стратегиясига эга бўлиб, ўз олдига: “...банк фаолиятининг барча йўналишлари бўйича корпоратив ҳамда чакана миқозлар базасини сифатли ва миқдорий кенгайтириш, бизнеснинг шаффофлигининг зарур даражасини таъминлаш, инновацион қарорлар ва маҳсулотларни ривожлантириш, стратегик бошқарувни амалга ошириш учун самарали менежментни ташкил қилиш, банк менежментини замонавий бошқарув технологияларига асосланган ҳолда ўқитиш, замонавий маркетинг услубларини татбиқ қилиш ва ривожлантириш” каби бир қатор стратегик мақсадларни қўйган¹⁴.

Демак, фикримизча, тижорат банкларида банк капиталлашув даражасини ошириш, банкнинг инвестиция жараёнларида, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, ишлаб чиқаришни модернизациялашда, техник ва технологик

¹⁴ ТИФ Миллий банки, ОАТБ “Алоқабанк”, ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”ларнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари.

жиҳатдан қайта жиҳозлашда кенг иштирок этишини таъминлаш; банк тизимини юқори малакали профессионал кадрлар билан мустаҳкамлаш; банк ходимларининг хизмат кўрсатиш масъулияти ва маданиятини ошириш; филиаллар, минибанклар тармоғини кенгайтириш ва банклар томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш каби мақсадлар менежмент стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, айрим банкларда ишлаб чиқилган ривожлантириш стратегияси тезкор ўзгараётган замонавий бозор талабларини тўлиқ қамраб олмаган. Бу эса кўпчилик ҳолларда банк тизимида муаммоларнинг юзага келишига, баъзан эса банкларнинг зарар кўриб ишлаш хавфини туғдирмоқда. Фикримизча, бунга банкларда ҳар томонлама ўйланган стратегияни ишлаб чиқиш малакаси ва амалиётига эга бўлган мутахассисларнинг етишмаслиги; банкда стратегияни ишлаб чиқиш учун зарур маълумотлар базасининг мавжуд эмаслиги, хусусан, хорижий ва республика банклари фаолиятидаги ўзгаришларни таҳлил қилиб бориш, молия бозоридаги бошқа рақобатчилар томонидан қўлланилаётган стратегияни чуқур ўрганилмаслиги; банк раҳбариятининг амал қилаётган жорий стратегиянинг афзалликлари билан чекланган ҳолда, истиқболли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга қизиқиш билдирмаслиги, натижада эса стратегияни шакллантиришда молиявий муаммоларнинг юзага келиши; банк раҳбарияти томонидан ходимларнинг инновацияга бўлган ташаббусларини қўллаб-қувватланмаслиги ва рағбатлантирилмаслиги; айрим тижорат банкларида асосан юқори даромад келтираётган йўналишлар бўйича (масалан, актив операциялар) стратегияларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги, аммо, маркетинг, ходимлар мотивацияси, хавфсизлик каби соҳаларда стратегик изланишлар кам олиб борилаётганлиги каби ҳолатлар сабаб бўлмоқда.

Ушбу муаммоларнинг ечимидан ва иқтисодчи олимлар ҳамда соҳа мутахассисларининг ёндашувларига асосланган ҳолда банк-

ни умумий ривожлантириш (банк миссияси) стратегияси таркибий қисмларини қуйидаги жадвалда ифодалашни тавсия этамиз (1. 2- жадвал).

1. 2- жадвал

Тижорат банкларида фаолиятни ривожлантириш умумий стратегиясининг таркибий қисмлари

Умумий бизнес стратегия (банк миссияси)	Банк стратегияси турлари	Банк стратегияси таркибий қисмлари
	Молиявий стратегия	Ликвидликни бошқариш сиёсати
		Фоиз сиёсати
		Эмиссия сиёсати
		Депозит сиёсати
		Кредит сиёсати
		Инвестиция сиёсати
	Маркетинг стратегияси	Фонд сиёсати
		Рақобат сиёсати
		Ассортимент сиёсати
		Бозор конъюктурасини урганиш сиёсати
	Ходимлар стратегияси	Баҳо сиёсати
		Реклама сиёсати
		Ходимлар сони (қўнимсизлиги)ни мувофиқлаштириш сиёсати
		Ходимлар малакасини ошириш сиёсати
	Хавфсизликни таъминлаш стратегияси	Ходимларни мотивлаштириш сиёсати
		Ижтимоий сиёсат
	Техник стратегия	Қарши ҳаракатларни олдини олиш сиёсати
		Муқобил жавоб қайтариш сиёсати
		Инновация сиёсати
Таваккалчилик менежменти стратегияси	Эҳтиёткорлик сиёсати	
	Ахборотлаштириш сиёсати	
	Юқори таваккалчилик сиёсати	
	Таваккалчиликларни диверсификациялаш сиёсати	
		Таваккалчиликларни пасайтириш сиёсати

Ушбу жадвалда келтирилган банк стратегиясини таснифлаш ёндашуви ҳозирги замон талабларига кўпроқ даражада жавоб беради, чунки бугунги кунда банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар тури ва сифатини тобора ошиб бораётганлиги банкнинг танланган стратегиясини ишлаб чиқишга кенгрок ёндашишни талаб қилмоқда.

Банк стратегияси банк даромад келтирувчи амалиётлари ҳажмини ўстириш ва сифатини ошириш орқали фойда ҳажмини кўпайтириш ва банк акцияларининг бозор нарҳини ошишига олиб келадиган фаолиятнинг янги йўналишлари ҳамда хизматларнинг янги турларини амалиётга жорий қилиш ва ривожлантиришдан иборат.

Банк тизими ривожланишининг асосий негизини актив операциялар ташкил қилади. Шу сабабли, кўпчилик банклар менежментда активларни бошқариш стратегиясига алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, активларни бошқариш стратегияси молиявий стратегиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, уни ишлаб чиқишда банк молиявий барқарорлигига фаол таъсир этувчи омиллар таҳлили зарур бўлади.


Банк менежментда активларни бошқариш стратегияси – стратегияни танлаш, ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва натижаларини баҳолаш каби жараёнлардан ташкил топади (1. 4- расм).

Расмда келтирилган активларни бошқариш стратегияси босқичлари ўзаро боғланган ҳолда кетма-кетликда бажарилиш тизимига эга.

Банкларда стратегияни бажариш муваффақиятли амалга оширилганда ўз олдига қўйилган пировард мақсадларга эришиши осон кечади. Бу эса стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида пухта ўйланган тактика асосида иш ташкил этишни талаб этади.

Тижорат банкларида активларни самарали бошқаришнинг муқобил стратегиясини танлаш асосий вазифалардан ҳисобланади. Бугунги кунда банклар молия бозорида етарли устунликни сақлаб қолиш мақсадида кўпроқ активларни бошқаришнинг

эгилювчан механизмдан фойдаланишмоқда. Бунда мижознинг банкка фойда келтириш даражасига қараб айрим хизмат турлари (воситачилик ҳақлари) бўйича имтиёзлар (паст фоиз сиёсати)ни қўллаш, мижозга замонавий, қулай иш шароити яратишга кўмаклашиш, алоҳида корпоратив мижоз гуруҳини шакллантириш каби чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.



1. 4- расм. Банк менежментда активларни бошқариш стратегиясини амалга ошириш жараёни

Бундан ташқари, мазкур босқичда мақбул ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг асосий шартларидан бири республика

ликамиз ва хорижий банклар амалиётидаги ўзгаришлар, хусусан, улар томонидан қўлланилаётган стратегиялар мазмуни, йўналиши, афзаллик ва камчиликлари хусусида тадқиқотлар олиб бориш муҳим талаблардан ҳисобланади. Шу мақсадда, айти пайтда, банкларда стратегик ривожлантириш борасида алоҳида бўлинмалар ташкил этилмоқда.

Тижорат банкларида активларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида банкнинг молиявий имкониятлари, кадрлар салоҳиятини баҳолаш; банк филиалларининг ҳудудий жойлашуви, ҳудуддаги мижозларнинг таркибий тузилишини ўрганиш; ҳукумат иқтисодий сиёсатида белгиланган банк тизимини ривожлантириш бўйича мажбурий талабларни эътиборга олиш; банк рақобатчиларининг молия бозоридаги муҳитга таъсир даражасини таҳлил қилиш каби вазифалар ҳал этилиши зарур.

Банкларда менежмент стратегиясини белгилашнинг муҳим дастакларидан бири – молиявий режалаштириш ҳисобланади. Мазкур восита банк ва унинг филиаллари учун истиқболли режаларни ишлаб чиқиш, муҳим молиявий кўрсаткичларнинг миқдорий ҳажмларини белгилаш орқали амалга оширилади.

Молиявий режалаштиришдан асосий мақсад – банкнинг иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи омилларни баҳолаш, активлар самарадорлигини таъминлаш, банк даромадлигини ошириш имкониятларини яратишдан иборатдир.

Тижорат банкларида молиявий режалаштириш – тезкор, жорий ва стратегик (истіқболли) режалаштириш каби турлардан ташкил топади. Молиявий режалаштиришнинг ҳар бир тизими моҳиятига, муддатига қараб фарқланади.

Стратегик режалаштириш банкнинг бош мақсади, умумий вазифалари ҳамда ушбу вазифаларни бажариш учун танланган стратегияси ва тактикасини акс эттирган ҳолда, банкнинг барча сиёсатларини ёритиб беришга қаратилади.

Банк активларини бошқариш стратегиясини амалга ошириш жараёнида белгиланган вазифалар банкнинг тегишли

бўлинмалари масъулиятини ифодалайди. Бу босқичда банк активларини бошқариш борасидаги кредитлаш, инвестиция, фоиз, ликвидликни бошқариш каби ички сиёсатларни жорий йил учун ишлаб чиқиш, янги талаблардан келиб чиққан ҳолда мазкур сиёсатларни такомиллаштириб бориш зарур.

Тижорат банкларида танланган стратегия бажарилишини баҳолаш ва назорат қилиш яқунловчи жараён ҳисобланади.

Банк активларини бошқаришда тасдиқланган стратегия асосида банк филиалларида иш ташкил этилиши мунтазам равишда банк Кенгаши ва Бошқарувига бўйсунувчи бўлинмалар томонидан мониторинг қилиб борилади.

Фикрларимизни умумлаштирганимизда, банк активларини бошқариш стратегияси активларни самарали бошқариш механизминини тўлиқ татбиқ этган ҳолда, банкнинг ликвидлилиги ва даромадлигининг оптимал даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, таваккалчиликдан йўқотиш даражасини энг кам даражада бўлишини таъминлаш; банк активларининг сифатини янада яхшилаш мақсадида даромад келтирувчи активларни босқичма-босқич ошириб боришни таъминлаш учун зарур бўлган чораларни кўриш; банк пасивларини даромадлилик даражаси юқори бўлган активларга жойлаштириш асосида кредитлар айланмасини ошириш; кредит қўйилмалари таркибида узоқ муддатли кредитлар салмоғини ошириш; банкнинг таваккалчиликка тортилган активларини доимий диверсификация қилиб борилишини таъминлаш; мижозларнинг молиявий фаолияти банкнинг асосий кўрсаткичларига тўғридан-тўғридан таъсир этишини инобатга олиб, банк томонидан хизмат кўрсатишувчи мижозларнинг молиявий ҳолатлари, жумладан, уларнинг фаолиятлари бўйича пул оқимлари, кредитга лаёқатлилиги даражаси, ликвидлилиги, асосий молиявий натижалари устидан тезкор кузатувни ташкил қилиш услубини шакллантириш; банк ликвидлилигини доимий мониторинг қилиб боришни, жумладан, банкнинг барча қуйи тузилмалари ликвидлилигини тезкор таҳлил қилинишини таъминлаш; банк молиявий ҳолати устидан назорат қилишнинг энг

кулай ва содда механизмини яратиш каби бир қатор масалаларни ҳал этиш имкониятларини юзага келтириши лозим.

Хулоса қилганимизда, банк менежментида активларни бошқариш стратегияси асосий даромад манбаи ҳисобланган активларни самарадорлигини таъминлаш имконини берувчи тизим ҳисобланади.

1. 3. Банк активларини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари

Республикамызда тижорат банклари фаолиятини халқаро андозалар ва тамойилларга янада мувофиқлаштириш ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги банк тизими олдига қўйилаётган талаблардан келиб чиққан ҳолда молия-банк соҳасининг қонунчилик базаси янада такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Хусусан, молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимини узлуксиз ишлашини таъминловчи мустаҳкам ҳуқуқий асосларни шакллантириш, ўз навбатида, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларига кўрсатиладиган банк хизматларини янада кенгайтириш ҳамда сифатини ошириш имконини беради.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги, “Банklar ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ипотека тўғрисида”ги, “Истеъмол кредити тўғрисида”ги ва шу каби бир қатор қонунларнинг қабул қилинганлиги жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз банк тизимининг барқарор суръатларда фаолият кўрсатишини, банklarнинг юқори рейтинг кўрсаткичларига эришишини ҳамда улар тармоғини янада кенгайтириш имкониятини берди.

Шу ўринда қайд этиш зарурки, 2012 йил 1 январ ҳолатига, республикамызда 30 та тижорат банки фаолият кўрсатиб, уларнинг 3 таси давлат тижорат банки, 13 таси акциядорлик тижорат бан-

ки, 9 таси хусусий банк ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. Уларнинг 822 та филиаллари томонидан республикамиз барча ҳудудларида мижозларга банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Банк муассасалари тармоғининг кенгайтириш бораётганлиги банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизмат турлари сифати ва кўламининг ошириб боришига имконият яратди.

Бундан ташқари, 2011 йилда республика банк тизими жами активларининг 98 фоиздан зиёд қисмини ўзида мужассамлаштирган 23 та тижорат банки “Мудис инвестор сервисес”, “Стандарт энд Пурс”, “Фитч Рейтингс” каби нуфузли халқаро рейтинг компанияларининг “барқарор” рейтинг баҳоларига эга бўлди.

2011 йилда 6 та тижорат банкининг халқаро рейтинг баҳолари яна бир поғонага кўтарилган бўлса, банк тизими активларининг 62,7 фозини ташкил қилувчи 5 та йирик тижорат банки бир йўла иккита халқаро рейтинг агентликлари томонидан ўз молиявий ҳолатлари ва фаолият натижаларини ижобий рейтинглар билан тасдиқланишига эришдилар. Шулар билан бирга, 2011 йилнинг август ойида “Мудис” халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизими бўйича ривожланиш истикболларининг “барқарор” даражадаги рейтинг баҳоси қайта тасдиқланди.

“Стандарт энд Пурс” халқаро рейтинг агентлиги эса 2011 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон банк тизимини ижобий баҳолаб, рейтингини бир поғона юқори кўтарди¹⁵.

Таъкидлаш жоизки, банклар зиммасига қўйилган вазифаларнинг тезкор ижросини таъминлашда банк актив операциялари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга, чунки, банкларнинг узок муддатли активлари ҳажмининг ошиши банклар томонидан иқтисодийнинг реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлар, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва мамлакатда маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда долзарб аҳамият касб этади.

¹⁵ 2011 йилдаги макроиктисодий ҳолат ва реал сектор таҳлили. www.cbu.uz маълумотлари.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган “2011 – 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар” Дастурида Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, тижорат банкларини янада капиталлаштириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб этиш, ресурс базасини кўпайтириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш; етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган ҳамда алоҳида банклар ва умуман банк тизимининг бутун дунёда қабул қилинган янада юксакроқ баҳолаш кўрсаткичлари даражасига чиқиш йўлидан олға силжиб боришини ҳолисона баҳолаш имконини берадиган тижорат банклари ва бутун молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш; тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш ва хатарни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарзларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик борасида олдини олиш чораларини кўриш йўли билан тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ўсиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлаш; тижорат банкларида ҳисоб-китоб ва ҳисоботларнинг янгича ёндашувларини шакллантириш ҳамда замонавий технологиялари ва услубларини жорий қилиш, молия-банк ахбороти савияси ҳамда сифатини ошириш, етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари талабларига мувофиқ ундан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш; республика тижорат банклари ва молия институтларини дунёда қабул қилинган стандартлар, услубиятлар ва баҳолаш кўрсаткичлари тизимида ишлай оладиган, про-

фессинал тайёрланган юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, молия-банк фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш каби бир катор вазифалар белгиланди.

Ушбу конунчилик ҳужжатлари талаблари асосида банкларда актив амалиётларни бошқариш учун мўлжалланган ички меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Банклар томонидан ишлаб чиқилган ички сиёсатлар (кредит, инвестиция, фоиз ва бошқалар) ўзида актив операцияларни амалга оширишда банк таркибий тузилмаларининг вазифалари; актив операцияларнинг турлари, амалга ошириш услублари, муддатлари ва шакллари; кредит буюртмаларини кўриб чиқиш ва кредит ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби; миқдорнинг тўловга лаёқатлилиқ кўрсаткичларини аниқлаш қоидалари; кредит таъминотига қўйиладиган талаблар ва улар билан боғлиқ шартномаларни расмийлаштириш тартиби; кредитнинг мақсадли ишлатилишини ўрганиш ва мониторинг олиб бориш қоидалари; кредит амалиётлари бухгалтерия ҳисоби, фоизлар ҳисоблаш, таснифлаш ва улар ҳисоботини юритиш қоидалари; кредитларнинг алоҳида турларига қўйиладиган талаблар; инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш тартиби; муаммоли активлар билан ишлаш тартиби каби активларни бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлган жиҳатларни ифода этади. Шу сабабли, банк ички сиёсатларида актив операциялар билан боғлиқ ҳолатларни аниқ белгилаб қўйилиши активларни самарали бошқариш, бу борада масъул бўлинмалар фаолиятини тўғри тарғибга солиш имконини беради.

Хулоса қилганимизда, банкларда активларни бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини мунтазам равишда мустаҳкамлаб бориш банклар томонидан юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга кўмаклашади.

1. 4. Банк активларини бошқариш бўйича хориж тажрибаси

Жаҳон молия бозорларидаги мутассил ўзгаришлар, шунингдек, банкларнинг халқаро тармоқда ўзаро жипс муносабатга киришиб кетганлиги барча мамлакатларда банкларни ишлаш тажрибасини доимий равишда таҳлил қилиб боришни тақозо этади. Бу ҳолатни айти пайтда давом этаётган жаҳон молиявий инқирози оқибатлари ҳам исботламоқда.

Шу сабабли, айти пайтда хориж банклари амалиётида бошқарув воситалари ва услубларини тадқиқ этиш, шу асосда республикамиз тижорат банклари фаолиятига замонавий бошқарув усулларини жорий этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Хусусан, халқаро амалиётда банк активларини самарали бошқаришга нисбатан бир қанча ёндашув ва талаблар белгиланган бўлиб, улар бугунги кунда жаҳоннинг етакчи банклари фаолиятида кенг қўлланилмоқда. Шу ўринда, банк назорати бўйича Базель қўмитаси фаолиятини алоҳида таъкидлаш зарур.

Базель қўмитасининг асосий вазифаси – банклар фаолиятини мувофиқлаштириш имконини берувчи ягона стандартларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Қўмитанинг асосий меъёрий ҳужжатлари қуйидагилардир:

1. Самарали назоратнинг асосий қоидалари (1997 йилда ишлаб чиқилган, 2006 йилда такомиллаштирилган);
2. Базель I – “Капитални баҳолашнинг халқаро конвергенцияси” (1988 йилда ишлаб чиқилган);
3. Базель II – “Капитални ўлчаш ва капитал стандартларининг халқаро конвергенцияси” (2004 йилда ишлаб чиқилган);
4. Базель III – капитал етарлигига қўйилган янги талаблар (2010 йилда ишлаб чиқилган).

Базель қўмитасининг банк активларини бошқаришдаги муҳим тавсиялари (Базель II бўйича) – банкларда активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни пасайтириш бўйича ёндашувларда ифо-

даланган. Унда активлар боғлиқ таваккалчиликлар, хусусан, кредит таваккалчилигини бошқариш, бозор таваккалчилигини бошқариш, операциялар таваккалчиликни бошқариш борасидаги талаблар умумлаштирилган (3-илова маълумотлари).

Бундан ташқари, Базель II да банк капиталининг таъминланганлигига ҳам меъёрлар белгиланган, жумладан, банк капиталининг таваккалчиликка тортилган активларнинг умумий суммасига нисбати 8 фоиздан кам бўлмаслиги зарур. Республикамизда эса, банклар капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошди. Бу эса банклар мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўпдир¹⁶.

Республикамизда тижорат банклари фаолиятини назорат қилишнинг халқаро стандартларга ва Банк назорати бўйича Базель қўмитаси талабларига жавоб берувчи таъсирчан тузилмаси яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011 – 2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 1438-сонли Қарорига мувофиқ, республикамиз банк тизимиغا Базель қўмитасининг янги тавсияларини жорий этиш, тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, банкларда самарали корпоратив бошқарув механизминини шакллантириш, улар амалиётига таваккалчиликларни баҳолашнинг замонавий усулларини татбиқ этиш вазифаси қўйилди.

Айни пайтда банк активларини бошқариш механизминини такомиллаштиришда Базель III тавсиялари муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, унга мувофиқ, банклар ликвидлигига иккита янги талаб киритилмоқда:

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий қарорлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси. 2010 йил 29 январь.

1. Банкларнинг 30 кунгача бўлган жорий мажбуриятларининг ликвид активлар билан 100 фоиз копланишини назарда тутувчи талаб;

2. Узок муддатли ликвидлик меъёри. Унга мувофик, банкларнинг бир йилгача бўлган активлари барқарор пасивлар билан 100 фоизга таъминланган бўлиши шарт.

Бундан ташқари, янги Базель коидаларида таваккалчиликка тортилган активлар бўйича капитал етарлигига ҳам қўшимча талаблар қўйилди. Унга мувофик, банкларнинг биринчи даражали капиталига минимал талаб 2013 йилда 4,5 фоиз, 2015 йилда 5,5 фоиз, 2016 йилдан бошлаб эса 6 фоиз этиб белгиланди (4-илова маълумотлари).

Хориж тажрибасида банк активларини бошқариш тажрибасини тадқиқ этиш улар амалиётида активлар ҳажмини ўзгариш тенденциясини таҳлил қилишни талаб қилади (1. 3-жадвал):

1. 3-жадвал

Айрим хорижий банклар амалиётида 01. 01. 2006 – 01. 01. 2010 й. й. оралиғида активлар ҳажмининг ўзгариши, млрд. еврода¹⁷

Мамлакатлар	01. 01. 2006	01. 01. 2007	01. 01. 2008	01. 01. 2009	01. 01. 2010
Австрия	725,08	797,79	899,54	1 069,32	1 033,95
Греция	266,74	303,41	354,76	414,70	418,65
Эстония	11,83	15,31	20,52	21,79	20,58
Франция	5 165,00	6 041,00	7 065,00	7 698,78	7 656,70
Германия	6 903,17	7 189,69	7 625,70	7 892,70	7 436,10
Ирландия	941,91	1 178,13	1 337,36	1 424,48	1 306,69
Италия	2 599,14	2 870,51	3 407,40	3 687,60	3 747,74
Испания	2 149,66	2 517,12	2 946,50	3 223,72	3 238,24
Россия	285,17	405,00	562,47	676,20	678,29

¹⁷“European Banking Statistics 2009” маълумотлари.

Норвегия	267,63	319,64	393,57	391,49	444,62
Бельгия	1 123,40	1 221,70	1 402,90	1 350,00	1 217,80
Люксембург	792,42	840,00	915,44	931,56	797,22
Туркия	240,40	261,87	328,94	331,13	372,68
Голландия	2 767,48	1 873,00	2 174,00	2 235,00	2 231,00

Жадвалда қайд этилганидек, деярли барча мамлакаглар банклариди активлар ҳажми 2006 йилдан буён ўсиш суръатларини намоеън этмоқда. Аммо Эстония, Франция, Германия, Ирландия, Бельгия, Люксембург каби мамлакатлар банклариди 01. 01. 2010 йил ҳолатида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан банк активлари ҳажмида камайиш юз берган.


Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўпгина хорижий банклар амалиётида активларни бошқаришнинг қуйидаги усулларидан кенг миқёсда фойдаланилмоқда (1. 5-расм).

Банк активларини бошқаришнинг умумий маблағлар манбалари усули банкнинг ўз ва жалб қилинган маблағларини бирлаштиришни назарда тутди, бунда банкда дастлаб бирламчи ва иккиламчи захиралар шакллантирилади.

Мазкур усулни қўллашнинг кейинги босқичида кредит портфели шакллантирилади. Банклар амалиётида кредит маблағлари активларнинг йирик улушини ташкил этади ва банк фаолиятида муҳим урин тутди, чунки банклар даромадларининг асосий қисмини юридик ва жисмоний шахсларга кредитлаш хизматларини кўрсатишдан олади.

Ушбу усул жалб қилинган ресурсларни имкон қадар банкнинг даромадли актив амалиётларига йўналтиришни назарда тутди. Бунда банкдан ликвидлик ва фойдалилик тамойилларига алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади, чунки ресурсларни фойда олиш учун актив амалиётларга, хусусан, кўп миқдорда юқори даромад келтирувчи соҳага йўналтириш, ўз навбатида таваккалчилик даражасини назоратдан чиқишига ёки ликвидлик таваккалчи-

лигини юзага келишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, мазкур усулни, асосан, ресурслар ортиқчалигида қўллаш мақсадга мувофиқдир.



1. 5-расм. Банк активларини бошқаришнинг умумий маблағлар манбалари ва банк активларини тақсимлаш усуллари

Активларни тақсимлаш усулини қўллаш эса, жалб қилинаётган ресурсларнинг манбаларини таҳтилига асосланади. Мазкур усулда ресурсларнинг манбалари бўйича тақсимлашда ресурсларнинг айланувчанлиги билан боғлиқ бўлган муайян чекланишлар юзага келади.

Яъни, жалб қилинган қисқа муддатли ресурслар қисқа муддатли актив амалиётларга, узоқ муддатли ресурслар эса узоқ муддатли актив амалиётларга йўналтирилади. Мазкур усулнинг афзаллиги шундаки, бу усулни қўллаш жараёнида ресурсларни тоифаларига қараб тақсимлаш орқали ликвид активлар (кассадаги нақд пуллар)нинг жами активлардаги улушини қисқартириш имконияти юзага келади.

Ушбу иккала усулнинг камчилиги шундаки, бу ҳолатларда мижозларнинг кредитларга бўлган талаби ва эҳтиёжи етарлича қондирилмайди, яъни кредитлашда мижозларнинг кредитларга бўлган мавсумий талаблари тўлиқ эътиборга олинмайди. Мазкур муаммоларнинг ечимидан келиб чиққан ҳолда хориж тажрибасида активларни бошқаришда чизикли дастурлаш усулидан фойдаланиш ҳам кенг тарқалган бўлиб, мазкур усулнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Банк активларини бошқаришнинг чизикли дастурлаш усули мураккаб ҳисоб-китоблар орқали бир нечта муқобил усуллардан мақбулини танлаб олишни назарда тутади. Бу усулда жалб қилинаётган ресурсларни қай тариқа юқори даромад келтирувчи ва кам сарфларни талаб қиладиган соҳаларга жойлаштириш вазифаси қўйилади.

Фикримизча, банкларда активларни бошқариш билан боғлиқ таваккалчиликларни имкон даражада пасайтириш, активлар самарадорлигини оширишда мазкур усулларни ўзаро уйғун ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилганимизда, республикамизда банк менежментида активларни самарали бошқариш бу борадаги халқаро андозалар талабларини банкларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жорий этиш, ривожланган мамлакатлар тажрибасида

синовдан ўтган усул ва воситаларни чуқурроқ тадқиқ этишни тақозо этади.

Асосий таянч сўз ва иборалар

Тижорат банки, банк активлари, банк молиявий ресурслари, актив операциялар, тўловга қобилиятлилиқ, кредит портфели, инвестиция қўйилмалари, бошқарув механизми, менежмент тизими, молиявий менежмент, стратегик ва тактик режалаштириш, пассивлар, пассивларни бошқариш, ликвидлик, жорий ликвидлик, ликвидликни бошқариш, кредит портфелини бошқариш, таваккалчилик, таваккалчиликларни бошқариш.

Мустақамлаш учун саволлар

1. Банкларнинг активлари таркибига қандай элементлар киради?
2. Банк менежментининг мазмунини ифодалаб беринг.
3. Банк менежментининг қандай асосий йўналишлари мавжуд?
4. Тижорат банклари менежментида активларни бошқаришнинг моҳияти нималардан иборат?
5. Банк активларини бошқаришда менежмент ва маркетинг усуллари қандай ўзаро боғлиқликда бўлади?
6. Тижорат банклари менежментида активларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурияти нимада?
7. Банк активларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичлари мазмунини ифодалаб беринг.
8. Банк активларини бошқариш стратегиясини амалга оширишда молиявий режалаштиришнинг зарурати нимада?
9. Банк активларини бошқариш механизмининг такомиллаштиришда хориж тажрибасини тадқиқ этишнинг иқтисодий зарурати нималардан иборат?
10. Халқаро Базель қўмитаси тавсиялари бўйича банк активларини бошқаришга нисбатан қандай ёндашувлар мавжуд?
11. Хориж тажрибасида банк активларини бошқаришнинг қандай усулларидан фойдаланилади?

I боб бўйича хулосалар

1. Тижорат банкларида актив операциялар турлари ва ҳажмини орта бориши билан уларни сифагини таъминлаш, даромадлилик даражасини сақлаб қолиш масаласи активларни бошқаришга янги талабларни кўяди. Бу ҳолатлар эса банкларда активлар самардорлигини оширишда менежмент имкониятларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Жумладан, активларни бошқариш жараёни таваккалчилик менежменти, сифат менежменти, стратегик менежмент, инновация менежменти каби менежмент фанининг замонавий йўналишлари усулларидан фойдаланишга эҳтиёж сезади.

2. Банк активларини бошқаришда таркибий ўзгаришларни доимий равишда кузатиб бориш зарур. Бунда эса, банклар фаолиятида активларни бошқаришнинг аниқ қоида ва усулларини белгилаб берувчи стратегияни шакллантириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Мазкур стратегиянинг асосида банк активларини таваккалчиликка берилувчанлигини пасайтириш, активларни доимий диверсификациясини амалга ошириш, шу орқали банкнинг барқарор даромад олишини таъминлаш ётади.

3. Жаҳон банклари фаолиятида юз бераётган молиявий-иктисодий инкироз, унинг келиб чиқиш сабаблари кўп жиҳатдан республикамизда банк активларини бошқариш механизмни такомиллаштиришда хорижий банкларнинг бу борадаги тажрибасини таҳлил қилишни талаб қилади. Бунда ривожланган мамлакатлар амалиётида банк активларини самарали бошқарилишини баҳолаш тизимлари, уларда қўйилган талабларни тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МЕНЕЖМЕНТИДА АКТИВЛАРНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

2. 1. Тижорат банкларида активларни бошқаришнинг ташкил этилганлик ҳолати ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг молия бозоридаги мавқеини сақлаб туришнинг асосий омили – активларни бошқаришнинг самарали механизмини шакллантириш ҳисобланади.


Бугунги кунда республикамиз тижорат банкларида активларни бошқариш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Таҳлилларнинг кўрсатишича, республикамиз тижорат банклари бошқарувида амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ, тижорат банкларининг активлари ҳажми ошиб бормоқда. Хусусан, 01. 01. 2012 йил ҳолатига кўра, тижорат банкларининг умумий активлари ўтган йилга нисбатан 6,7 трлн. сўмга ёки 32,4 фоизга ошиб, 27,5 трлн. сўмга етди ¹⁸ (2. 1-диаграмма).

Республикамизнинг бошқа банклари фаолиятига эътибор қаратадиган бўлсак, бу борадаги энг йирик улуш ТИФ Миллий банкига тегишли бўлиб, мазкур банкнинг активлари ҳажми 01. 01. 2011 йил ҳолатига 5705581,0 млн. сўмни ёки жами банклар активларининг 28,8% ини ташкил этди. ДАТБ “Асакабанк” да эса, 01. 01. 2011 йил ҳолатига жами активлар ҳажми 2 697 386,0 млн. сўмни ёки жами банклар активларининг 13,62% ини ташкил этди (II- илова маълумотлари).

¹⁸ 2011 йилдаги макроиқтисодий ҳолат ва реал сектор таҳлили. www.cbu.uz маълумотлари.

2. 1- диаграмма

Республикамиз тижорат банкларининг 01. 01. 2008 – 01. 01. 2012 йиллар оралигидаги активлари ҳажмининг ўзгариш динамикаси




ОАТ “Алоқабанк” ҳам ўз активларини кўпайтириш орқали молия бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш, хусусан, ўзининг ресурс салоҳиятини ошириш, оқилона таваккалчилик ва самарали бошқариш услубларини уйғунлаштирувчи ривожлантириш сиёсатини олиб бормоқда. Ушбу тадбирлар натижасида 01. 01. 2007 йил ҳолатига банк активлари 51915,8 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 01. 01. 2011 йил ҳолатига 344627,2 млн. сўмни ташкил қилди (2. 2- диаграмма).

Тижорат банклари фаолиятининг асосий қисмини актив операциялари ташкил қилади. Актив операциялар – банк томонидан фойда олиш мақсадида ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни самарали йўналтиришдир. Бунга бозорда юзага келган ҳолатни, банкнинг жорий ҳолатини тизимли тарзда таҳлил қилиш, банк активлари ҳаракати ва таркибига доимо зарурий ўзгартиришлар киритиш орқали эришилади. Актив операцияларнинг асосий бўғинини кредит операциялари ташкил қилади. Шу

сабабли, тижорат банклари активлари таркибида юқори улушни иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжлари учун йўналтирилган кредитлар ташкил қилади.

2. 2- диаграмма

ОАТ “Алоқабанк”нинг 01. 1997 – 01. 2010 йиллар оралиғида активлар ҳажмининг ўзгариши, млн. сўмда¹⁹



Банклар томонидан реал секторга йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиғи 01. 01. 2011 йил ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35% га кўпайиб, 11,5 трлн. сўмдан ошди.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари улушини ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши 01. 01. 2011 йил ҳолатига 2000 йилнинг охиридаги 35% дан 75,2 фоизга ўсди²⁰.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ОАТ “Алоқабанк”да ҳам 01. 01. 2010 йил ҳолатига жами банк активларининг 46,7% и ёки 161,2

¹⁹ ОАТ “Алоқабанк”нинг 2010 йил якунлари бўйича фаолияти ҳисоботи.

²⁰ Банк ахборотномаси газетаси. 2011 йил 26 январь, №4 (767); 2011 йил 13 апрель (№15 (778); 2011 йил 11 май (№20 (783)).


млрд. сўмини кредит маблаглари ташкил этади, шунингдек, мазкур маблаглар ҳар йили ўсиб келмоқда (2.3-диаграмма).

Диаграмма маълумотларидан кўринадикки, ОАТ “Алоқабанк”да банк фаолиятининг асосий йўналиши иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

Ушбу натижаларга эришишда тижорат банкларида активларни бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини ифодаловчи меъёрий базани шакллантирилганлиги ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур меъёрий ҳужжатларда банк активларини бошқариш борасидаги сиёсатларни ишлаб чиқиш борасидаги талаблар, банк бошқарув органларининг активларни бошқаришдаги вазифалари ва мажбуриятлари белгиланган.

2.3-диаграмма


ОАТ “Алоқабанк”нинг 01.1996 – 01.2010 йиллар оралиғида кредит портфели ҳажмининг ўзгариши, млн. сўмда



Республикаимиз тижорат банкларида бошқарув органлари – акциядорларнинг умумий йигилиши, банк кенгаши ва банк бошқарувидан ташкил топган. Банк активларини бошқаришда ушбу тузилмаларнинг ваколат ва мажбуриятлари ўзаро фарқ қилади.

Йирик тижорат банкларидан бири ҳисобланган ОАТ

“Алоқабанк”да банк бошқарув органларининг активларни бошқаришдаги ўрнини қуйидаги расм асосида ифодалаш мумкин (2. 1- расм):



2. 1-расм. ОАТ “Алоқабанк” мисолида банк бошқарув органларининг активларни бошқаришдаги ўрни

Акциядорларнинг умумий йиғилиши тижорат банкларини бошқаришнинг олий органи ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши банк активларини бошқаришнинг асосий йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

ОАТ “Алоқабанк” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва уларнинг иш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 502-сонли Қарорига асосан, алоқа корхоналарига, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга молиявий кўмак бериш мақсадида ташкил қилинган. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ. “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси кабилар банкнинг йирик акциядорлари ҳисобланади.

Республикамизда банк тизимининг юқори даражаларда ривожланиб бориши амалиётда банк Кенгашининг ролини оширишни тақозо этмоқда. Банк Кенгаши банк фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга оширади.

Банк Бошқаруви банкнинг жорий фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади. Банк Кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини бажариш Бошқарув раиси вазифасига қиради. Шунингдек, банк Бошқаруви банк активларини бошқариш стратегиясини амалга ошириш, бу борада ички сиёсатларни ишлаб чиқиш ва шу асосда активлар самарадорлигини ошириш борасида доимий мониторинг ўрнатади. Жумладан, тижорат банкларида филиаллар томонидан активларни бошқарилиш ҳолатини ўрганиш, хусусан, активларни муддатида қайтарилишини назорат қилиб бориш, активлар самарадорлигини баҳолаш мақсадида мониторинг гуруҳлари ташкил этилади.

Банк Бошқарувининг асосий вазифаларидан бири – банк Кенгашига активларни бошқариш натижалари, мавжуд муаммолар борасида доимий маълумот тақдим этиш ҳисобланади. Шу

асосда банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси Кенгашнинг барча йиғилишларида иштирок этиши ва Бошқарув томонидан тақдим этилаётган барча материал ва ҳисоботларни диққат билан ўрганиб чиқишлари шарт.

Бундан ташқари, тижорат банкларида активларни самарали бошқарилишини баҳолаш, жумладан, банк тизимида муаммоли активлар ҳажмини ошиб кетишини олдини олиш мақсадида Кредит қўмитаси, Актив ва пассивларни бошқариш қўмитаси, Инвестиция қўмитаси кабилар тузилади. Мазкур қўмиталар аъзолари зиммасига банк филиаллари томонидан амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари ва бошқа кредит битимларини мақсадлилиги, таъминотининг аҳволи каби жиҳатларни чуқур ўрганиб чиқиш каби вазифалар юклатилади.

Мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятида активларни самарали жойлаштириш, шунингдек, иқтисодийда хўжалик субъектларини мақбул молиялаштириш активларни бошқаришга таъсир этувчи омилларни тўғри баҳолашни талаб этади.


Банк тизимига оид иқтисодий адабиётлар ва бажарилган тадқиқот ишларида активларни бошқаришга таъсир этувчи турли омиллар тадқиқ этилган.

Фикримизча, молия бозорида банк фаолиятига турли таъсирларнинг ижобий ёки салбий оқибатларини баҳолаб бориш; банк актив операцияларини таваккалчиликка берилувчанлигини баҳолаш ва назоратга олиш; актив операциялар иштирокчилари (кредиторлар)ни тўловга қобилиятлилигини аниқлаш ва таҳлил қилиш каби жиҳатлар банк активларини бошқаришга таъсир этувчи омилларни баҳолашни тақозо этади.

Танланган тадқиқот мавзуси доирасида тижорат банклари активларини бошқаришга таъсир қилувчи омилларни қуйидагича умумлаштиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (2.2-расм):

Расмда келтирилган ички омилларни бошқариш нисбатан қийинчиликлар туғдирмайди, уларнинг салбий таъсирларини тезкор чоралар ишлаб чиқиш орқали бартараф этиш имкони мавжуд.

Молиявий ресурслар ўз ва жалб қилинган маблағлардан таркиб топади. Уларнинг таъсир даражаси банкнинг фоиз сиёсатига тескари тартибда намоён бўлади.



2-расм. Тижорат банклари активларини бошқаришга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг боғлиқлиги

Хусусан, жалб қилинган ресурслар миқдорининг ошиши банкнинг ўз мажбуриятларини қоплаш ҳамда зарурий даражада фойда олиш учун активларга белгиланган фоиз меъёрини оширишга мажбур қилади, бу ҳолат эса банкнинг кредит қўйилмалари ҳажмини пасайишига олиб келиши мумкин. Аксинча, ўз ресурслари ҳажмининг ортиши имтиёзларни қўллаш орқали йирик айланмага эга мижозларни жалб қилиш, натижада эса актив операциялар кўламини кенгайтиришга имконият яратади.

Банк активларини диверсификацияланиш даражаси ҳам активларни самарали бошқаришга муҳим таъсир кўрсатади. Хусусан, тижорат банкларида активларни бошқаришда диверсификациялаш банк активлари бўйича таваккалчилик даражасини янада пасайтириш; хорижий валюталар, пластик карточкалар билан операцияларни амалга ошириш бўйича хизмат турларини кўпайтириш асосида даромадлар таркибини яхшилаш; банк учун мақбул бўлган кредитлашнинг янги турлари ва шаклларини амалиётга татиқ этиб бориш; банк пасивларини максимал даражада даромад келтирувчи активларга жойлаштирилишини таъминлаш каби афзалликларга эга.

Активлар таркибидаги муаммоли активлар салмоғининг ошиши банк активлари сифатини ёмонлашиши билан бир қаторда мижозлар манфаатига хавф туғилиши, банкнинг амалиёт харажатлари (суд харажатлари, гаровларни сақлаш, хизмат сафари кабилар) ни ошишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида банк активларини бошқариш тизимининг талабга жавоб бермаслигидан далолат беради.

Бугунги кунда банк активларини бошқаришда банк масъул ходимларининг малака даражаси муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Чунки, активлар сифатини таъминлаш уларни дастлаб жойлаштириш жараёнида қарздорнинг тўловга қобилиятлигини комплекс таҳлил қилиш, кредит таъминотини талаб даражасида шакллантириш учун зарур малака талаб қилади. Шу сабабли, банкнинг актив операцияларини амалга оширувчи ходимлар малакасини ошириш учун актив операцияларни амалга оширишга бевосита

алоқадор бўлган ходимларга нисбатан малакавий талабларни кучайтириш: масъул банк ходимлари ўртасида банк этикаси, мижоз билан муомала маданиятини ошириш, банк таваккалчиликларини баҳолаш борасида кўникмаларни ошириш мақсадида Бош банкнинг Ўқув марказида ва филиалларда техник-иқтисодий ўқишларни ташкил этиш каби тавсияларни берамиз.

Юқоридагилардан ташқари, тижорат банклари активларини бошқаришга ташқи омиллар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Хусусан, Ҳукумат қарорлари асосида банк активларини йўналтириш бўйича кўрсатмалар ҳукумат томонидан иқтисодиётнинг реал сектори, кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг айрим қатламларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ушбу соҳаларга йўналтирилган кредитлар бўйича солиқ ва бошқа имтиёзларни яратишни кўзда тутати.

Марказий банк томонидан активларни жойлаштириш бўйича ишлаб чиқилган истиқболли режалар эса, ҳукумат қарорлари ижросини таъминташ, хусусан, кредитларнинг ижтимоий, иқтисодий аҳамиятини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан банкларга активларни жойлаштириш истиқболли режалари белгиланади. Ушбу омил ўз навбатида банк активларини диверсификациясига юқори таъсир кўрсатади.

Рақобатчи банкларнинг активларни жойлаштириш бўйича олиб бораётган сиёсатлари омили бозор иқтисодиёти шароитида банк активларини бошқаришга кучли таъсир кўрсатади. Хусусан, банклар молия бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш, юқори рейтингга эришиш мақсадида активларни самарали жойлаштириш услуб ва воситаларидан фойдаланишга мажбур бўлади.

Одатда, мижозлар банклар томонидан берилаётган имтиёзлар, қулайликлар ва хизматлар сифатини таққослашга ҳаракат қилади. Бу ҳам корхона маркетингининг муҳим бир йўналишларидан ҳисобланади. Ушбу ҳолат ҳам ўз навбатида самарали банк маркетингини шакллантириш асосида мижозлар манфаатига мос келувчи хизматларни йўлга қўйишни талаб қилади.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, тижорат банкларида

активларни бошқаришга таъсир этувчи омилларни баҳолашда таваккалчиликларни бошқариш билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш муҳим масалалардан ҳисобланади (2. 1-жадвал):

Жадвалда келтирилган ҳолатлар тижорат банкларида активлар таваккалчилигини бошқаришга салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатларни ифодалайди. Шу сабабли, тижорат банкларидан мазкур ҳолатларни олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади.

Хулоса қилганимизда, банк активларини бошқаришга таъсир этувчи омилларни чуқур таҳлил қилиш банк фаолиятини таваккалчиликлардан самарали ҳимоялаш тизимини шакллантириш имконини беради.

2. 1-жадвал

Тижорат банкларида активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқаришга таъсир этувчи омиллар

№	Таваккалчиликларни юзага келиш сабаблари	Таваккалчиликларни бошқаришни қийинлаштирувчи жиҳатлар	Эҳтимоли мавжуд ҳолатлар
	Банк ички сис- ёсатларидаги н о м у в о ф и к- ликлар (етиш- мовчиликлар)	Таваккалчиликларни баҳолаш усул ва воситаларини етарлича ишлаб чиқилмаганлиги; Таваккалчиликларни бошқариш бўйича ваколатлар тақсимлан- маганлиги; 3. Активлар сифатини таъминлаш борасида талабларнинг саёзлиги ва х. к.	Жами активлар таркибда муам- моли активлар салмоғини ошиши натijasида актив- лар портфелини ёмонлашуви
	М и ж о з л а р - нинг молиявий ҳолатини талаб- га жавоб бер- маслиги	Қарздорнинг пул маблағларини мажбуриятларини қоплашга етарли эмаслиги; Қарздор ҳисобрақам-ларида товар айланмаларини мавжуд эмаслиги; Қарздор билан тузилган шартнома- да камчиликларнинг мавжудлиги	К р е д и т л а р н и қайтмаслиги ёки кечкиб қайтиши, эҳтимолий захира шакллантиришга эҳтисэжни юзага келиши

	<p>Активлар буйича таъминотнинг ноликвидлиги ва тулик расмилаштирилмаслиги</p>	<p>Таъминотга олинган мулкни сотиш имконияти йўқлиги; Таъминотга олинган мулкни кредит шартномаси давомида кадрини йўқотиши; Таъминотга олинаётган мулкнинг дастлабки мониторинги юзаки ўтказилиши; Таъминотга олинган мулкни реал кийматидан ортиқча баҳоланиши; Таъминотга олинган мулкларни суғурталашда суғурта туловларини тулик амалга оширмаслик; Гаров шартномасини тузишда камчиликларнинг мавжудлиги</p>	<p>Кредитларни қайтмаслиги ёки кечикиб қайтиши, эҳтимолий захира шакллантиришга эҳтиёжни юзага келиши</p>
	<p>Кафил томоннинг туловга лаёқатсизлиги</p>	<p>Кафилнинг туловга лаёқатлигини етарлича таҳлил этилмаслиги; Кафил томоннинг молиявий ҳисоботларини тулик олинмаслиги; Кафил томоннинг кафиллик шартномаларни тузиш ваколатлари ўрганилмасдан, яъни битимларни имзолаш ваколатини берувчи бошқарув қарорларини олмасдан кафиллик шартномалари расмиyllаш-тирилиши; 4. Кафил билан тузилган кафиллик шартномасида камчиликларнинг мавжудлиги</p>	<p>Кредитларни қайтмаслиги ёки кечикиб қайтиши, эҳтимолий захира шакллантиришга эҳтиёжни юзага келиши</p>
	<p>Мижознинг келгуси фаолиятидаги узгаришлар</p>	<p>Мижоз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабнинг пасайиб кетиши; Мижознинг банкдан бошқа томонлар олдидаги қарзини қўлайиб кетиши; Мижозни банкрот ҳолатга тушиши</p>	<p>Кредитларни қайтмаслиги ёки кечикиб қайтиши, эҳтимолий захира шакллантиришга эҳтиёжни юзага келиши</p>

	Ходимларнинг малакасизлиги	Активларни нотўғри таснифланиши; Активлар буйича мониторингни юзаки утказилиши	Кредитларни кайтмаслиги ёки кечикиб кайтиши, эхтимолий захира шакллантиришга эҳтиёжни юзага келиши
	Форс-мажор ҳолатлари	Зилзила, тошқин, ёнгин каби ҳолатлар	Банкнинг зарарини ортиши

2. 2. Тижорат банклари активларини самарали бошқаришда таваккалчиликларни баҳолаш масалалари

Бозор иктисодиёти шароитида банк менежментида таваккалчиликларни самарали бошқариш ва баҳолаш асосий йўналишлардан саналади, чунки тижорат банкларининг ҳар қандай соҳаси таваккалчилик билан бевосита боғланган. Шу сабабли, таваккалчилик концепцияси банкларнинг дастлабки шаклланиш давридан бошлаб такомиллашиб келмоқда. Бугунги кунда молия бозорларидаги кескин рақобат банкларда таваккалчилик менежментини, айниқса, банк активлари билан боғлиқ бўлган таваккалчиликларни имкон даражада аниқ баҳолаш, бу борада доимий мониторинг ташкил этиш заруратини юзага келтирмоқда. Банклар амалиётида таваккалчиликлар салбий таъсирини тўлиқ бартараф этиб бўлмаслиги сабабли, уларни олдиндан кўра билиш ва таъсир доирасини камайтириш чораларини кўриш зарур.

Банк таваккалчилиги – банк фаолиятига таъсир қилувчи иктисодий, молиявий, ижтимоий, сиёсий, технологик ички ва (ёки) ташқи омилларга боғлиқ бўлган ҳолатлар натижасида банк фаолиятига хос бўлган молиявий зарарлар кўриш ва (ёки) банк ликвидлиги (банк ўз мажбуриятларини вақтида бажариш қобилияти)ни тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфининг мавжудлигидир.

Рақобатли иқтисодиёт шароитида банкларнинг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни баҳолашда таваккалчилик менежменти усулларида фойдаланиш зарурати юзага келади. Шунингдек, таваккалчиликларни баҳолаш борасидаги чора-тадбирлар банкларнинг рақобатбардошлик стратегиясини ишлаб чиқишда энг муҳим элементлардан бири хисобланади.

Хорижий банклар тажрибасини кўрсатишича, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаблари таваккалчиликларни тизимли комплекс равишда бошқариш амалиётини кўллагандан муваффақиятли ривожланиш мумкин эмаслигини исботлаб берди.

Тижорат банкларида таваккалчилик менежменти банк фаолияти билан боғлиқ бўлган турли хил таваккалчиликларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни мужассамлаштиради.

Тижорат банкларида таваккалчиликларини бошқариш – банк ўз фаолиятини юритиши ва банк операцияларини ўтказишида пайдо бўлиши мумкин бўлган таваккалчиликларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш, камайтириш ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни бошқа молиявий воситалар орқали қоплаш бўйича банк томонидан амалга ошириладиган муҳим чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Банк фаолиятидаги таваккалчиликларни бошқариш куйидаги асосий мақсадларда ташкил этилади:

- банк омонатчилари ва кредиторлари, акциядорлари манфаатларини химоя қилиш;

- банк таваккалчиликларини камайтириш, бартараф этиш ва олдини олиш;

- банк фаолиятининг етарли даражадаги барқарорлигини таъминлаш.

- Банклардан банк таваккалчиликларини бошқаришда куйидагилар талаб этилади:

- банк фаолияти ва унинг атрофидаги муҳитнинг узига

хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган таваккалчиликларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш;

– банк таваккалчилигини бошқариш вазифалари юкланган таркибий бўлинмани ташкил этиш;

– банк таваккалчилигини бошқариш бўлинмасини тажрибали ва малакали мутахассислар билан таъминлаш;

– банк янги хизматларни жорий қилишда, йирик битимларни тузишда, хорижий молия институтлари билан алоқа ўрнатишда, инвестициялар киритишда, чет эл валютасидаги маблағларни активларга жойлаштиришда, янги ходимларни ишга қабул қилишда ҳамда бошқа банк таваккалчилиги юзага келиши мумкин бўлган банк операцияларини таваккалчиликни юзага келиши ва уни бар-тараф этиш, олдини олиш, камайтириш нуктаи назаридан банк таваккалчилигини бошқариш бўлинмаси билан келишувни амалга ошириш.

Тижорат банклари ўртасида молия бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш борасидаги рақобат банк активлари таваккалчилигини тўғри баҳоланишига бевосита боғлиқ.

Тижорат банклари бош мақсади бўлиб, фойда олиш ҳисобланади. Фойда олиш эса ўз навбатида таваккалчилик билан боғлиқ бўлади, шу туфайли банклар олдида турган биринчи масала – бу таваккалчилик ва фойдалилик ўртасидаги оптимал даражага эришишдир.

Тижорат банкларида даромадлилик даражасини ошириш бевосита активларни самарали жойлаштиришга боғлиқ бўлганлиги сабабли, активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни баҳолаш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Фикримизча, тижорат банкларида активлар таваккалчилигини юзага келишининг бир қатор сабаблари мавжуд. Улар қаторига банк ички сиёсатларида активларни самарали жойлаштириш бўйича талабларнинг етарли эмаслиги; банк томонидан маркетинг тадқиқотларини тўғри йўлга қўйилмаганлиги; банкда кредит ажратилаётган лойиҳалар, объектлар ва мижозлар, уларнинг

молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумот ва ахборотларнинг тўлиқ эмаслиги; кредитланаётган тармоқлар фаолияти хусусиятларини етарлича таҳлил қилинмаслиги кабиларни киритиш мумкин.

Банклар фаолиятидаги таваккалчиликлар активларни бошқаришда улардаги йўқотишлар натижасида банк фаолияти самарадорлигига сезиларли салбий таъсир ўтказиши, ҳатто банкни мижозлар олдидаги мажбуриятларини қоплай олмаслик хавфни ҳам юзага келтириши мумкин.

Тижорат банклари бошқа хўжалик субъектларидан фаркли хусусиятларга эгаллиги, хусусан омонатчилар, мижозлар ҳамда акциядорлар олдида мажбуриятга эгаллиги сабабли, таваккалчиликларни кўпроқ даражада бошқаришдан манфаатдордир. Ҳозирги кунда республикамизнинг жаҳон амалиётига интеграцияллашуви жараёни таваккалчиликлар даражасини янада ошишига имкон бермоқда.

Таваккалчиликлар банк фаолиятининг барча жабҳаларида мавжудлиги сабабли, уларнинг таснифланиши мавжуд манбаларда турлича кўрсатилади. Жумладан, банк назорати бўйича Базель кўмитасининг 2004 йил июнь ойида тижорат банклари капитали етарлилигини таъминлаш муаммоси ҳамда улар томонидан иқтисодий меъёрларга риоя қилиниши усгидан макбул назоратни мустаҳкамлаш мақсадида эълон қилинган “Капитални ўлчаш ва капитал стандартларининг халқаро конвергенцияси (Базель II)”да таваккалчилик турларини учтага ажратиш таклиф қилинади: кредит таваккалчилиги, бозор таваккалчилиги, операцион таваккалчилик²¹.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан банк таваккалчиликларини таснифлашга турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, В. Платонова ва М. Хиггинслар банк таваккалчиликларини молиявий, функционал ва банк фаолияти билан боғлиқ ташқи таваккалчиликларга ажратишади²².

²¹ Капитални ўлчаш ва капитал стандартларининг халқаро конвергенцияси (Базель II). 2004 йил июнь.

²² Платонова В., Хиггинса М. Банковское дело: стратегическое руководство. 2-е изд. – М.: “КонсалтБанкир”, 2001. – 432 с. (53- 71- бетлар).

Ё. Абдуллаев, Т. Қоралиев, Ш. Тошмуродов, С. Абдуллаева каби иқтисодчилар банк таваккалчиликларини вужудга келиш соҳаси бўйича, камраб олиш даражаси бўйича, таъсир қилиш вақти бўйича, пассив операциялари бўйича, актив операциялари бўйича, балансдан ташқари операциялар бўйича, молиявий хизматларни амалга ошириш бўйича каби белгиларига қараб ажратишган²³.

Ш. З. Абдуллаеванинг таснифлашича эса, банк таваккалчиликлари пайдо бўлиш сабаблари ва таъсир қилиш характери бўйича, намоён бўлиш шакллари бўйича, бошқариш имкониятларига қараб, ҳисоблаш усулларига қараб, юзага келиш ва таъсир вақтига қараб, юзага келиш соҳасига қараб ва ҳ. к. белгилари бўйича ажратилиши мумкин²⁴.

А. Калтырин, С. Кугаев, Е. Бирюкова, И. Бойко, А. Горбунова каби бир гуруҳ иқтисодчи олимлар эса банк таваккалчиликларини юзага келишига қараб: ташқи ва ички, ҳисобга олиш хусусиятларига қараб: балансга ва балансдан ташқари ҳисобрақамлар бўйича операцияларга тегишли ҳамда бошқариш имкониятлари ва усулларига қараб: очиқ ва ёпиқ таваккалчиликларига таснифлашди. Шунингдек, ушбу иқтисодчи олимлар ўз изланишларида кредит, валюта, фоиз, бозор, депозитларни шакллантириш бўйича, ўз маблағлари тузилмаси бўйича, баланс ноликвидлилиги, банк суиестемоллиги каби таваккалчиликларни тадқиқ этишган²⁵.

Юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимлар томонидан билдирилган ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, шунингдек, республикамик банклари хусусиятларидан келиб чиқиб, банк таваккалчиликларини қуйидаги расмда ифодалашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (2. 3- расм):

²³ Абдуллаев Ё, Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2009. – 548 б. (415–416- бетлар).

²⁴ Абдуллаева Ш. З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия. 2002. –304 б. (94- бет).

²⁵ Деятельность коммерческих банков. Учебное пособие. Под ред. А. В. Калтырина.- Ростов н/Д.: “Феникс”, 2004. –384 с. (235- 242- бетлар).

2. 3-расм. Тижорат банкларида таваккалчиликларни ўзига хос хусусиятларига қараб таснифланиши



Келтирилган расм банк таваккалчиликларини хусусиятларига қараб таснифланишини ақс эттиради. Расмда келтирилган молиявий таваккалчиликлар тижорат банкларида банк даромадлиги, актив ва пассивлар тузилмасини ўзгариши билан боғлиқ бўлади.

Функционал таваккалчиликлар молия-хўжалик жараёнларини ўз вақтида ва тўлақонли назорат қилинмаслиги, раҳбариятга тақдим этилаётган маълумотларнинг номувофиклиги натижасида юзага келади.

Кредит таваккалчилиги қарздор тарафнинг тузилган шартнома

шартларига кўра ўз зиммасига олган молиявий мажбуриятларини бажармаслиги, шунингдек, ўз вақтида ёки тўлиқ бажармаслиги натижасида банкка етказилиши мумкин бўлган зарар ифода-лайди.

Кредит таваккалчилигини юзага келишига асосий сабаб – мижознинг кредитга лаёқатлилигини етарли даражада баҳоланмаслиги, хусусан, мижоз томонидан келгусида кредит фоизлари ва тўловларини қайтарилиш имкониятларини батафсил таҳлил қилинмаслиги бўлиши мумкин. Шу сабабли, банкларда кредит ажратишда мижознинг молиявий ҳисоботлар мажмуаси, яъни бухгалтерия баланси (1-сонли шакл), молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл), дебитор-кредитор қарзлар ҳақида маълумот (2-а сонли шакл) ҳамда пул оқимларини ифода-ловчи маълумотларни тўлиқ олиш ва уларнинг тўғрилигини имкон даражада текшириб кўриш зарур.

Ликвидлик таваккалчилиги банкнинг ўз мажбуриятларини белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмларда бажарилишини таъминлашга қодир эмаслигига олиб келувчи омиллар натижасида юзага келади. Аммо ликвидлик таваккалчилиги фақатгина банкда ликвид активларни етарли эмаслиги натижасида юзага келибгина қолмай, балки ликвид активларни меъёрдан ортиқчилиги натижасида ҳам юзага келиши мумкин. Хусусан, ортиқча ликвидлик банк даромадларини пасайиш эҳтимолини юзага келтириши мумкин.

Баҳо таваккалчилиги – молиявий воситалар портфелининг бозор нархи ўзгариши натижасида йўқотишлар пайдо бўлиши эҳтимоли назарда тутилади. Бунда зарар кўриш эҳтимоли молиявий воситаларга таъсир кўрсатувчи молиявий бозорлар шароитлари ўзгариши вазиятида юзага келиши мумкин.

Фоиз таваккалчилиги – банкнинг активлари, пасивлари ва балансдан ташқари воситалари бўйича фоиз ставкалари номаъқул тарзда ўзгариши (унинг активларининг нархи салбий томон ўзгариши) натижасида банкда молиявий йўқотишлар юзага келиши эҳтимолини ифода-лайди.

Валюта таваккалчилиги банкда валютавий муносабатларнинг кенгайиши жараёнида юзага келиши мумкин. Жумладан, хорижий валютада кредитлар берилганида ички бозорда миллий валюта қийматининг ошиши берилган кредит қийматининг пасайишига олиб келиши ушбу таваккалчиликка мисол бўлади. Валюта таваккалчилиги валюта алмаштирув курсининг ўзгариши, конвертация ва очиқ валюта позицияси бўйича таваккалчиликларга ажратилади.

Амалиёт таваккалчилиги банк фаолиятининг хусусиятлари ва миқёсларига, банк операциялари ва бошқа келишувларини ўтказиш бўйича амалдаги қонунчилик талабларига ва ички тартиб таомилларига номувофиқлиги, Банк ходимлари ва бошқа шахслар томонидан (тўлиқ маълумотга эга бўлмаганлиги, атайлаб қилинмаган ёки била туриб қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида) бу талаблар бузилиши, банк томонидан қўлланилаётган ахборот, технологик ва бошқа тизимлар функционал имкониятларининг (хусусиятларининг) номутаносиблиги (етишмаслиги) ва ишламай қолиши натижасида юзага келиши мумкин.

Тижорат банклари фаолиятида ташқи таваккалчиликлар ҳам активларни бошқаришга маълум маънода таъсир кўрсатади. Жумладан, имиджни йўқотиш таваккалчилиги банк фаолиятида хатоликларга йўл қўйилиши, мижозлар талабларини бажарилишининг мунтазам равишда кечиктирилиши натижасида юзага келади. Бу ҳолат эса, Банкдан мижозларни бошқа банкларга ўтиб кетиш эҳтимолини кучайтиради. Натижада йирик мижозларни банкдан кетиши актив операциялар манбасини қисқаришига олиб келади.

Ҳозирги кунда республикамизнинг деярли барча банкларида таваккалчиликларни бошқариш ва таваккалчилик менежменти-ни ривожлантириш бўйича махсус бўлимлар ташкил қилинган. Шунингдек, банklar томонидан таваккалчиликларни бошқариш бўйича тегишли ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилмоқда. Ушбу меъёрий ҳужжаглар банк таваккалчиликларини бошқариш сиёсатининг мақсадлари, вазифалари, тамойиллари ва воситаларини белгилайди, банк таваккал-

чиликларини бошқариш сиёсатини тасдиқлаш ва ишлаб чиқиш тартиб-таомилларини тасдиқлайди, банк таваккалчиликларини бошқариш тизимини ташкил қилиш ва фаолият юритишнинг умумий тамойилларини ифодалайди. Бундан ташқари, тижорат банкларида кредит таваккалчилигини бошқаришда халқаро Базель кўмитасининг кредит таваккалчилигини бошқариш тамойиллари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ва йўриқнома ҳужжатлари талабларига риоя этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўпгина банкларда таваккалчиликларни бошқариш борасида айрим муаммолар мавжуд: Улар қуйидагилардан иборат:

– банкларда таваккалчиликни бошқариш билан шуғулланувчи бўлимларда тегишли ходимларнинг таваккалчилик менежментини ташкил этиш борасида малакасини етарли эмаслиги ёки аксарият ҳолларда ходимлар етишмовчилигининг мавжудлиги;

– таваккалчилик банкнинг барча бўлимлари фаолиятига алоқадорлиги сабабли, таваккалчиликни бошқаришнинг банк бўлимлари бўйича мувофиқлаштирилган механизми йўлга қўйилмаганлиги;

– банкларда асосан кредит таваккалчилигини бошқариш (кредит мониторинги, кредит операциялари аудити ва ҳ. к.) масалаларига эътибор қаратилиб, таваккалчиликнинг бошқа турлари (валюта таваккалчилиги, бозор таваккалчилиги, инвестиция таваккалчилиги ва бошқалар)га етарли даражада эътибор қаратилмаётганлиги;

– таваккалчиликни бошқариш бўйича халқаро амалиётда синалган усулларни амалиётга кенг жорий этилмаётганлиги ва ҳ. к.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, банк менежментида мавжуд банк таваккалчиликларини активлар ҳажми ва сифатига таъсирини таҳлил қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Банклар фаолиятининг кенг камровлиги, хусусан, актив операциялар ҳажмини ортиб бориши активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни ҳам бошқариш жараёнини қийинлаштиради. Шу сабабли,

активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш жараёни-ни бир нечта босқичларга ажратишни тавсия этамиз (2. 4- расм):

Расмда келтирилган банк таваккалчиликларини бошқариш босқичлари бир-бирига ўзаро боғланган ва амал қилиш жараёнида дастлабки босқич маълумотлари кейинги босқичларни ўтказиш учун асос бўлади. Таваккалчиликларни бошқариш босқичлари ҳар бир (кредит, ликвидлик, валюта, инвестиция, фоиз ва бошқалар) таваккалчиликни баҳолаш жараёнини ифода-лайди. Шу сабабли, банк томонидан ҳар бир миждоз учун ҳар бир ўтказиладиган актив операциялар бўйича таваккалчиликни бошқариш муайян босқичларда ўтказилиши лозим.

2. 4-расм. Тижорат банкларида таваккалчиликларни бошқариш босқичлари



Шунингдек, актив операциялар бошланганидан якунига ет-гунига (активлар сўндирилгунича) қадар таваккалчилик остида

бўлиши туфайли, таваккалчиликни бошқариш жараёнини узлуксиз олиб бориш талаб этилади.

Таваккалчиликни идентификациялаш ва юзага келиш шароитларини аниқлаш босқичи таваккалчиликни идентификациялаш таваккалчиликларни юзага келиш сабаблари, омилларини актив операцияни бошлашдан олдин аниқлашни талаб қилади. Бунда мижоз томонидан тақдим этилган ҳисобот маълумотларини таҳлил қилиш натижасида аниқланган камчиликлар ёки ҳолатлар мазкур мижоз билан актив операцияни амалга оширишни тўхтатишни талаб қилиши ҳам мумкин. Мазкур босқичда актив операциялар бўйича юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлар тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Таваккалчилик мониторингини амалга ошириш босқичи дастлабки ва оралиқ мониторинг кўринишида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Мониторингни бошлаш учун таваккалчиликларни идентификациялаш натижасида умумлаштирилган маълумотлар асос бўлади.

Таваккалчиликларни мониторинги активлар жойлаштирилгандан сўнг, мижозни тузилган шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажара олиш қобилиятини мунтазам баҳолаб бориш орқали амалга оширилади. Мазкур вазифалар актив операцияларни амалга оширувчи бўлинмалар томонидан масофавий ёки жойида ўрганиш орқали, шунингдек махсус ишчи гуруҳ томонидан режали тартибда ўрганиш ташкил этиш кўринишида амалга оширилиши мумкин.

Таваккалчиликни банк фаолиятига таъсирини баҳолаш босқичи таваккалчиликлар мониторинги натижалари бўйича тузилган ҳисоботлар банк Бошқарувига тақдим этилади ва таваккалчиликларни банк фаолиятига таъсирини баҳолаш учун асос бўлади.

Таваккалчиликни пасайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш босқичи натижалари бўйича агар таваккалчиликларнинг банк фаолиятига, хусусан, акциядорлар ва омонатчилар манфа-


атларига таъсири салбий, деб баҳоланса банк Бошқаруви бу борада тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши лозим. Мазкур чора-тадбирлар банкнинг тегишли филиаллари учун актив операциялар ҳажмини вақтинча тўхтатиб туриш. филиални молиявий соғломлаштириш юзасидан чоралар кўриш, зарур ҳолларда эса банк Кенгаши томонидан мунтазам равишда зарар кўриб ишлаган филиални тугатиш борасида қарор қабул қилишни ўз ичига олади.

Тижорат банкларида актив операциялар бўйича таваккалчиликларни асосий қисми кредит таваккалчиликларига тўғри келишини ҳисобга олиб, мазкур таваккалчиликларни бошқариш услубини тавсия этамиз (2.5-расм):

Тижорат банкларида кредит таъминоти кредит ажратилишида асосий омил бўлиб эмас, балки кредит таваккалчилигини минималлаштиришнинг дастағларидан бири ҳисобланади.

Аммо таҳлилларнинг кўрсатишича, айрим банкларда кредит миқдори, асосан, таъминот кийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланиб, қарздорнинг молиявий ҳолати, молиялаштирилаётган лойиҳанинг самарадорлигига эътибор етарли даражада берилмасдан қолмоқда.

Бу эса банк активларини кайтмаслик эҳтимолини оширмоқда. Фикримизча, тижорат банкларида кредит таваккалчилигини пасайтиришда қарздорлар томонидан тақдим этилган таъминот ҳисобидан қарздорликни тезда амалга оширилишининг муҳим шарти кредит ходимлари томонидан таъминотни тўғри баҳоланиши, мулкка эгаллик ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги, қарздор ва банк ўртасида шартномалар тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилишига бевосита боғлиқ. Шунингдек, таъминотга олинаётган мулкларни малакали баҳоловчилар томонидан баҳоланиши кредит таваккалчилигини пасайтиришда муҳим ўрин тутади.



2. 5-расм. Тижорат банкларида кредитлар бўйича таваккалчиликларни бошқариш услуги

Тижорат банкларида активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни самарали баҳолашда кредит сиёсати муҳим ўрин тутди. Кредит сиёсати кредитлар беришнинг максимал муддатларини белгилаши лозим. Ушбу сиёсат, шунингдек, кредитнинг асосий суммасини кредит тўлаш муддатининг сўнгида ва кредит тўлашнинг бошланғич муддати узайтириладиганда қайтариладиган кредит турларини бериш тартибини ҳам ўз ичига олиши керак.

Кредит сиёсати турли кредитлар ва қарздорлар бўйича белгиланувчи фоиз ставкаларини аниқлашда фойдаланиладиган омилларни ўз ичига олиши керак. Бунда ҳеч бўлмаганда ресурслар қиймати, кредит бўйича хизмат кўрсатишга доир кутиладиган харажатлар, воситачилик ҳақи, маъмурий сарфлар, эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ва банк маржаси баҳоланиши зарур.

Сиёсат банк кредит портфелини вақти-вақти билан баҳолашга жавобгар бўлган мансабдор шахслар рўйхатини белгилаши ҳамда кредит портфели сифатини аниқлаш ва тузатишлар минимал юзга келувчи йўқотишлар билан киритилиши учун муаммоли кредитларни аниқлаш учун зарур бўлган ички банк кредит таҳлили мақсадларини белгилаб қўйиши лозим.

Тижорат банклари кредит сиёсатида банк томонидан гаровга олинган мулкни баҳолашда, унинг баҳоланадиган нархидан келиб чиқиб, тез ва эркин сотилиш истиқболига эга бўлиши, гаровга олинган мулкнинг гаров шартномаси амал қилиш даврида ўзининг сифат хусусиятларини сақлаб қолиши, эҳтимолий юзга келиши мумкин бўлган сақлаш ва сотиш харажатлари ҳам қопланишини ҳисобга олиниши зарурлигини қатъий белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилганимизда, банк активларини бошқаришда таваккалчиликларни баҳолаш активларни йўқотилиши мумкин бўлган эҳтимоллари олдидан олиш ва активлар сифатини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

2. 3. Тижорат банклари активларини бошқаришда ликвидликни таъминлаш

Бозор иқтисодиёти шароитида молия-банк тизими барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг даромадлилик даражасини оширишда муҳим иқтисодий кўрсаткичлардан бири – ликвидлик ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг етарли даражада сақланаётгани республикамиз банкларининг халқаро миқёсдаги энг ишончли ва барқарор шериклар қаторидан мустаҳкам жой олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятлардан 10 баробар кўпдир. Бу эса республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилганлигидан далолат беради.

2011 йилда “тижорат банклари ликвидлиги”, “депозитлар ҳажмининг динамикаси”, “кредит қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши” индикаторлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011 – 2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар Дастури тўғрисида” 2011 йил 7 январдаги ПҚ–1464- сонли Қарори билан белгиланган мезонларга кўра юқори даражадаги баҳоларга эга бўлди²⁶.

Банкнинг ўз мажбуриятларини бажара олишига жамоатчиликнинг ишончи банк томонидан янги депозитларни жалб қилишга имкон берувчи бош активи ҳисобланади. Банк томонидан миқдорнинг талабини қондира олмаслик бўйича йўл қўйилган ҳар бир ҳолат банкка ва умуман банк тизимига нисбатан жамоатчилик ишончининг йўқолишига олиб келади. Шу сабабдан ликвидлик хавфи депозит институтлари дуч келадиган асосий хавфлардан бири ҳисобланади. Ликвидлик ҳолатини самарали кузатишга ҳамда

²⁶ 2011 йилдаги макроиқтисодий ҳолат ва реал сектор таҳлили. www.cbu.uz маълумотлари.

фавкулдда ҳолатлар учун етарли даражада амалий ҳаракат режасини ишлаб чиқишга қобилиятсизлик аксарият ҳолларда банкларни ликвидлик инқирозга, ҳатто банкротликка олиб келади. Ликвидлиги паст бўлган воситаларга узоқ муддатларга қўйилган маблағлар ҳисобидан қисқа муддатли ликвидликка бўлган эҳтиёжларни қондириш ва юқори фойда олиш ўртасидаги мувозанатни сақлаш банкни бошқаришнинг асосий компоненти ҳисобланади, банк бошқарув органларининг самарадорлиги ҳамда банк ижро раҳбариятининг малакаси юқори эканлигидан далолат беради.

Банк ликвидлигини самарали бошқариш, ўз навбатида, банк активлари ва пасивларини шакллантириш усулларини ўзаро боғлиқликда қўллаш заруратини юзага келтиради. Ушбу механизмни қуйидаги тартибда ифодалаш мақсадга мувофиқдир (2. 6- расм):



2. 6- расм. Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришда актив ва пасивларни бошқариш усулларининг боғлиқлиги²⁷

²⁷ Платонова В., Хиггинса М. Банковское дело: стратегическое руководство. 2- е изд. – М.: “Консалтбанкир”, 2001. – 432 с. (163-бет).

Расм маълумотларининг тасдиқлашича, тижорат банкларида ликвидликни сақлаб туришда жалб қилинган маблағларни муддатига мос равишда актив операцияларига жойлаштириш зарур.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, мамлакатимиз тижорат банклари амалиётида ликвидликни меъёрида сақлаб туриш билан боғлиқ муаммоли жиҳатлар мавжуд.

Хусусан, республикамизнинг айрим тижорат банклари даромад келтирадиган активларининг таркибида юқори таваккалчиликка эга активларнинг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Шунингдек, йирик тижорат банкларининг ресурс базасининг таркибида бошқа банклардан жалб қилинган ресурслар миқдори нисбатан юқори салмоқни эгалламоқда. Ушбу ҳолат банклар томонидан берилаётган кредитлардан олинadиган даромад даражасини пасайишига олиб келмоқда.

Шу билан бирга, тижорат банклари фаолиятида ликвидлик меъёрини таъминлаш жараёнида банк активларни таваккалчилик даражасини белгилашда халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган услубий-меъёрий ишланмалардан кенг фойдаланиш зарур.

Айни пайтда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг халқаро банк тизимига салбий таъсирини камайтириш банкларда ликвидлиликни тартибга солишга нисбатан талабларни кучайтириш халқаро банк ҳамжамияти томонидан устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Жумладан, Базель қўмитасининг “Базель III” номли янги талаблари умумлашган қоидалар мажмуи ишлаб чиқилди. Ушбу мажмуа “Ликвидлилик таваккалчилигини ўлчаш, стандартлар ва мониторинг бўйича халқаро ёндашувлар” деб номланган бўлиб, унда тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишни тубдан ислох қилиш бўйича янгича ёндашувлар берилган. Хусусан, “Базель III”га мувофиқ, тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш бўйича иккита коэффицентни (liquidity coverage ratio, net stable funding ratio) жорий этиш кўзда тутилмоқда. Бунда жорий ликвидлилик коэффиценти (Liquidity Coverage Ratio (LCR))

2015 йил 1 январдан бошлаб жорий қилинади. Мазкур жорий ликвидлилик коэффициенти қуйидагича аниқланади: $LCR = (\text{юқори сифатли ликвид активлар захираси}) / (30 \text{ кун мобайнидаги соф пул чиқимлари}) \geq 100\%$.

Жорий ликвидлилик коэффициенти банкларнинг юқори сифатли ликвид активлари захираси яқин 30 кун мобайнида қутилиши мумкин бўлган пул чиқимлари – мажбуриятларни қай даражада қоплай олишини англатади.

Банк раҳбарияти ликвидликни режалаштириши ҳамда банкнинг қисқа муддатли мажбуриятларини уларни қайтариб олишда тўлашга етарли даражада нақд пул ва қисқа муддатли активларга эга бўлиши лозим.

Етарли ликвидликни таъминланиш зарурияти фойда олишга бўлган интилишни мувозанатда сақлаб туриши лозим ҳамда банк ҳеч қачон даромадлилик фойдасига ликвидлиликни суиистеъмол қилмаслиги лозим.

Ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни билдиради.

Ликвид активлар - уларнинг яхши маълум бўлган бозор нархининг шаклланишини таъминлайдиган доимий равишда сотилувчи ва сотиб олинувчи активларнинг алоҳида тури бўлиб, банклар уларни қисқа муддат ичида сотиб олишга тайёр бўлган харидорни топиши мумкин. Бундай активлар қаторига нақд пуллар, давлат қисқа муддатли облигациялари, қисқа муддатли (етти кунгача) банклараро кредитлар киради. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) давлатлари ҳукуматлари ҳамда фонд бозори ривожланган давлатларининг машҳур трансмиллий компанияларининг қимматли қоғозлари ҳам юқори ликвидликка эгадир,

Ноликвид активлар деб, бозор нархини котировка бўйича аниқлаш мумкин бўлмаган ва бу турдаги активларнинг харид нархи сотувчи ва харидор ўртасидаги келишув натижасида ҳу-

сусий тарзда аниқланадиган активларга айтилади. Бундай активларнинг қиймати катта миқдордаги ўзгаришларга учраб туриши таққослашни қийинлаштиради. Бу турдаги активларга, масалан, кредитлар, қимматли қоғозлар бозорида котировкага эга бўлмаган ёки котировкаси қийин бўлган қимматли қоғозлар, асосий воситалар ва бошқалар киради. Тезда нақд пул миқдорини ошириш учун ноликвид активларни сотиш зарур бўлган ҳолда банк уларни зарар кўргани ҳолда сотиши мумкин.

Ликвидликни самарали бошқариш банк ва унинг атрофидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган ликвидликни бошқариш сиёсатининг мавжудлиги; банкнинг турли бўлинмаларининг мувофиқлаштирилганлиги; банк ликвидлик ҳолатининг мониторинги вазибалари юкланган таркибий бўлинманинг мавжудлиги; маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда банкнинг актив ва пассив ҳолатларини таҳлил қилиш учун ахборот тизимининг мавжудлиги каби омиллар билан таъминланади.

Тижорат банкларида ликвидликни бошқариш сиёсати ликвидликни бошқариш бўйича асосий ҳолатларни қамраб олиши ҳамда банкнинг турли хил молиявий воситаларни қўллашга нисбатан муносабатини, масалан, турли молиявий воситалардан фойдаланишини аниқ ифода этиши лозим. Шунингдек, ликвидликни бошқариш сиёсати банк Бошқаруви томонидан ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши шарт. Бунда ликвидликни бошқариш бўйича қарорлар банк Кенгашида мунтазам равишда кўриб борилиши керак.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳар бир банкда Ресурсларни бошқариш қўмитаси тузилиши лозим ҳамда унга ликвидликни самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида турли банк бўлинмалари фаолиятларини мувофиқлаштириш мажбурияти юклатилиши керак.

Ресурсларни бошқариш қўмитаси таркибига банкнинг асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари кириши керак. Бу қўмитага банк Бошқаруви раиси раҳбарлик қилади. Қўмита ҳафтасига ка-

мида бир марта бизнес-режа ва банк фаолиятининг иқтисодий шароитга асосланиб, ресурсларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларни кўриб чиқиш учун йиғилиши лозим.

Қўмита қарорлари банк бўлинмалари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган тезкор ва стратегик тавсияномалар кўринишида бўлиши лозим. Учрашувлар бошлангунга қадар Қўмита аъзолари зарурий таҳлил келтирилган тегишли ҳисоботлар билан таъминланиши лозим.

Банклар ликвидлик ҳолатининг ҳар кунлик кузатуви; раҳбариятга банкнинг ликвидликка муносабати тўғрисида кундалик ҳисоботларни тайёрлаш, бунда ликвидликни қисқа муддатли режалаштириш ҳам ҳисобга олиниши керак; барча банк бўлимларидан керакли бўлган ахборотларни олиш ваколатига эга бўлиш каби вазифалар юклагилган таркибий бўлинмага эга бўлиши лозим.

Кундалик ҳисоботлар етти кунлик давр ичида ликвидликнинг қисқа муддатли камайишини ёки ортиқчалигини акс эттириш учун етарли даражада батафсил бўлиши ҳамда маблағларни жалб этиш ва инвестициялаш бўйича талаб қилинган тавсияномалар билан таъминлаши лозим. Ушбу бўлинма маълум давр ичида (ой, чорак, йил яқунлари бўйича) банк Бошқаруви ва Кенгашига банкнинг ликвидлик позицияси ҳолати тўғрисида умумлашган ҳисоботлар тақдим этиши керак.

Бошқарув ахборотининг аниқлиги банк раҳбариятининг банк жорий ликвидлик ҳолати ва маблағларига келажакда бўладиган эҳтиёжини етарли даражада баҳолаш имкониятига сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳисоботлар (ахборот) раҳбариятга асосланган қарорлар қабул қилиш имкониятини бериш учун ўз вақтида берилиши ва етарли даражада батафсил бўлиши керак. Бундай ҳисоботлар молиявий ресурсларнинг энг йирик манбалари, тармоқ ва географик ҳудуд бўйича ресурслар манбаларининг жамланганлиги; асосий номувофиқликларни аниқлаш учун активлар ва пасивларни тўлаш жадвали; ликвид активлар ва депозитларнинг олдинги трендлари (динамикасини акс эттирувчи жадваллар);

балансдан ташқари мажбуриятлар; берилиши кутилаётган кредитлар; активларнинг даромадлилиги ва жалб қилинган ресурсларнинг қиймати; иқтисодиётнинг аҳволи, шу жумладан, асосий иқтисодий индикаторлар ва фоиз ставкаларининг ўзгариши тахминлари кабиларни ўз ичига олиши, лекин фақат шулар билан чегараланиб қолмаслиги лозим.

Ҳар бир банк ўз операциялари ҳажми ва мураккаблигига боғлиқ ҳолда банк ликвидлигини самарали тарзда кузатиш имконини берувчи ўз ахборот тизимларига эга бўлиши лозим. Бунда тизимларнинг мураккаб дастурий таъминотга асосланиши эмас, балки уларнинг банк операциялари кўлами ва мураккаблигига мослиги асосий аҳамиятга эга. Тизимлар раҳбариятнинг зарурий ахборотга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида ва тўлиқ кондириши керак. Бундай тизимлар, шунингдек, банкнинг турли ҳолатлардаги фаолиятини моделлаштириш учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Банк ликвидлигини самарали бошқариш активлар ва пасивларни бошқаришни ўз ичига олиши лозим. Ликвидликни бошқаришга бўлган талаблар банк балансининг актив ва пасив қисмларини бошқаришни таъминлаши лозим.

Баланснинг актив қисмида банк ликвидлигини бошқариш учун сотилиши осон бўлган акцияларни, яъни ДҚОни харид қилиш ёки уларга эгалик қилиш ёхуд захираларни кўпроқ ташкил қилиш ва сотилиши қийинчилик туғдирмайдиган пул маблағларига айлантириш кўп вақтни олмайдиган қисқа муддатли қўйилмаларни амалга ошириш йўли билан эришиш мумкин.

Банк раҳбарияти бозор иқтисодиёти даврида банкка маблағларни жалб қилишнинг турли йўллари аниқлаши лозим.

Банк ликвидлигини бошқаришни йўлга қўйишда қуйидаги омилларни таҳлил қилган ҳолда қарорлар қабул қилиш керак:

- жорий ликвидлик ҳолати;
- ресурсларга бўлган талабнинг даврий ўзгариб туриши;
- ресурсларга бўлган талабларнинг мўлжалланаётган ўзгаришлари;
- ресурслар манбалари. Раҳбарият банклараро бозорда актив-

ларни сотиш ва харид қилишни ёки бошқа манбаларни танлаши лозим;

– ресурсларнинг қиймати;

– активларнинг сифати. Барча банк раҳбарларига маълумки. активларнинг сифати банк ликвидлигига таъсир қилади. Муаммоли кредитлар, яъни муддати ўтган фойда келтирмаётган кредитлар ва пул маблағлари ҳаракатининг камлиги банк ликвидлигига таъсир кўрсатади;

– ресурсларнинг жамланганлиги. Масалан, банкнинг давлатнинг ва йирик корхоналарнинг депозитларига ҳаддан ортиқ қарамлиги банкнинг ликвидлик таваккалчилигининг ошишига сабаб бўлади. Чунки ушбу депозитлар ҳар хил бюджет тўловлари ёки иш ҳақи тўлаш учун ҳар қандай вақтда қайтариб олиниши мумкин;

– банкнинг капитали ва фойдалилигини ҳисобга олган ҳолдаги банкнинг умумий молиявий ҳолати. Банкнинг молиявий ҳолати ёмон бўлса, талаб қилинаётган воситаларни йўл қўйиб бўлмайдиган юқори нархларда олиши ёки банклараро бозорга кира олмаслиги мумкин. Воситалардан фойдаланишнинг имкони бўлса-да, қарз берувчи ДҚО ёки депозит сингария юқори ликвидли ёки осон сотилувчан таъминот берилишини талаб қилади. Банк эса бунга йўл қўя олмайди;

– балансдан ташқари мажбуриятлар ва шартномалар, жумладан, ишлатилмаётган кредит линиялари, аккредитивлар, қимматбаҳо қоғозлар ва валютани сотиб олиш учун тузилган келишувлар.

Маблағларни жойлаштириш ҳақидаги қарорларга жуда кўп. баъзан бир-бирига зид омиллар таъсир этади. Масалан, агар раҳбарият нақд пул каби юқори ликвидли йирик активларга эга бўлишни истаса, у жорий даромаддан воз кечади. Банклараро бозорда анча арзон ресурсларни олиш имконияти мавжуд бўла туриб, ликвидликка бўлган талабни қондириш мақсадида юқори ликвидли ДҚОларни сотиш ҳам даромад олмасликка сабаб бўлиши мумкин.

Банклар кўп усуллар билан ресурсларни кўпайтириши мумкин: доимий равишда депозитларни жалб қилиш, банклараро ёки Марказий банк кредитларини олиш каби усуллар орқали. Жалб қилинган маблағлар нархларнинг рақобатлилиги ва мажбуриятларни қайтариш муддати активларни қайтариш муддатига мос келиши керак.

Активлар ва мажбуриятларни қайтариш муддатларининг мос келмаслиги ликвидлик хатарининг асосий манбаи ҳисобланади. Ликвидликни самарали бошқариш деганда, банклар бу номутонасибликларни англаган ҳолда мавжуд хатарни камайтириш учун етарли чораларни кўриш йўли билан ликвидлилик позициясини мустаҳкамлашни тушуниши керак.

Банкнинг ликвидлилик позицияси биринчи навбатда унинг ресурслар базаси барқарорлигига боғлиқ.

Турли воситалар орқали ресурсларни жалб қилишнинг барқарорлигини аниқлашда биринчи галда ресурсларнинг манбаларини кўриб чиқиш керак. Турли пассив тоифалар даражаларининг барқарорлигига боғлиқ ҳолда баъзи умумлаштиришларга йўл қўйилиши мумкинлигига қарамасдан (ҳар қандай вақтда анча юқори ставкаларга интилиб, банкдан чиқиб кетиши мумкин бўлган йирик депозит сертификатларига нисбатан жамғарма ҳисобварақлари анча ишончлидир, жорий депозитларга нисбатан узоқ муддатли депозитлар анча барқарордир) ресурс манбаи тури муҳим аҳамиятга эга бўлади. Масалан, узоқ муддатли кредит олган банк акциядорлари ёки қарз олувчиларига тегишли бўлган йирик депозитлар одатда рақибларнинг бироз юқори фоиз ставкалари бўйича таклифларидан сўнг банкдан чиқиб кетиши тенденциясига эга бўлмайди.

Активларни сотиш билан бир қаторда нақд пулнинг тезда ортишига эҳтиёж сезган банк кредитлар учун банклараро бозорга мурожаат қилиши мумкин. Банкнинг ушбу бозордан кредит олиш имкониятлари бир нечта омиллар билан биргаликда банкнинг молиявий ҳолатига, капиталнинг етарлилигига, бозорнинг фикрини билган ҳолда юқори ликвидли гаровнинг мавжудлилигига,

бозорнинг ликвидлигига ва умумий макроиктисодий аҳволга боғлиқдир.

Банклараро кредитлар бозори ресурсларнинг муҳим ва йирик манбаи бўлиб ҳисобланади. Ушбу бозорда операциялар қуйидаги муоммоларни ҳал этиш учун хизмат қилиши мумкин:

– тижорат банклари вакиллик ҳисобварақларидаги захираларнинг тақчиллигини қоплаш ва уни талаб даражасига етказиш:

– мўлжалланаётган узоқ муддатли кредитлаш эҳтиёжи вужудга келгунча ёки йирик депозитни қайтариш талаби билдирилгунча ресурсларни самарали жойлаштириш (шу жумладан, камида бир кунлик муддатга) учун шароит яратиш - Марказий банкдан олинган кредитларни қайтариш.

Банклараро бозор иштирокчилари бошқа ҳар қандай иштирокчига ортиқча захирани қарзга бериши (олиши) мумкин. Банклараро бозордаги операциялар қарз олувчи ёки қарз берувчи истак билдирганда бошқа банкларга ресурслар сотиш ёки сотиб олиш таклифи билан мурожаат қилиб, амалга оширилиши мумкин.

Барча тижорат банклари жорий ликвидлик меъёрларини бажаришлари лозим, улар жорий активларнинг (тўлов муддати 30 кунгача бўлган барча ликвидлик активлари, бир марта бўлса ҳам муддати узайтирилган ва ёки аввал берилган ссудаларни тўлаш учун, шунингдек, қайтариш муддати ўтиб кетган кредитлар бундан истисно) талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар суммасига нисбати оркали аниқланади. Ушбу кўрсаткич 30% дан кам бўлмаслиги керак.

Банк ликвидлигини таҳлил қилувчи давр (ойлик, чораклик, йиллик) мобайнида ўзгаришлар тенденциясига аҳамият бериши ва ўзгаришлар аҳамиятини ҳамда характерини ўтган даврларга нисбатан баҳолаши, ресурслар жалб қилишнинг ўтган ва жорий стратегияларини баҳолаши, шунингдек, имкони бўлса, ўхшаш банклар билан таққосланиши лозим.

Ликвидлик коэффицентлари ўз-ўзидан ликвидликнинг етарлилиги бўйича аниқ маълумот бермайди, уларга умумий баҳонинг бир қисми сифатида қараш керак. Банк раҳбарияти жо-

рий ликвидликдан ташқари ўзининг ликвидлик кўрсаткичлари тўпламини ишлаб чиқиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Мазкур кўрсаткичлар мазмунли бўлиши ва ҳар доим банкнинг молиявий ҳолатини баҳоловчи бошқа маълумотлар билан биргаликда баҳоланиши лозим.

Хулоса килганимизда, тижорат банклари активлари самарадорлигини таъминлашда ликвидликни тўғри бошқариш активларни даромадлилик даражасини ошириш имконини бериш билан бирга, миқозларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш имконини беради.

2. 4. Тижорат банклари фаолиятида даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларни бошқариш амалиёти

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолиятида замонавий хизмат турларини кўпайиши, шунингдек, актив операциялар хажмининг ортиши банклардан активларни даромадлигига қараб таснифлаган ҳолда бошқаришни талаб қилади. Умуман олганда, активларни даромадлигига қараб бошқаришнинг банк даромадлигини ошириш манбаларини аниқлаш ва молиялаштириш борасида қарорлар қабул қилиш; банк жами активлари таркибида фойда келтирмайдиган активлар салмоғини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; банк активларини диверсификациялашнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш; республикада ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда актив операцияларни тўғри тақсимлаш каби зарурати мавжуд, деб ҳисоблаймиз.

Тижорат банклари сифатида танланган банкларда даромад келтирувчи активларнинг динамикасини куйидаги жадвал маълумотларида кузатишимиз мумкин (2. 2- жадвал):

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, танланган банклар амалиётида қимматли қоғозлар билан боғлиқ актив операциялар ўрни сезилмайди. Аммо, мазкур банклар томонидан хўжалик

субъектларини кредитлаш операциялари ҳажмида ўтган йилга нисбатан ўсиш мавжуд. Ўсиш суръатлари ОАТ “Алокабанк”да 11 060 559,0 минг сўмни ёки 7,02 фоизни, ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”да эса 278 515 901,0 минг сўмни ёки 58,7 фоизни ташкил этмоқда.

2. 2- жадвал

Тижорат банкларида 01.01.2010 – 01.01.2011 й. й. оралигида даромад келтирувчи активлар миқдорининг ўзгариши, минг сўмда²⁸

№	Кўрсаткичлар номи	ОАТ “Алокабанк”		ОАТБ “Қишлоқ-қурилишбанк”	
		01.01.2010	01.01.2011	01.01.2010	01.01.2011
1	Олди-сотди қимматли қоғозлари	0	0	0	0
2.	Ҳосилавий молиявий инструментлар	0	0	0	0
3.	Сотиш учун амалда мавжуд бўлган инвестициялар	6 013 408,0	3 747 625,0	177 718,0	217 505,0
4.	Тесқари РЕПО	0	0	0	0
5.	Соф кредитлар ва бунақлар	146 456 745,0	157 517 304,0	195 522 798,0	474 038 699,0
6.	Молиявий ижара	0	0	0	0
7.	Қарам хўжаликларга қилинадиган инвестициялар	0	0	0	0
8.	Қўшма корхоналарга қилинадиган инвестициялар	0	0	0	0

²⁸ “Банк ахборотномаси” газетаси. – Т., 2011 йил 13 апрель (№15 (778)), 11 май (№20 (783)).

9.	Марказий банк ва бошқа банкларга жойлаштирилган даромад келтирадиган маблағлар	41 954 105,2	106 628 473,6	133 931 254,0	190 655 352,0
Жами		194 424 258,2	267 893 402,6	329 631 770,0	664 911 556,0

Банк даромад келтирувчи активларини бошқариш жараёни даромад келтирмайдиган активларга нисбатан мураккаб жараён ҳисобланади. Фикримизча, даромад келтирувчи активларнинг асосий қисми ҳисобланган кредитларнинг юқори таваккалчиликка эга эканлиги; мижозлар томонидан тақдим этилган бизнес-режада кўрсатилган фаолиятни турли сабабларга кўра тўхтаб қолиши ёки берилган кредит маблағларини мақсадсиз ишлатилиши натижасида мазкур маблағларни қайтиш имкониятларини пасайиб кетиши; кўпгина ҳолларда кредит таъминотининг ликвидлик даражаси пастлиги ёки кредит муддати давомида таъминотнинг аҳволи ёмонлашиши сабабли, муаммоли активларнинг ҳажмини ортиши; бозор инфратузилмаси яхши ривожланмаган ҳудудларга жойлаштирилган активлардан олинган даромадни жалб қилинган маблағлар бўйича мажбуриятни қоплай олмаслиги каби жиҳатлар сабаб бўлади.

Ушбу ҳолатлар банклар амалиётида даромад келтирувчи активларни самарали бошқариш механизмини жорий этишни тақозо этади (2. 7- расм):

Тижорат банкларида даромад келтирувчи активларни жойлаштириш даврида лойиҳанинг хусусиятлари ва таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда мижознинг қайси мулкчилик шаклида фаолият кўрсатиши; жалб қилинган маблағлар қиймати; лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаш сифатлари; лойиҳанинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятидан; мижознинг кредит тарихи, банк билан молиявий муносабатлар олиб борган давридаги молиявий ҳолати кабилардан келиб чиқиб диверсификация қилиш мақсадга мувофиқдир.



2. 7- расм. Тижорат банклари даромад келтирувчи активлари ва уларни бошқариш элементларининг ўзаро боғлиқлиги

Тижорат банкларида даромад келтирувчи активларни бошқаришнинг муҳим усули – жойлаштирилган актив амалиётлар бўйича маблағларни доимий равишда таснифлаб боришдир. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, банкдаги барча кредитлар уларнинг сифатига қараб “яхши”, “қониқарли”, “субстандарт”, “шубҳали” ва “умидсиз” категориялари бўйича қуйидаги шартлар бўйича таснифланиб борилади²⁹.

²⁹ Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, сеудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 11 февралда 632-сон билан рўйхатга олинган.

Фикримизча, тижорат банкларида даромад келтирувчи активларни бошқариш самарасини баҳолаш учун қуйидаги ҳисоб-китоблардан фойдаланишни тавсия этамиз³⁰.

1) *Кредит таваккалчилигини ҳисобга олган ҳолдаги соф фоиз маржаси*

$$C\phi M_{кт} = \frac{\Phi\delta - \Phi x - K\ddot{y}}{K} \quad (2. 1.)$$

бу ерда,

$C\phi M_{кт}$ - кредит таваккалчилигини ҳисобга олган ҳолдаги соф фоиз маржаси;

$\Phi\delta$ - фоиз даромадлари;

Φx - фоиз харажатлари;

$K\ddot{y}$ - кредитлар бўйича йўқотишлар;

K - жами кредит қўйилмалари.

2) *Кредит қўйилmalarининг ўсиш суръати*

$$K_{\text{ўс}} = \frac{K_{\text{ўд}}}{K_{\text{жўд}}} \times 100\% \quad (2. 2.)$$

бу ерда,

$K_{\text{ўд}}$ - ўтган даврда берилган кредитлар ҳажми;

$K_{\text{жўд}}$ - жорий даврда берилган кредитлар ҳажми.

Филиал кредит комиссиялари доимий равишда йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ажратилган кредитларни уларнинг ҳолатидан келиб чиқиб таснифлаб бориши ва бу тўғрисида ўзининг қарорини қабул қилишлари лозим. Кредит комиссиялари ҳар чоракда камида бир марта банк кредит портфелининг умумий аҳволига бағишланган алоҳида йиғилишида берилган барча кредитларни ялпи равишда ёки уларнинг бир гуруҳини таснифлашлари ва уларга доир тегишли чора-тадбирларни белгилашлари лозим.

Тижорат банклари активларини бошқаришнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири банк активларининг умумий ҳажмида даромад келтирмайдиган активларнинг

³⁰ Платонова В., Хиггинса М. Банковское дело: стратегическое руководство. 2-е изд. – М.: “Консалтбанкир”, 2001. – 432 с. (152-153-бетлар).

салмоғини ўзгариши кўрсаткичи ҳисобланади. Агар бу кўрсаткич таҳлил қилинган давр мобайнида ўсиш тенденциясига эга бўлса ёки унинг нисбатан барқарор даражаси сақлаб қолинган бўлса, у ҳолда банк активларининг даромадлилик даражаси паст ҳисобланади (2. 3-жадвал):

2. 3-жадвал

Тижорат банкларида 01. 01. 2010 – 01. 01. 2011 й. й. оралиғида даромад келтирмайдиган активлар миқдорининг ўзгариши, минг сумда³¹

№	Кўрсаткичлар номи	ОАТ “Алоқабанк”		ОАТБ “Қишлоқурилиш-банк”	
		01. 01. 2010	01. 01. 2011	01. 01. 2010	01. 01. 2011
	Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	8 657 995,0	5 521 442,0	6 029 146,0	6 370 611,0
	Асосий воситалар	5 733 651,0	12 516 060,0	8 961 824,0	29 341 121,0
	Номоддий активлар	96 293,0	82 320,0	487 542,0	389 405,0
	Бошқа ўз мол-мулклар	5 393 575,0	16 671 593,0	743 967,0	708 389,0
	Эҳтимолий йўқотишлар бўйича яратилган захиралар	-4 088 556,0	-4 915 972,0	-6 228 077,0	-11 293 380,0
	Солиқлар бўйича маблағлар	604 644,0	622 411,0	1 631 384,0	1 432 888,0
	Бошқа даромад келтирмайдиган активлар	23 646 955,8	35 369 639,4	31 814 133,0	323 683 957,0
Жами		44 133 113,8	70 783 465,4	49 667 996,0	361 926 371,0

Жадвал маълумотларининг курсатишича, танланган тижорат банкларида даромад келтирмайдиган активлар ҳажмида ўтган даврга нисбатан ўсиш мавжуд. Бунда жами активлар таркиби-

³¹ “Банк ахборотномаси” газетаси. – Т.: 2011 йил 13 апрель (№15 (778)), 11 май (№20 (783)).

даги юқори ўсиш миқдори асосий воситалар ва бошқа активлар туркумига киритилган қийматликлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Хусусан, ОАТ “Алоқабанк”да асосий воситалар қолдигининг ўтган йилга нисбатан ўсиши 6 782 409,0 минг сўмни, бошқа даромад келтирмайдиган активларнинг ўсиши эса 11 722 683,6 минг сўмни ташкил қилган.

Мазкур ўсиш суръатларининг сабаблари сифатида банк фаолиятини кенгайтириш, шунингдек, хизматлар сифатини яхшилаш, мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида замонавий технологияларни сотиб олиш зарурати; дебитор қарзларни ўз вақтида қопланиши бўйича зарур чоралар кўрмаслик кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ушбу ҳолатлар, ўз навбатида, тижорат банкларида даромад келтирмайдиган активларни бошқаришга жиддий эътибор қаратишни талаб қилади (2. 8- расм).

Расм тижорат банкларида даромад келтирмайдиган активлар таснифини ва уларни бошқариш элементлари боғлиқлигини ифода этади.

Даромад келтирмайдиган активлар таркибида суд жараёнидаги активларнинг ўсиши банк учун бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради, хусусан, бу ҳолат пул маблағлари айланмасига салбий таъсир қилади; ушбу активларни ундириш ишларини ташкил этиш учун махсус ишчи гуруҳ тузиш зарур бўлади, бу эса, ўз навбатида, хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни оширади.

Шу сабабли, активларни жойлаштиришдан олдин мижозларнинг молиявий ҳолатини чуқурроқ таҳлил қилиш ва қўйилган таъминот объекти аҳволини дастлабки мониторингдан ўтказишга эътибор қаратиш зарур.

Даромад келтирмайдиган активлар таркибида асосий воситалар салмокли ўрин эгаллайди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, кўпгина банклар балансида бошқа активлар (банк эҳтиёжлари учун сотиб олинаётган, аммо банкка келтирилмаган қимматликлар, тугалланмаган қурилишлар учун бўнак тўловлари, ходимларнинг банк олдидаги қарзлари, келгуси давр харажатлари ва ҳ. к.) миқдори ҳисобот даври охирида йирик суммани ташкил этиб қолмоқда.



2. 8- расм. Тижорат банклари даромад келтирмайдиган активлари ва уларни бошқариш элементларининг ўзаро боғлиқлиги

Бу ҳолат эса ўз навбатида банкнинг дебиторлик қарзларини ошишига, шунингдек, банкда даромад келтирмайдиган активлар улушини ортишига олиб келмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, банклар амалиётида зарур таҳлилни амалга оширмасдан асосий воситаларга сарфланадиган маблағларни кескин кам айтириш ҳам хизмат кўрсатиш сифати-га салбий таъсир қилиши мумкин. Жумладан, қуйидаги ҳолатлар доимий равишда асосий воситаларга маблағ сарфлаш заруратини юзага келтиради:

– аксарият дастурий тизимларни банк фаолиятида ҳисоблаш техникаларига ўрнатиш уларни самарали ишлашини таъминламайди. Ушбу дастурий тизимларни жорий этиш учун замонавий, бир нечта амалларни бажара оладиган технологиялар зарур;

– банк амалиётига замонавий хизмат турлари (халқаро пул ўтказмалари бўйича, “Банк-мижоз” дастури, Интернет-банкнинг, SMS-банкнинг кабилар)ни жорий этиш зарур иш шароити яратиш учун техник жиҳозланишни талаб қилади;

– банк мижозларига қулайликлар яратиш, шунингдек, илғор банк технологияларини жорий этиш асосида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида тўлов терминаллари, инфокиосklar, банкоматлар каби жиҳозларга маблағлар сарфлаш зарурати мавжуд.

Мазкур ҳолатлар тижорат банкларида даромад келтирмайдиган активларни бошқаришда уларни банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайдиган даражада қискартириш, шунингдек, банк даромадини ошишига мос равишда даромад келтирмайдиган активлар ҳажминини назоратга олишни тақоза этади.

Хулоса қилганимизда, тижорат банкларида активларни бошқаришда уларни даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларга ажратишнинг асосий мақсади – активлар таркибида уларнинг сифатини ёмонлашишига олиб келаётган омилларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборатдир.

Асосий таянч сўз ва иборалар

Тижорат банклари активларини бошқаришга таъсир этувчи омиллар, акциядорлар умумий йиғилиши, банк кенгаши, банк бошқаруви, банк бошқаруви органларининг активларни бошқаришидаги ўрни, банк активларини бошқаришга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар, тижорат банкларида активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқаришга таъсир этувчи омиллар, таваккалчиликларни таснифлаш, банк активлари билан боғлиқ таваккалчиликларни баҳолаш босқичлари, даромад келтирувчи активлар, даромад келтирмайдиган активлар, даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларни бошқариш масалалари.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Тижорат банкларида активларни бошқаришга таъсир этувчи омилларни баҳолашнинг иктисодий аҳамияти нимада?
2. Банк активларини бошқаришга таъсир этувчи ички омилларни санаб беринг.
3. Банк активларини бошқаришга таъсир этувчи ташқи омиллар нималардан иборат?
4. Тижорат банклари активларини самарали бошқаришда таваккалчиликларни баҳолашдан асосий мақсад нима?
5. Банк активлари билан боғлиқ таваккалчиликларни таснифлаб Беринг.
6. Тижорат банкларида активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқаришга қандай омиллар таъсир қилади?
7. Тижорат банкларида активлар таваккалчилигини юзага келтирувчи қандай сабаблар мавжуд?
8. Банк активлари билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш қандай асосий босқичларда амалга оширилади?
9. Тижорат банкларида даромад келтирувчи активларни бошқариш қандай амалга оширилади?

10. Тижорат банкларида даромад келтирмайдиган активларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

II боб бўйича хулосалар

1. Молия бозоридаги ракобат муҳити тижорат банкларида активларни бошқаришга таъсир этувчи омиллар ўз вақтида ва тўғри баҳолашни талаб қилади. Жумладан, молия бозорида банк фаолиятига турли таъсирларнинг ижобий ёки салбий оқибатларини ўрганиш, банк актив операцияларини таваккалчиликка берилувчанлигини баҳолаш ва назоратга олиш, актив операциялар иштирокчилари (кредиторлар)ни тўловга қобилиятлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш каби масалаларни ҳал этиш бевосита банк активларини бошқаришга бевосита боғлиқ.

2. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, тижорат банкларининг ликвидлигини самарали бошқариш биринчи навбатда, банк тизимининг барқарорлиги, унга бўлган инвесторларнинг ҳамда миқдорларнинг ишончи ва унинг самарали фаолият кўрсатишида муҳим аҳамият касб этади.

3. Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш эса банк активларини тўғри бошқариш, хусусан, банкнинг миқдорлар олдидаги мажбуриятини қоплаш учун зарурий миқдордаги активлар ҳажмини сақлаб туришни талаб қилади.

4. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тижорат банкларида активларни самарали бошқариш амалиётини ташкил этиш кўп жиҳатдан активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни баҳолаш масалаларига боғлиқ. Бунда банк активлари билан боғлиқ таваккалчиликларни таснивлash, уларни банк фаолиятига таъсирини баҳолаш каби масалаларга эътибор қаратилади. Шунингдек, бугунги кунда замонавий банк хизматлари ҳажмини ошиши билан тижорат банкларида фақат кредит таваккалчилигини эмас, балки бошқа активлар бўйича ҳам таваккалчиликларни баҳолашга зарурат туғилади.

5. Тижорат банклари амалиётида банк даромадлигини ошириш манбаларини аниқлаш ва молиялаштириш борасида қарорлар қабул қилиш, банк жами активлари таркибида фойда келтирмайдиган активлар салмоғини камайтириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш, банк активларини диверсификациялашнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш, республикада ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда актив операцияларни тўғри тақсимлаш каби масалаларни ҳал этиш активларни даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган тоифаларга ажратиш бошқариш заруратини юзага келтиради.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ


3. 1. Тижорат банклари активларини бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банкларида активлар самарадорлик даражасини яхшилаш уларни бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштиришга бевосита боғлиқ.

Тижорат банкларида активларни бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш банк активларни бошқариш бора-сидаги ички сиёсатлар (кредит, фоиз, инвестиция ва бошқалар) талабларини бажарилишини таъминловчи механизмни ташкил қилиш; банкда даромад олишга қаратилган ва минимал хатарга эга бўлган активлар портфелини шакллантириш, таъсирчан мониторинг механизмини жорий этиш, муддати келган кредитларни сўндириш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш, самарали актив операциялар ҳажмини кўпайтиришни таъминлаш; молия бозорини таҳлил қилган ҳолда кредитлаш амалиётига халқаро стандартларга жавоб берадиган прогрессив усулларни жорий қилиш; Ҳукумат ва Марказий банк томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ижросини ташкил қилиш асосида кредитлаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаш, ўрганиш, уларни таҳлил этиш, бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилишини назорат қилиш; мижозлар манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан актив операцияларга белгилаган меъёрларга қатъий амал қилинишини таъминлаш; юзага келган муаммоли активлар билан ишлашни ташкил қилиш ва уларни ҳал қилиш ҳамда олди-

ни олиш юзасидан қарорлар қабул қилиш каби муаммоларни ҳал этишни назарда тутати.

Ушбу келтирилган ҳолатлардан келиб чиқиб, тижорат банкларида активларни бошқаришнинг ташкилий механизмига амал қилиш жараёнини қуйидагича ифодалашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (3. 1- расм):



3. 1- расм. Тижорат банклари активларини бошқаришнинг ташкилий механизми ва унинг амал қилиш тартиби

Тижорат банклари активларини бошқаришга Марказий банк томонидан таъсир банк активлари сифатини тасниф қилиш ва активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар ўрнини қоплаш учун захиралар яратишга доир талабларни белгилаш, ишончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва таомилини аниқлаш орқали намоён бўлади.

Шунингдек, Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган актив операциялар бўйича бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори; йирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдори; ликвидлилик коэффициентлари; активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек, бундай таснифлар асосида банкнинг операция харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарзларга қарши ташкил этиладиган захираларни шакллантириш; очик валюта мавқеи лимитлари каби иқтисодий меъёрларни белгилайди.

Тижорат банкларида активларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини юритишда банк бошқарув органлари (акциядорлар умумий йиғилиши, банк Кенгаши ва банк Бошқаруви) муҳим аҳамиятга эга. Мазкур муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 июлдаги 943-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомда белгилаб қўйилган. Жумладан, унда банк Кенгаши активларни бошқариш билан боғлиқ бўлган актив ва пассивларни бошқариш (маблағларни бошқариш бўйича қўмита ташкил этишни ўз ичига олади); кредит сиёсати (бу кредит ва кредитларни кўриб чиқиш ички жараёнини ўз ичига олади); дивидендларни тўлаш сиёсати; инвестиция сиёсати; эмиссия сиёсати кабиларни ишлаб чиқиши лозимлиги кўрсатилган.

Шу билан бирга, банк Кенгаши томонидан банк фаолиятига тегишли бўлган фойдани режалаштириш ва бюджет; капитални режалаштириш; бухгалтерия ҳисобининг ички назорат тизими; малдаги қоидаларга риоя этилиши бўйича назорат (банк дастурлари ва фаолиятини Марказий банк низомлари ва қоидаларига

риоя этилиши); ички аудит дастури; ташқи аудит дастури; чет эл валютаси билан операциялар каби қўшимча сиёсатлар ишлаб чиқилиши лозим.

Активларни самарали бошқаришда уларни бошқариш тамойиллари ва талабларини тўғри белгиланиши муҳим аҳамиятга эга. Тижорат банкларида мазкур талабларни акс этишида Кредит сиёсати муҳим ўрин тутаети.

Банк Кредит сиёсатининг бош мақсади – банк активларининг юқори даромадлигини таъминлаш, ликвидликни сақлаб туриш, таваккалчиликни диверсификация қилиш, кредит амалиётини юритиш билан боғлиқ амалдаги иқтисодий нормативларга риоя қилинишини, кредитлаш тамойилларига мос ҳолдаги кредит портфелини шакллантиришга қаратилган, банк учун ягона ва умумий тартибни жорий этишдан иборатдир.

Кредит сиёсати молиявий йил давомида банк активларини шакллантириш, шунингдек, кредитлаш (молиявий лизинг ва факторинг амаллари)ни ташкил этиш ва бу жараёнда таваккалчиликни бошқариш, кредит мониторингини юритиш услубларини, кредит портфелини самарали бошқариш мақсадида қўлланиладиган чора-тадбирларнинг асосий йўналишларини белгилайди.

Ушбу Кредит сиёсати банкнинг барча филиаллари учун мажбурий ҳисобланган ички меъёрий ҳужжат бўлиб, унда кўзда тутилган қоидаларнинг фақат шартномаларда келишилган қисми банк мижозлари учун мажбурий бўлиши мумкин.

Активларни бошқариш самарадорлигини ошириш учун ҳар бир банк ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга жорий этиши лозим.

Банкларнинг кредит сиёсати хўжалик субъектларини кредитлаш жараёнида юзага келувчи бир катор таваккалчиликларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгилаб берувчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи асосий

ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек, кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти мақсадларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, банкларда кредит сиёсати алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқилиши ва банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим. Бундан ташқари, кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк Бошқаруви аъзолари, банкнинг бошқа мансабдор шахслари зиммасига юклатилади.

Кредит сиёсати банкларнинг жорий стратегияси ва иқтисодий ҳолатига мувофиқлигини таъминлаш учун банк Кенгаши томонидан йилига камида бир марта тегишли йилнинг 1 февралигача бўлган муддатда қайта кўриб чиқилиши, тасдиқланиши ва Марказий банкка тақдим этилиши зарур.

Банкларда кредит сиёсатининг мазмуни кредит портфелининг таркибига, банк ўз фаолиятини амалга ошираётган ҳудуднинг иқтисодиёти хусусиятларига қараб аниқланади. Тижорат банкларида кредитлаш стратегиясини шакллантиришда ва тегишли кредит сиёсатини тайёрлашда ушбу омилларни ҳисобга олиши активлар бўйича таваккалчиликларни пасайтириш имконини беради.

Банкларда одатда, ҳар қандай кредит сиёсатининг мақсади узоқ муддатли инвестициялардан акциядорларга юқори даромад келишини таъминлаш, ликвидликни сақлаб туриш, таваккалчиликни диверсификация қилиш, сиёсат ва тадбирлар бирлигини кафолатлаш, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш, ҳудуднинг кредитларга бўлган эҳтиёжини қондириш кабилардан иборат бўлади. Бунда кредитлашнинг стратегик йўналишлари банк Кенгаши томонидан белгиланади ва тасдиқланади.

Банкларда кредит сиёсатининг йўналишлари, унда қўйиладиган мақсад банк фаолияти турлари тузилмасига фарқ қилади. Бунда кредит сиёсатининг йўналишларида берилаётган кредитларнинг ҳажми ва шакли, қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ўртасидаги

нисбат, молиявий ахборотларни таҳлил этиш жараёни, кредит портфели ҳамда маблағларнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар акс эттирилиши лозим.

Ҳозирги кунда хорижий банкларда активларни ва пасивларни бошқариш соҳасида ўзларининг стратегияларни ишлаб чиқиб ва махсус қўмиталар ташкил қилинмоқда. Ушбу қўмиталар ҳар кун икки ҳар ҳафтада йиғилиб активларни ҳолати бўйича тезкор режалар ишлаб чиқишади.

Банкларда актив ва пасивларни бошқариш бўйича таркибий тузилишни шакллантиришдан акционерлар ва жамғарма эгаларини ҳимоя қилиш; ликвидликни меъёрида сақлаб туриш; фойдани кўпайтириш мақсадида жалб қилинган маблағларнинг фоизини бошқариш; таваккалчиликлар меъёрида бўлган чет эл валюталарини айирбошлашидан даромад олиш; молиявий таваккалчиликлардан ҳимояланиш мақсадида капиталнинг етарлилигини таъминлаш, кредитларнинг таъминланганлик турига, таваккалчилик даражасига, даромадлилик даражасига кредит қўйилмаларининг ичида ҳар бир кредит турининг салмоғини банкнинг кредит сисъатига боғлиқ равишда ўзгаришини назорат қилиш; активларнинг ва пасивларнинг фоиз ставкаларининг сезувчанлигини меъёрида сақлаш каби асосий мақсадлар кўзланади.

Ушбулардан чиққан ҳолда республикамиз тижорат банкларида актив ва пасивларни бошқариш бўйича масъул тузилманинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида уларнинг зиммасига куйидаги вазифаларни юклашни тавсия қиламиз:

Банкнинг стратегик ривожланишини белгилаш соҳасида:

1. Банкнинг Бизнес-режаси ва стратегик ривожланиш режасини тайёрлашда иштирок этиш;
2. Банкнинг ривожланиш параметрлари бажарилиши устидан назорат қилиш.

Актив ва пасивларни бошқариш соҳасида:

1. Актив ва пасивларнинг турлари бўйича фоиз шаклида оптимал актив ва пасивларнинг структурасини белгилаш;
2. Таваккалчилик даражасини минималлаштирган ҳолда мак-

симал даромадни олиш мақсадида актив операциялари бўйича асосий параметрларни белгилаш;

3. Арзон, муқим ва диверсификацияланган ресурс базасини шакллантириш мақсадида пассив операциялари бўйича асосий параметрларни белгилаш;

4. Банкнинг актив ва пассивларининг қайтариш муддати, ҳажми ва фоизлари бўйича мутаносиблиги юзасидан таҳлиллар ўтказилишини таъминлаш;

5. Банкнинг актив ва пассивлари ҳолатини таҳлил қилиш орқали қайтариш муддати, ҳажми ва фоизи бўйича мутаносиблигини таъминлаш;

6. Банкнинг депозит ва инвестиция портфелини бошқариш юзасидан самарали сиёсатларни ўтказилишини таъминлаш;

7. Қимматли қоғозлар, кредит ва пул бозорларининг конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда, банкда актив ва пассив операциялари бўйича фоиз ставкаларини белгилаш.

Банк таваккалчиликларини бошқариш соҳасида:

1. Банк операцияларини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган таваккалчиликларни самарали бошқариш тизимини ташкил этиш;

2. Худудимизда фаолият юритаётган ва ҳорижий банкларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилган ҳолда, хорижий давлатлар, молиявий институтлар ва банклар билан амалга ошириладиган операцияларга доир меъёрларни белгилаш.

3. Банк томонидан амалга ошириладиган операциялар ва улар юзасидан кўрилиши мумкин бўлган зарарлар бўйича лимитларни ўрнатиш;

4. Банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ қарор қабул қилиш ваколатига доир меъёрларни белгилаш;

5. Янги жорий этиладиган банк маҳсулотларини татбиқ этиш ҳамда уларга нархларни белгилашга доир масалаларни кўриб чиқиш.

Банк филиаллари фаолиятини назорат қилиш соҳасида:

1. Филиалларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;

2. Филиалларнинг актив ва пассив операцияларини таҳлил қилиш, актив ва пассивларнинг ҳажми, муддати ва фоиз ставкалари бўйича мутаносиблигини таҳлил қилиш;

3. Бизнес-режада ўрнатилган кўрсаткичларнинг бажарилишини кўриб чиқиш;

4. Зарар кўриб ишлаётган филиалларни фойдага чиқариш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

5. Филиаллараро депозит операциялари бўйича фоиз ставкаларини белгилаш.

Банкда регулятив кўрсаткичларнинг бажарилиши юзасидан:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари учун ўрнатилган иқтисодий меъёрларнинг бажарилишини назорат қилиш;

2. Халқаро молия институтлари билан имзоланган қарз келишувларидаги молия кўрсаткичларининг бажарилишини назорат қилиш;

3. Банкнинг регулятив кўрсаткичларида бузилиш ҳоллари аниқланганда, уларни оператив баргараф қилиш чораларини кўриш;

– Халқаро молия институтларининг молия кўрсаткичларини ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларнинг бажарилишини назорат қилиш, банк операцияларини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган таваккалчиликларни назорат қилиш, актив ва пассивларни самарали бошқаришга доир сиёсатлар, низомлар ва ички йўриқномалар ишлаб чиқиш.

Хулоса қилганимизда, республикамиз тижорат банкларида активларни бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш нафақат банк активлари самарадорлигини оширишга, балки иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини кредитлаш асосида мустаҳкам бозор инфратузилмасини шакллантиришга хизмат қилади.

3. 2. Тижорат банклари активларини бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари


Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларида активларнинг даромадлилик даражасини ошириш уларни бошқариш самарадорлигини яхшилашга бевосита боғлиқ.

Банкнинг активларини самарали бошқаришдан кўзланган мақсад бу фоиз тушумлари ва фоиз тўловлари ўртасидаги фарқни максимал даражада, ҳеч бўлмаганда меъёрда сақлаб туриш, актив операцияларида учрайдиган таваккалчиликларни энг кам даражада сақлаб қолишдир. Ушбу мақсадларга эришишнинг асосий омили банкнинг депозит имониятларини ривожлантириш асосида банкнинг актив операцияларини кенгайтиришдан иборатдир (3. 2-расм):

Расм тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари ифодаланган, куйида мазкур йўналишларда ишларни ташкил этиш борасидаги тавсияларимизни келтирамиз.

Тижорат банкларида активларни самарали бошқариш механизмини шакллантириш бевосита ишлаб чиқиладиган ички сиёсатларда белгиланган талаблар ва меъёрларга боғлиқ. Банкларда банк Кенгаши, банк Бошқаруви, Кредит қўмитаси, Инвестициялар қўмитаси ҳамда Банк активлари ва пасивларини бошқариш қўмитаси каби тузилмалар банк активларини бошқариш борасида тегишли сиёсатларни ишлаб чиқишда иштирок этадилар ҳамда бу борада стратегик ва тактик қарорларни қабул қиладилар.

Хусусан, тижорат банкларида кредитлаш сиёсатини ишлаб чиқиш тартиби ва тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 2 мартда 905-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга асосланиши лозим. Мазкур Низомда қайд этилишича, банкнинг кредит сиёсати – кредитлаш жараёнида юзага келувчи таваккалчиликни бошқаришда



3. 2-расм. Тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари

банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини

кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шарт. Шунингдек, Низомда кредит сиёсатининг мақсади ва стратегияси, ваколатлар даражаси ва масъулиятни тақсимлаш, кредитларни тўлаш, гаров таъминотига нисбатан, кредит мониторингига нисбатан, фоиз ставкалари, боғлиқ шахслар билан бажариладиган операциялар, кредит портфелини аудит қилиш каби бир қатор йўналишлар бўйича талаблар белгиланган.

Кредит қўмитаси мажлислари ва унинг банк бошқаруви органилари олдида ҳисобот бериши даврийлиги ҳам кредит сиёсатида белгилаб қўйилиши керак.

Кредит сиёсати кредитлашнинг турли кўрсаткичлари (кредит турлари, иқтисодиёт тармоқлари, жўгрофий ҳудудлар ва б.) бўйича кредитларнинг тўпланиши даражасини аниқлаш ва уни мониторинг қилиш тўғрисидаги талабларни ўз ичига олиши зарур. Кредит сиёсати мунтазам равишда раҳбариятга топшириладиган тегишли ҳисоботларни тайёрлашга доир талабларни белгилаши лозим.

Фикримизча, тижорат банкларида кредитлаш сиёсатини такомиллаштиришда тижорат банкларида кредит операциялари билан бевосита шуғулланувчи ва мазкур ишларга масъул ходимларга нисбатан малака талабларини белгилаш; банк томонидан актив операциялар амалга ошириладиган мижознинг кредит тарихини ўрганиш масалаларини акс эттириш; кафил ташкилотларни молиявий ҳолатини ўрганиш кўрсаткичларини умумлаштириш; мижозларнинг кредитга қобилиятлилигини аниқлаш механизмини такомиллаштириш каби жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлил мақсадлари кредит сифатини аниқлаш билан бир қаторда кредитлаш жараёнини бошқариш сифатини баҳолаш, жумладан, тасдиқланган кредит сиёсати мувофиқлигини таъминлаш ва кредит ҳужжатларини расмийлаштириш тадбири, молиявий таҳлил, гаровни расмийлаштириш ва баҳолаш, кре-

дитлашга доир ваколатларни тақсимлаш, қонунчилик меъёрларига риоя қилиш.

Кредит сиёсати банк хизматлари ва бўлинмалари томонидан Банк Бошқаруви ва Кенгашига кредитлашнинг турли жиҳатлари бўйича топшириладиган ҳамда кредит портфели сифати ва кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботлар тури ва даврийлигини белгилаши лозим.

Ҳисоботлар филиаллар ва банк бўйича умуман кредитлаш воситалари ва йўналишларига қараб таваккалчиликларни баҳолаш учун бошқаришнинг турли даражаларига мослаштирилган ҳамда батафсил ёритилган бўлиши керак.

Банклар активларини бошқаришда банкнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Банклар томонидан фаол инвестиция сиёсатини юритилиши банкнинг қимматли қоғозлардан таркиб топган инвестиция портфелидаги активлар сифатини яхшилашга хизмат қилади. Инвестиция портфелини даромадлигини ошириш йўлида иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг корпоратив қимматли қоғозларига қўйилмалар қилиш орқали банк активлари даромадлигини ошириш ҳамда уни диверсификация қилиниши таъминлаш банклар олдида турган муҳим масалалардан ҳисобланади. Фикримизча, банк Инвестиция сиёсатида потенциал мижозларга андеррайтинг хизматлари кўрсатиш, траст, брокерлик, РЕПО операцияларини бажариш хизматларини кенгайтириш, шунингдек, инвестиция-банк комплексини жорий этиш борасидаги талаблар акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банклари фаолиятида активларни бошқариш самарадорлигини оширишда таваккалчиликларни бошқаришнинг аниқ сиёсатини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, айрим банклар томонидан ишлаб чиқилган “Банк таваккалчиликларини бошқариш сиёсати” банк фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олмайди, шунингдек, уларда банк таваккалчиликларини барча бўлинмалар

ёрдамида бошқариш ва пасайтириш чора-тадбирларини кўриш талаблари етарлича ифодаланмаган. Шу сабабли, банк таваккалчиликларини бошқариш сиёсатини ишлаб чиқишда таваккалчиликларни бошқариш сиёсати банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган барча таваккалчиликларни баҳолаш услублари ва меъёрлари, таваккалчиликларни мониторингини ташкил этиш асослари, таваккалчиликларни пасайтириш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини ифода этиши зарурлиги; мазкур сиёсатда белгиланган талабларни банкнинг барча бўлинмалари томонидан бажарилишини мувофиқлаштириш услублари ифодаланиши лозимлиги каби жиҳатларни эътиборга олишни тавсия этамиз. .

Тижорат банкларида активларни бошқаришнинг муҳим йўналиши ликвидликни меъёрда сақлаб туриш ҳисобланади. Ликвидлик меъёрининг сақланиши банк мижозлари манфаатларини ҳимоя қилиш, банк олдидаги мажбуриятларни қоплаш кафолатини беради, шунингдек, банк даромадлик даражасини яхшилаш имконини беради. Мазкур вазифаларни амалга ошириш ликвидликни бошқариш сиёсатида ликвидликни баҳолашнинг макбул усул ва воситаларини ишлаб чиқиш; ликвидликни бошқаришга банк молиявий дастакларини таъсирини баҳолаш; ортиқча ликвидликни актив операцияларга йўналтириш услуги каби жиҳатларни ифодаланиши мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банкларида активларни самарали бошқариш ва даромадлигини таъминлаш мустаҳкам фоиз сиёсатини ишлаб чиқишни талаб қилади. Мазкур сиёсатни ишлаб чиқишда фоизли маржанинг етарли даражасини таъминловчи фоиз таъсирчанлигини бошқариш тизимига асосланиш; банк фоиз ставкаларини белгилашда жалб қилинаётган депозитларнинг таркибий таҳлилига кенгрок асосланиш каби жиҳатларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Тижорат банкларида фоиз сиёсати – банк томонидан мижозларга хизмаг кўрсатиш, кредитлаш, инвестициявий ва бошқа хизматлар кўрсатиш жараёнида ўзаро шартномаларга мувофиқ фоизли даромад келтирадиган молиявий муносабатларни мужас-

самлаштирувчи сиёсат ҳисобланади. Юқори даромад олишни таъминловчи, банк харажатларини қопловчи ҳамда фойда келтирувчи рақобатбардош ва ўзаро манфаатли стратегияни ишлаб чиқиш мазкур сиёсатдан кўзланган асосий мақсад ҳисобланади.

Банклар ўз активларини жойлаштиришда фоизлар даражасини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жорий йил учун ишлаб чиқадиган пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, банк бизнес-режаси ва молия бозорида шаклланган фоизларга асосланади.

Банклар ўзларининг актив операциялари ҳажмини кенгайтириш учун молия бозоридаги баҳолар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда фоиз сиёсатини амалга оширишлари ва йирик битимларда иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, фоиз сиёсати активларни бошқаришнинг самарали воситаси бўлиш билан бирга, бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли фоизларда ҳам хизмат кўрсатиш мақсадини ифодалайди. Тижорат банклари фоиз ва тариф сиёсатини актив амалиётларнинг рентабеллиги ва бозор омиллари таҳлиliga асосланган ҳолда юритади ҳамда маркетинг харажатларини кўриб чиқиб амалга оширади.

Тижорат банклари фоизларни белгилашни мақбул равишда амалга ошириш учун унга таъсир қиладиган бир қатор омилларни самарали баҳолашлари талаб қилинади. Мазкур омилларга банк нуфузи (банкка бўлган ишонч, мижозлар билан муносабатлар, мижозларнинг туркуми ва тақлиф этилаётган хизматлар сифати); ҳудудий омил (республика ҳудудлари бўйлаб кенг гарқалган филиаллар тармоғи), бозорга таъсир этувчи бошқа омиллар (акциядорлар, мижозлар, маҳаллий ҳокимият, ҳукумат) киради. Ҳар бир ҳудуддаги молия бозорининг ўзига хос хусусиятларини, маҳсулот етиштириш ёки ишлаб чиқариш бозорини, пул оқими ҳаракатини, харид хом-ашё базаси ва шу асосда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ҳамда аҳолини тўловга қобилияти каби кўрсаткичларни ҳисобга олиш лозим.

Тижорат банклари фоиз сиёсати самарадорлигини баҳолаш учун куйидаги кўрсаткичларнинг ўзгариш суръатларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Соф фоиз маржаси ($C_{\phi м}$)

$$C_{\phi м} = \frac{\Phi_o - \Phi_x}{D_a} \text{ бу ерда, (3. 1.)}$$

Φ_o – фоизли даромадлар;

Φ_x – фоизли харажатлар;

D_a – даромад келтирувчи активлар.

2. Соф фоизсиз маржа ($C_{\phi з м}$)

$$C_{\phi з м} = \frac{\Phi з_o - A_x}{D_a} \text{ бу ерда, (3. 2.)}$$

$\Phi з_o$ – фоизсиз даромадлар;

A_x – амалиёт харажатлари;

D_a – даромад келтирувчи активлар.

3. Фойда спреди (Φ_c)

$$\Phi_c = \frac{\Phi_o}{D_a} - \frac{\Phi_x}{X_m} * 100\% \text{ бу ерда, (3. 3.)}$$

X_m – харажатга тортилувчи мажбуриятлар.

Тижорат банкларида активлар портфелини самарали бошқариш ва унинг сифатини оширишнинг муҳим шартларидан бири бу – актив амалиётларни диверсификациялаш тамойилига риоя қилиш зарурлигини жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари ҳам тасдиқламоқда. Жумладан, АҚШ ва Европанинг айрим давлатлари банклари кредит портфели таркибида юқори улушни ипотека кредитлари ташкил этишига йўл қўйишлари натижасида ипотека кризисини келиб чиқишига замин яратиб бердилар. Тажрибаларнинг кўрсатишича, активларнинг йирик қисмини бир хил юқори даромад келтирувчи ёки мавсумий талаб мавжуд

соҳаларга йўналтириш активлар сифатини яхшиласа-да, уларнинг қайтмаслик эҳтимолини юзага келтиради.

Банк активларини диверсификациялаш таваккалчиликларни пасайтириш, ҳудудлараро иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг асосий шарти ҳисобланади.

Республикамининг айрим тижорат банкларларида кредит операцияларини иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича тақсимланиши (диверсификацияланиши)ни қуйидаги диаграммаларда кўриб чиқамиз (3. 1., 3. 2- диаграммалар³²):

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, ОАТ “Алоқабанк”да кредит портфелининг юқори улуши, яъни 43% и транспорт ва алоқа соҳасида, ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”да эса, жисмоний шахслар учун берилган кредитларда, яъни 63% ни ташкил этмоқда. Бу ҳолатларнинг асосий сабаби банкларнинг ихтисослаштирилиш даражаси, жойлашган ҳудуди, миқдорлари таркиби қабиларга боғлиқ. Мазкур иккала банкда ҳам кредитларни диверсификациялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.


3. 1- диаграмма

ОАТ “Алоқабанк”да 01. 01. 2011 йил ҳолатига кредит портфелининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича диверсификацияси, % да



³² ОАТ “Алоқабанк” ва ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг 2010 йил учун молиявий ҳисоботи маълумоти.

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”да 01. 01. 2011 йил ҳолатига
кредит портфелининг иқтисодиёт тармоқлари
бўйича диверсификацияси, % да



Актив операцияларни диверсификация қилишда мижозларга янги хизмат турларини тақлиф этиш муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Таҳлил натижаларини кўрсатишича, республика-миз тижорат банклари актив операциялари таркибида мижозларга лизинг, факторинг, қимматли коғозлар бўйича кўрсатиладиган операцияларнинг улуши кичиклигича қолмоқда. Хусусан, “Ахбор-рейтинг” миллий рейтинг агентлиги томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра:

- тижорат банкларида факторинг хизматларидан фойдаланиш банк мижозлари ўртасида оммалашмаган. Жумладан, банк мижозларининг 4% и ўз фаолиятларида банкларнинг факторинг операцияларидан фойдаланишган;

- тадқиқотда қатнашувчиларнинг учдан бир қисми факторинг хизматлари ҳақида билишади, тўртдан бир қисми эса мазкур хизмат турининг шартларидан хабардор. Аксарият қатнашувчилар эса, факторинг операцияларидан фойдаланиш шартларини етарли даражада қийин, деб ҳисоблашганликлари сабабли, бу борада банкларга мурожаат қилишмайди;

– катнашувчиларнинг факторинг операцияларига қизиқиши ўрганилганида, 20% катнашувчилар ўзларини дебитор қарздорлигини сотишга қизиқиш билдиришган;

– тижорат банклари ўзларининг интернетдаги махсус веб сайтларида миқозларга факторинг хизматлари кўрсатиш шартлари, кулайликлари ва жараёни тўғрисида маълумотлар жойлаштиришган, аммо миқозларнинг аксарият қисми интернетдан фойдаланмасликлари сабабли, маълумотларни бу тарика рекламаси самара бермаган³³.

Фикримизча, тижорат банкларида активларнинг диверсификациялашни кредитланаётган тармоқ хусусиятларини активлар бўйича таваккалчиликларни юзага келишига таъсирини баҳолаш; кредитланаётган бир нечта тармоқ ўртасидаги алоқадорлик, яъни улар ўртасида маблағларни бир-бирига йўналтирилиши эҳтимолини баҳолаш; миқозларнинг молиявий ҳолати ва кредитга лаёқатлилигини чуқур таҳлил қилиш каби жиҳатларга асосланган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир

Тижорат банкларида активлар бўйича йўқотишларни олдини олиш, активларнинг сифатини таъминлаш каби муаммоларни ҳал этиш банкда таваккалчиликни бошқаришнинг аниқ тизимини ишлаб чиқишни талаб қилади. Мазкур тизим таваккалчиликни бошқариш бўйича банк алоҳида бўлимлари ва ходимларининг мажбуриятларини умумлаштиришни назарда тутиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 25 майда 2229-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, банк таваккалчилигини бошқариш бўлимлари ходимлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

– бажараётган вазифалари хусусиятига мос бўлган олий маълумотга эга бўлиши;

– банкнинг кредит, валюта, депозит ва қимматли қоғозлар

³³ Состояние и перспективы развития рынка банковских услуг. Отчет о результатах опроса. – Т: Ахбор-рейтинг” рейтинг агентлиги. 2006. 98 б. (93-бет).

бўйича операциялари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, юридик хизмати ва ахборотлаштириш бўлимларида камида икки йил иш стажига ва касбий малакага эга бўлиши (бўлинма раҳбари учун банкнинг мазкур бўлимларида камида икки йил раҳбарлик лавозимида ёки бўлинмада камида тўрт йил иш стажи ва касбий малакага эга бўлиш талаб этилади);

– тегишли ходимлар миллий ва халқаро бухгалтерия ҳисоби, халқаро аудит стандартлари қоидаларини қўллаш, банк назорати бўйича Базель қўмитаси тамойиллари ва стандартлари ҳамда халқаро рейтинг компанияларининг банк фаолиятини баҳолаш услугиёти бўйича билимларга эга бўлиши ва банк таваккалчиликлари бўйича махсус курсларда малакаларини ошириши.

– Қуйидагилар банк таваккалчилигини бошқариш бўлинмасининг вазифалари ҳисобланади:

– банк фаолиятида учраши мумкин бўлган барча таваккалчиликлар рўйхатини юритиш, уларнинг юзага келиш омилларини ўрганиш ва мониторинг қилиш ҳамда таваккалчиликларни бошқариш бўйича барча чораларни кўриш;

– банк таваккалчиликларини баҳолаш;

– банк фаолиятида банк таваккалчиликларини бошқариш борасида қабул қилиниши лозим бўлган чоралар, талаблар ва меъёрларни банк Бошқаруви органи муҳокамасига киритиш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосан банк таваккалчиликларини қоплаш учун захираларни шакллантириш юзасидан чоралар кўриш;

– банк хизматлари ва операцияларини амалга ошириш бўйича банкнинг ички ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишда ва банк ходимларининг лавозим мажбуриятларини белгилашда қатнашиш;

– жорий қилинаётган янги банк хизматлари ва операциялари, битимлар юзасидан таклифлар тайёрлаш;

– банк хизматларини кўрсатиш ва операцияларини амалга ошириш тартибларини такомиллаштириш;

– банк кредит (инвестиция) портфелини кредит (инвестиция)

тури, қарздор (эмитент)нинг иқтисодиёт тармоғи, ҳудуди, кредит таъминоти, мақсади, фоизи ва ундириш муддатлари бўйича алоҳида-алоҳида мониторинг ўрнатиш ва уларни таҳлил қилиш;

– муаммоли кредитларни, уларнинг иқтисодиётнинг қайси соҳасига тегишлилигини, муаммога айланганлик сабабини, ушбу кредитларни ажратиш ва мониторинг қилиш жараёнларини ўрганиш натижасида тегишли хулосалар қилиш ва таклифлар тайёрлаш;

– кредит таваккалчилигини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида кредит олган шахслар бўйича маълумотларни умумлаштириш ва тегишли хулосалар қилиш;

– банк ахборотлари базасига рухсатсиз киришдан ишончли химоялашни таъминловчи дастурларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этиш;

– банк ходимлари томонидан банк хизматларини кўрсатишда ва банк операцияларини амалга оширишда ўз лавозим мажбуриятлари ва вазифаларига ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий амал қилинишини таъминлаш юзасидан чоралар кўриш;

– банкнинг молиявий ҳолатини, ликвидлилигини стресстестдан ўтказиш ва мижозларни скоринг таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиш ва уларнинг қўлланилишини таъминлаш;

– банкда амалга оширилиши мумкин бўлган барча хизмат (омонат ва кредит) турлари ва операциялар рўйхатини юритиш;

– жаҳондаги молия ва иқтисодий соҳаларда, шу жумладан, миллий иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларни ўрганиш, кузатиш ва лозим бўлса, таклифлар тайёрлаш;

– банк менежменти ва технологиялари, шу жумладан, банк таваккалчиликларини бошқариш бўйича халқаро ва хорижий банклар тажрибаларини ва бу борада янгиликларни ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш;

– ҳар ярим йилда, банк Бошқаруви ва банк Кенгашининг таваккалчиликларни назорат қилиш Кўмигаси йиғилишларида муҳокама қилиш учун банк таваккалчиликларини бошқариш борасида олиб борилаётган ишлар натижалари бўйича ҳисоботлар бериш.

Банк таваккалчилигини бошқариш бўлинмаси бевосита банк Бошқаруви раисига ҳисобдор ва банкнинг бошқа бўлинмаларидан мустақилдир³⁴.

Таваккалчиликларни бошқариш бўйича ягона ички тизимни ишлаб чиқишнинг заруратини банклар фаолиятида таваккалчиликларни юзага келиш манбалари ва сабаблари турли хил бўлганлиги банкнинг барча бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиришни талаб қилиши; банк таваккалчиликларини бошқариш сиёсатида белгиланган талаблар банкнинг бир нечта бўлинмалари томонидан бажарилиши лозимлиги каби жиҳатлар билан белгилаш мумкин.

Фикримизча, тижорат банкларида активлар бўйича таваккалчиликларни бошқаришнинг ягона ички тизимини қўйидаги кўринишда ифодалаш мақсадга мувофиқдир (3. 3- расм):

Тижорат банкларида таваккалчиликларни бошқариш ички тизимини жорий этиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш банк Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бунда банк активлари билан боғлиқ таваккалчиликлар мониторинги натижалари ҳисобот тариқасида банк Бошқарувида тақдим этилади, мазкур ҳисоботлар асосида таваккалчиликларни пасайтириш борасида зарур қарорлар қабул қилинади.

Тижорат банкларида активлар бўйича таваккалчиликни бошқаришни такомиллаштиришда ахборот омили муҳим ўрин тутади. Хусусан, мижоз молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг етарли эмаслиги ёки ҳаққонийлигига шубҳанинг мавжудлиги банк активлари сифатини баҳолашда қийинчиликлар тугдиради, шунингдек, қутиладиган зарарларга қарши захиралар яратиш заруриятини юзага келтиради, бу эса банк харажатларини ошишига олиб келади.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 25 майда 2229-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом. – Т.: “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011 йил, 20–21-сон.



3. 3-расм. Тижорат банкларида активлар бўйича таваккалчиликларни бошқариш ички тизимини ташкил этишнинг таклиф этилаётган услуби

Ҳозирги кунда тижорат банкларида Кредит Ахборотлари Миллий Институти (КАМИ) электрон базасига маълумотларни тақдим этиш ва маълумотлар алмашинувини таъминлашнинг йўлга қўйилганлиги, шу орқали банк мижозларининг кредит тарихини яратиш имконияти юзага келганлиги банкларда кредит таваккалчилигини пасайтиришга хизмат қилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида тижорат банкларида активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни баҳолаш ва уларнинг таъсир даражасини пасайтириш юзасидан қуйидаги тартибда иш ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (3. 1- жадвал):

Амалиётда тижорат банклари ўртасидаги рақобатда устунликка эришишнинг асосий шартларидан бири – бу йирик миқдордаги маблағлар айланмасига эга ёки муайян барқарор тармоқ тизимидаги мижозларни жалб этиш ҳисобланади.

Шунингдек, тижорат банклари бу каби мижозлар томонидан таклиф этилган йирик инвестиция лойиҳаларини ёки бизнес режаларни кредитлаш орқали ўз активлари ва даромадлари ҳажмини ошириш имконига эга бўлишлари мумкин.

Корпоратив мижозлар банкнинг даромадлилик даражасини ошишига кўмаклашибгина қолмай, балки банкнинг молия бозоридаги имиджи ва мавқеини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Шу сабабли, тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлигини оширишда корпоратив ёки йирик маблағлар айланмасига эга мижозларни бошқаришнинг самарали механизмини шакллантириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Бунда агар мижоз банк учун стратегик аҳамиятга эга бўлса, ушбу мижозларга нисбатан имтиёзли фоиз ставкалари белгилашни мумкин. Имтиёзли фоиз ставкалари ҳар бир ҳолат учун мижознинг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилган ҳолда банк Кредит кўмитаси ҳамда Актив ва пассивларни бошқариш кўмитаси қарори билан белгиланади.

**Тижорат банкларида активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни
баҳолаш ва пасайтириш чора-тадбирлари**

№	Таваккалчилик турлари	Таваккалчиликларни баҳолаш усуллари	Таваккалчиликларни пасайтириш чора-тадбирлари	Бевосита масъул тузилмалар
1.	Кредит таваккалчилиги	Таҳлил назорат, мониторинг, кредит портфелини бошқариш, таснифлаш, диверсификациялаш, хеджирлаш, таъминот, баҳо белгилаш, чеклов ўрнатиш	<p>Банкда кредитлаш сиёсатини кредит портфели аҳволидаги ўзгаришлар асосида такомиллаш-тириб бориш;</p> <p>Мижозлар бўйича маълумотлар базасини тўлиқ шакллантириш;</p> <p>Банк томонидан ажратилган кредитларни тўғри таснифлаш ва зарур микдорда захиралар яратилишини таъминлаш;</p> <p>Ажратилган кредитлар таъминотига қатъий талабларни белгилаш, шунингдек, кафил субъект молиявий ҳолатини ўрганиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;</p> <p>Кредит ажратилган мижозлар молиявий ҳолати юзасидан кредит шартномасининг бутун муддати давомида мониторинг ўрнатиш;</p> <p>Кредит операцияси билан шугулланувчи ходимларга нисбатан алоҳида малака талабларини белгилаш ва ҳ. к.</p>	Актив ва пасивларни бошқариш қўмитаси, Кредит қўмитаси

2. Ликвидлилик Таваккалчилиги	Таҳлил, назорат, мониторинг, актив ва пассивларни бошқариш, балансни бошқариш, мажбуриятларни бошқариш, пул маблағларини бошқариш	Банк ликвидлик даражасини таҳлил қилиб бориш; Банк активлари ва мажбуриятларини таркибий таҳлил қилиш; Жорий мажбуриятлар бўйича қутилаётган йирик тўловларни тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва ҳ. к.	Актив ва пассивларни бошқариш қўмитаси, Кредит қўмитаси, Инвестиция қўмитаси
3. Фоиз таваккалчилиги	Таҳлил, назорат, мониторинг, актив ва пассивларни бошқариш, мақбул фоиз сиёсатини ишлаб чиқиш, баҳо белгилаш	Банкда жойлаштириладиган ва жалб қилинадиган маблағлар бўйича фоиз ставкалари ўзгаришига таъсир этувчи омилларни баҳолаб бориш ва зарур ҳолларда фоиз сиёсатини ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилиш; Банкнинг фоиз маржаси миқдорини таҳлил этиб бориш;	Актив ва пассивларни бошқариш қўмитаси, Кредит қўмитаси, Инвестиция қўмитаси
4. Валюта таваккалчилиги	Таҳлил, назорат, мониторинг, очиқ позицияни бошқариш, хеджирлаш, диверсификациялаш	Банкларда валюта позицияларини валюта турлари бўйича диверсификациялаштиришни амалга ошириш; 2. Хорижий валюта билан амалиёт ўтказиш вақтида валюта қонунчилиги ва валюта назорати органларининг талабларига қаттиқ риоя қилинишини таъминлаш ва ҳ. к.	Актив ва пассивларни бошқариш қўмитаси

5.	Самарадорлик Таваккалчилиги	Таҳлил, назорат, мониторинг ва баҳолаш	Банк фаолиятининг самарадорлигига таъ- сир кўрсатиши мумкин бўлган молиявий соҳадаги ўзгаришларни таҳлил қилиб бориш; Жойлаштирилаётган активларга фоиз став- калари белгилашда манбаларни жалб этиш ва актив операцияларни амалга ошириш учун сарфланган харажатларни ҳисобга олиш ва ҳ. к.	Барча қўмиталар
----	--------------------------------	---	--	--------------------

Бундан ташқари, корпоратив мижозларни самарали бошқаришда банкда корпоратив мижозлар билан ишлаш тажрибасига эга, тезкор хизмат кўрсатувчи ва юқори малакали ходимлар жалб этилган махсус бўлинма ташкил этиш; корпоратив мижозларга нисбатан қўлланиладиган тариф ва фоиз сиёсатини доимий равишда такомиллаштириб бориш; корпоратив мижозларга ҳисобрақамларидаги маблағларини тассаруф этишлари, ҳисобрақамларидан ўтаётган амалиётларни масофавий бошқариш (“Банк-мижоз” дастурини ўрнатиш, SMS banking, Internet banking каби хизмат турларини жорий этиш) тизимидан кенгрок фойдаланиш имкониятларини яратиб бериш; корпоратив мижозларга аккредитивлардан фойдаланиш, банк кафолати бериш каби хизмат турларини кўрсатиш; банкда ташқи савдо битимларини амалга оширувчи мижозларга тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа масалалар бўйича тезкор консалтинг хизматлари кўрсатиш тизимини ташкил этиш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, аксарият банклар Кредит сиёсатида мижозларнинг кредит лаёқатлик кўрсаткичларини умумлаштириб кўрсатилишига қарамасдан мониторинг натижалари кредит ажратилаётган мижозларнинг молиявий ҳолати ва тўловга қобилиятлигини баҳолаш борасида бир қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ушбу камчиликларнинг юзага келиши масъул ходимларнинг мижозлар (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ҳ. к.) бухгалтерияси ва фаолият кўрсатиш хусусиятлари бўйича етарлича малакага эга бўлмаганлиги сабабли, улар томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботлардаги кўрсаткичлар ўзгариши ҳамда ҳаққонийлигига баҳо бера олмаслиги; аксарият ҳолатларда ажратилаётган кредитлар учун мол-мулк гарови кўпайтирилиб, амалда мижознинг пул маблағлари айланмаси, молиявий натижалари асосида кредитга лаёқатлигини баҳолаш масалаларига эътибор қаратилмаётганлиги, натижада эса гаровга олинган мол-мулкнинг кредит ажратилгандан сўнг аҳволи ёмонлашиши (бузилиши, йўқотилиши ва ҳ. к.) натижаси-

да кредитни муаммога айланиши; айрим мижозларга олдин берилган кредитларни ўз вақтида қайтарганлигини инобатга олиб, мижознинг жорий кредитга лаёқатлигини баҳолашни талаб даражасида амалга оширилмаслиги; баъзи ҳолатларда мижозларга олдин берилган кредит сўндирилмасидан туриб кредитга лаёқатликни баҳоламасдан янги кредитни расмийлаштирилиши, натижада мижознинг молиявий кўрсаткичларини кейинги кредит ажратилган даврда ёмонлашиши каби сабаблар билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, ушбу муаммоларни ҳал этиш тижорат банкларида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш имконини беради ва жойлаштирилган активларни муаммоли активлар тоифасига кириб қолиш эҳтимолини пасайтиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш услубини такомиллаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бу борадаги мавжуд иқтисодий адабиётлар ва бошқа манбаларда активлар самарадорлигини баҳолашда умумлашган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш (коэффициентли усуллар); статистик-математик усуллар; махсус дастурлаш моделларидан фойдаланилмоқда.

Тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлигини аниқлашнинг умумлашган кўрсаткичлар тизими ниҳоятда кенг қамровлидир. Мазкур тизим активларнинг харажатлар, пасивлар, банк капитали, молиявий натижалар, таваккалчиликлар каби кўпгина кўрсаткичлар билан алоқадорлигини ифодалайди.

Фикримизча, банк активларини бошқариш самарадорлигини қуйида келтирилган умумлашган кўрсаткичлар асосида доимий равишда амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқдир:

1. *Активлар рентабеллиги (ROA)*

$$A_{\text{рент}} = \frac{C_{\text{фойда}}}{C_{\text{актив}}} \quad (3.4.)$$

Бу ерда,

$A_{\text{рент}}$ – активлар рентабеллиги;

$C_{\text{фоида}}$ – банк соф фойдаси суммаси;

$C_{\text{актив}}$ – банк соф активлари суммаси.

Мазкур кўрсаткич тижорат банкларида активларни қай даражада самарали бошқарилаётганлигини ифодалайди. Шунингдек, бу кўрсаткич орқали активлар ҳиссасига тўғри келаётган соф фойда улушини таҳлил қилиш мумкин.

2. Молиявий дастак коэффициенти

$$M_{\text{ок}} = \frac{C_{\text{актив}}}{X_{\text{кап}}} \quad (3. 5.)$$

Бу ерда,

$M_{\text{ок}}$ – молиявий дастак коэффициенти;

$X_{\text{кап}}$ – банк хусусий капитал суммаси.

Бу кўрсаткич асосида банк капиталини активлар билан таъминланганлик даражасини баҳолаш мумкин. Шунингдек, мазкур кўрсаткич орқали бугунги кунда банклар капиталлашув даражасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар самарасини таҳлил қилиш имконияти мавжуд.

3. Соф фоиз маржаси

$$C_{\text{ф.м}} = \frac{C_{\text{фд}}}{D_{\text{ка}}} \quad (3. 6.)$$

Бу ерда,

$C_{\text{мф}}$ – соф фоиз маржаси;

$C_{\text{фо}}$ – соф фоизли даромадлар суммаси;

$D_{\text{ка}}$ – даромад келтирувчи активлар суммаси.

Тижорат банкларида актив ва пасивларни мутаносиб тартибда бошқариш, тўғри фоиз сиёсатини юритилишини таъминлашда мазкур кўрсаткичдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

4. Кредит таваккалчиликларидан ҳимоялашни коэффициентини

$$K_{\text{тхк}} = \frac{3}{K_{\text{к}}} \quad (3. 7.)$$

Бу ерда,

$K_{\text{тхк}}$ – кредит таваккалчиликларидан ҳимоялашнинг коэффициентини;

3 – яратилган захиралар суммаси;

$K_{\text{к}}$ – кредит қўйилмалари суммаси.

Бу кўрсаткич кредит таваккалчилигининг ўзгариш даражаларини таҳлил қилиш имконини беради.

5. *Жами жойлаштирилган кредит қўйилмалари таркибидаги муддати ўтган кредитлар улуши*

$$K_{\text{ктмук}} = \frac{K_{\text{мук}}}{K_{\text{к}}} \quad (3. 8.)$$

Бу ерда,

$K_{\text{ктмук}}$ – жами жойлаштирилган кредит қўйилмалари таркибидаги муддати ўтган кредитлар улуши;

$K_{\text{мук}}$ – муддати ўтган кредитлар суммаси.

Мазкур кўрсаткич банк активлари сифатини таҳлил қилиш, муаммоли активлар даражасини аниқлаш имконини яратади.

Ушбу кўрсаткичларни республикамизнинг айрим тижорат банклари мисолида кўриб чиқамиз (3. 2- жадвал):

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, активлар рентабеллиги ОАТ “Алоқабанк”да 01. 01. 2009 йил ҳолатига 0,020 миқдорни ташкил этган бўлса, 01. 01. 2011 йил ҳолатига 0,019 миқдорни ташкил этган, яъни 0,001 миқдорга пасайган, бунинг асосий сабаби сифатида мазкур банкда соф фойда кўрсаткичининг активлар ошишига мутаносиб равишда ўсмаганлигини келтириш мумкин.

Бундан ташқари, ушбу банкда кредит таваккалчиликларидан ҳимояланиш коэффициенти ҳам 01. 01. 2011 йил ҳолатига ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 0,003 миқдорга ортган. Демак, банкда муаммоли активлар салмогини пасайтириш борасида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлигини умумлашган кўрсаткичлар тизими асосида баҳолаш

№	Кўрсаткичлар номи	ОАТ “Алокабанк”		Ўзгариши (+;-)	ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”		Ўзгариши (+;-)
		01. 01. 2010	01. 01. 2011		01. 01. 2010	01. 01. 2011	
	Активлар рентабеллиги	0,020	0,019	-0,001	0,003	0,005	+0.002
	Молиявий дастак коэффициентлари	5,556	5,551	-0.005	5,636	5,967	+0.331
	Соф фоиз маржаси	0,231	0,111	-0.120	0,098	0,168	+0.070
	Кредит таваккалчиликларидан химоялаш коэффициентлари	0,027	0,030	0,003	0,0309	0,0233	-0.008

Банк менежменти амалиётида активларни бошқариш самарадорлигини баҳолашда *статистик-математик* усуллардан ҳам кенг фойдаланиш зарур. Ушбу усуллар асосида активлардан кутилаётган йўқотиш даражаси, даромад келтирувчи активларнинг айланиш тезлиги, активлар бўйича фоизларнинг ўртача меъёри каби бир қатор муҳим кўрсаткичларни аниқлаш имконияти мавжуд. Жумладан, тижорат банкларида кредитларнинг айланиш тезлиги активлар самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, мазкур кўрсаткични қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир³⁵:

1) Ўзгарувчан таркибли кредитларнинг ўртача айланиш индекси ($I_{ин}$):

$$I_{ин} = \frac{\bar{n}_1}{\bar{n}_0} = \frac{\sum o_{n1}}{\sum \bar{O}_1} / \frac{\sum o_{n0}}{\sum \bar{O}_0}, \quad \Delta \bar{n} = \bar{n}_1 - \bar{n}_0, \text{ бунда, (3. 6.)}$$

\bar{n}_0 – ўтган йилда, \bar{n}_1 – жорий йилда ажратилган кредитларнинг

³⁵Просветов Г. И. Банковский менеджмент. Задачи и решение.- М.: Альфа-пресс. 2009- 232 с. (113-114-бетлар).

ўртача айланиш сонини; O_{n_0} – ўтган йилда, O_{n_1} – жорий йилда сўндирилган кредитлар айланмасини; \bar{O}_0 – ўтган йилда, \bar{O}_1 – жорий йилда ўз муддатида қайтарилмаган кредитларнинг ўртача қолдигини; Δ – кўрсаткичларнинг жорий йилдаги ўзгариш миқдорини ифодалайди. Шунингдек, бу ерда $\bar{n} = O_n / \bar{O}$.

Мазкур кўрсаткич кредитларнинг ўртача айланиш сонига кредитларни соҳалар бўйича айланиши ва кредитлар ўртача қолдиги таркибининг ўзгариши каби омиллар таъсирини ифодалайди.

2) Соҳалар бўйича кредитларнинг ўртача айланиш индекси (I_{cb}):

$$I_{cb} = \frac{\sum n_1 \bar{O}_1}{\sum \bar{O}_1} / \frac{\sum n_0 \bar{O}_1}{\sum \bar{O}_1} = \frac{\sum n_1 \bar{O}_1}{\sum n_0 \bar{O}_1} = \frac{\sum O_{n_1}}{\sum n_0 \bar{O}_1}, \Delta^{cb} \bar{n} = \bar{n}_1 - \bar{n}_0',$$

$$\text{бунда, } \bar{n}_0' = \frac{\sum n_0 \bar{O}_1}{\sum \bar{O}_1} \quad (3.7.)$$

Ушбу кўрсаткич кредитларнинг ўртача айланиш сонини кредитларнинг соҳалар бўйича айланувчанлиги ҳисобига ўзгаришини ифодалайди.

3) Кредитларнинг таркибий ўзгариш индекси (I_{kt}):

$$I_{kt} = \frac{\sum n_1 \bar{O}_1}{\sum \bar{O}_1} / \frac{\sum n_0 \bar{O}_1}{\sum \bar{O}_1}, \Delta^{kt} \bar{n} = n_0' - \bar{n}_0. \quad (3.8.)$$

Мазкур кўрсаткич кредитларнинг ўртача айланиш сонини кредитлар ўртача қолдигидаги таркибий ўзгаришлар ҳисобига ўзгаришини ифодалайди.

Бундан ташқари, тижорат банклари амалиётида активларни бошқариш самарадорлигини баҳолашда чизикли дастурлаш моделларидан ҳам фойдаланилади. Аммо тижорат банкларида чизикли дастурлаш модели бўйича техник топшириқларни тайёрлаб берувчи малакали ходимлар етишмаслиги сабабли яратилган дастурлардан активлар самарадорлигини аниқлаш имкониятлари паст даражада эканлиги, дастурлар кўпроқ филналларнинг ўхшаш ҳисобрақамлари бўйича маълум давр оралиғидаги маълум-

мотларни статистик йиғишга мўлжалланганлиги, айрим банкларда эса таркибий таҳлил етарлича йўлга қўйилмаганлиги сабабли активларнинг таркибий ўзгаришлари зарур даражада таҳлил қилинмаётганлиги муаммоси мавжуд.

Фикримизча, тижорат банкларида ушбу муаммоларни тезкор ҳал этиш активларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш услубини янада такомиллаштиришга қўмаклашади.

Хулоса қилганимизда, тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлигини ошириш банк мижозлари манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизмини яратиш ҳамда банкларнинг иқтисодийда молия ресурсларини қайта тақсимлаш ва реал тармоқлар фаолиятини молиялаштирувчи муҳим тузилма сифатидаги ўрнини мустаҳкамлашга имкон беради.

3.3 Тижорат банклари активларини самарали бошқаришда мониторинг тизимини такомиллаштириш масалалари

Бозор шароитида банклар иқтисодий жараёнларнинг асосий субъекти сифатида юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш турган маблағларини ҳақ тўлаш эвазига жалб этадилар ва ушбу маблағларни актив операцияларга фаол жалб қилиш асосида ўз зиммасидаги мажбуриятларни бажарадилар. Одатда, банклар актив операцияларни деярли тўлиқ таваккалчилик асосида амалга оширишга мажбурдирлар. Бундай шароитда банклар зиммасига юридик ва жисмоний шахсларнинг жалб этилган маблағларига ҳақ тўлашдан ташқари, мазкур маблағларни тўлиқ сақлаш мажбурияти юклатилади. Ушбу масалаларни ҳал этишнинг асосий ечими – бу банкларда активлар мониторингини тўғри ташкил этишдир.

Банк активларини самарали бошқаришда мониторинг тизимдан фойдаланиш назоратдан четда қолаётган жиҳатларни тизимли ўрганиш, активлар бутлигини кафолатловчи механизмни шакллантириш имконини беради.

Фикримизча, банкларда масъул ходимлар томонидан активлар сифатига салбий таъсир қилувчи омилларни бартараф этиш чоралари етарлича қўрилмаётганлиги; амалга оширилаётган актив операциялар бўйича дастлабки мониторингнинг аксарият ҳолларда юзаки ташкил этилиши сабабли активларнинг қайтмаслик таваккалчилиги даражаси юқорилиги; тижорат банкларида самарали фоиз сиёсатини шакллантириш борасида камчиликлар мавжудлиги сабабли банк даромадлари харажатларни қоплай олмаётганлиги; ажратилган кредитлар мақсади бўйича миқдорлар ҳисобрақаида айланмаларнинг амалга оширилмаётганлиги, кўпчилик ҳолатларда эса, кредитларнинг тасдиқланган бизнес режада кўрсатилган мақсад бўйича йўналтирилмаслиги; тижорат банкларида кафиллик берувчи юридик ёки жисмоний шахснинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ ўрганилмаётганлиги ва кафил ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари тўлиқ талаб қилиб олинмаслиги каби ҳолатлар активлар мониторингига алоҳида эътибор қаратиш заруратини юзга келтирмоқда.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, банкларда актив операциялар ҳажмининг ортиши билан бирга, айрим банкларда жами активлар таркибида муаммоли активлар тоифасига киритилган активлар салмоғи ҳам ошмоқда. Хусусан, таҳлил объекти сифатида олинган банкларда бу ҳолатни қуйидаги жадвалда кузатиш мумкин (3. 3- жадвал):

Тижорат банкларида активларга заҳиралар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 11 февралда 632-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзга келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган заҳирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартиби”га асосан амалга оширилади. Ушбу чора-тадбирлардан мақсад банк балансидаги активларнинг ҳақиқий миқдори, активлар портфели сифати тўғрисида объектив маълумотларга эга бўлишдан иборатдир.

Тижорат банкларида 01. 01. 2010 – 01. 01. 2011 й. й. оралигида муаммоли активлар бўйича эҳтимолий зарарларни қоплаш захирасининг ўзгариши, *минг сўмда*³⁶

№	Курсаткичлар номи	ОАТ “Алоқабанк”		ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”	
		01. 01. 2010	01. 01. 2011	01. 01. 2010	01. 01. 2011
1.	Эҳтимолий зарарлар бўйича захиралар*	4 088 556,0	4 915 972,0	6 228 077,0	11 293 380,0
2.	Эҳтимолий зарарлар захирасини баҳолаш**	1 099 435,0	827 416,0	769 789,0	5 074 558,0

Изоҳ: * – мазкур маълумотлар банкларнинг “Баланс ҳисоботи”дан олинган бўлиб, ўтган йиллардан буён муаммоли активлар тоифасига киритиб келинган активларга яратилган захиралар миқдорини ифодалайди.

** – мазкур маълумотлар банкларнинг “Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисоботидан олинган бўлиб, жорий йилда муаммоли активлар тоифасига киритиб келинган активларга яратилган захиралар миқдорини ифодалайди.

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, тадқиқот учун танланган банкларда 01. 01. 2011 йил ҳолатига кўра, муаммоли активлар бўйича эҳтимолий зарарларни қоплаш захираси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ОАТ “Алоқабанк”да 827 416,0 минг сўмга, ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”да эса 5 065 303,0 минг сўмга ёки 44,8 % га ошганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолат эса, ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”да активлар мониторингини чуқурроқ ташкил этиш, активларни бошқариш механизмини тақомиллаштиришни талаб этади.

³⁶ “Банк ахборотномаси” газетаси.- Т.: 2011 йил 13 апрел (№15 (778)), 11 май (№20 (783)).

Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, айти пайтда, тижорат банкларида кредитларнинг муаммога айланиш эҳтимолини пасайтириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, хусусан, бу борада масъул бўлинмалар фаолияти халқаро андозалар талабларига мувофиқлаштирилмоқда. Аммо, шу билан бирга айрим тижорат банкларида олдинги даврларда зарур мониторингни амалга оширмасдан жойлаштирилган активларнинг бугунги кунга келиб қайтарилиши муаммога айланмоқда.


Фикримизча, ушбу муаммолар келгусида такрорланишининг олдини олиш ва активларнинг таваккалчилик даражасини минималлаштириш мақсадида ажратилган активларнинг ўз муддатларида қайтарилишини таъминлаш юзасидан доимий мониторинг ўрнатиш зарур (3. 4-расм).

Банк томонидан жойлаштирилган активларнинг мониторинги бевосита мижоз иштирокида мониторинг (жойларга чиққан ҳолда); банк ходимлари томонидан мижознинг иштирокисиз (масофавий) назорат каби икки усул орқали амалга оширилади.


Масофавий мониторинг банк томонидан қарздорнинг ҳисобварағидаги пул маблағлари ва тузаётган шартномалари ҳамда банкда айланаётган бошқа ҳужжатлари ва ҳисоботлари орқали кредитнинг мақсадли ишлатилишини жойига бормаган ҳолда мониторинг қилиб боришдир.

Бош банк томонидан активларни бошқаришда мониторинг асосан, масофавий мониторинг кўринишида амалга оширилади. Мониторинг натижаларига кўра, филиалда кредит портфели сифатининг ёмонлашувига олиб келувчи омиллар аниқланганида, филиаллар кредит комиссияси фаолияти жойида ўрганилади.

Банк томонидан мижозга активлар жойлаштирилган кундан бошлаб уларнинг сўнгги қисми қайтарилгунча доимий мониторинг ўрнатиш зарур. Фикримизча, тижорат банкларида актив операциялар турлари кўплиги сабабли, уларни мониторинг қилишни қуйидаги тартибда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир (3. 5-расм):



3. 4-расм. Тижорат банклари томонидан активлар мониторингини ўтказиш услуби



3. 5-расм. Тижорат банкларида активлар мониторингини ташкил этишнинг таклиф қилинаётган босқичлари

Банкларда активлар портфелининг сифатини яхшилаш, қайтарилмаган активларни ундириш мақсадида банк Бошқаруви (Кредит қўмитаси) раиси буйруғи (фармойиши) билан алоҳида мониторинг ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин.

Тижорат банкларида активлар мониторингини ташкил этишда асосий эътиборни берилган кредитларга қаратиш лозим бўлади.

Кредит мониторинги кредит портфелини сифатини ошириш ва кредит таваккалчилигини пасайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Кредит мониторинги банк томонидан ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши, кредит олиш учун тақдим қилинган бизнес-режа (ТИА) кўрсаткичларига эришилишининг, унга доир ҳужжатлар ҳамда кредит таъминотининг аҳволи ўрганиб борилишини аниқлатади.

Банк томонидан берилган кредит маблағлари мижоз иштирокида мониторинг қилинишининг асосий мақсади ажратилган кредит маблағларидан бизнес-режада мўлжалланган мақсадлар учун фойдаланилганлигини ҳамда кредит маблағлари муддатида сўндирилмай қолиши хавф-хатарининг олдини олишдан иборатдир.

Мониторинг ўз вақтида тўғри амалга оширилиши юзасидан Кредит комиссияси қарорида бириктирилган маъсул ходим ва Кредит-режа бўлими бошлиғи жавобгардир. Кредит мониторинги қарздорнинг ҳўжалик-молиявий фаолияти, унинг тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларининг бажарилиши (контрагентлар томонидан бажарилиши), ишлаб чиқариш ҳажмлари, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда, ўз айланма маблағларининг мавжудлиги динамикаси, товар-моддий бойликлар бўйича захираларнинг аҳволи, айланма маблағларнинг ҳолати таҳлил қилинади. Таҳлил натижалари кредит мониторинги ҳужжатларида тизимлаб борилади.

Мониторинг жараёнида банкнинг маъсул ходими томонидан ажратилган кредит маблағлар бизнес-режага мувофиқ сарфланганлиги ўрганилади.

Агар мониторинг жараёнида ажратилган кредит маблағларнинг маълум бир қисми ёки тўлиқ қисми бошқа мақсадларга сарфланганлиги аниқланган бўлса, бунда банк ажратилган кредит маблағлари муддатидан олдин сўндирилиши учун барча зарур чораларни кўриши лозим.

Кредит бўлими ходимлари томонидан кредитнинг муддатидан келиб чиққан ҳолда доимий равишда масофавий мониторинг амалга оширилиши даркор. Бундай мониторинг ўз ичига асосий депозит ҳисобварақларидаги ўзгаришлар; ссуда ҳисобварақларидаги ўзгаришлар; кредит шартномасида келишилган ҳисоботларнинг ўз вақтида тақдим қилиниши; мижоз тўғрисидаги турли манбалардан олинган маълумотларни ўрганиш; ушбу мижознинг молиявий ҳолатига таъсир этувчи бозор конъюктурасидаги ўзгаришларни ўрганиш сингари мақсадларни қамраб олиши лозим.

Банк томонидан мижозга кўрсатилган банк хизматлари бўйича фоизларнинг мижоз томонидан ўз вақтида тўланиши аҳволи ҳам кредит мониторинги предмети ҳисобланади.

Кредитнинг мақсадли ишлатилишини ўрганиш кредит шартномаси шартлари ва бизнес-режа хусусиятидан келиб чиқиб, шундай ташкил қилиниши керакки, бунда банк ходими кредитнинг ҳақиқатан ҳам, мақсадли ишлатилганлигини кўриш ва уни қайд қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Кредит мониторингини амалга ошириш сони ва муддатлари лойиханинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади.

Банк кредит портфелидаги кредитларни таснифлаш орқали Банк кредит портфелининг жорий ҳолаги аниқланади ва кредит амалиётлари бўйича вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни қоплаш мақсадида махсус захира ташкил этилиши талаб қилинади.

Ўрганиш жараёнида, банк ходими бизнес-режада (ТИАда) кўрсатилган миқдордаги ва сифатдаги маҳсулотнинг (жиҳознинг, хом ашёнинг ва бошқаларнинг) ҳақиқатда сотиб олинганлигини санаб, ҳисоблаб, улар ишлаб чиқаришнинг режалари ва коидаларига мувофиқ сарфланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (шартно-

ма, бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома, инвойс, БЮД, хисоб-фактура, назорат-ўлчов ишлари бўйича тузилган хужжат ва бошқалар) ўрганади ҳамда зарур ҳолларда уларнинг керакли-сидан нусха олади. Агар кредитлаш жараёни нақд пулда хизмат кўрсатиш жараёни билан боғлиқ бўлса, нақд пулда ҳақиқатда хиз-мат кўрсатилаётганлиги ва нақд тушум ҳам мониторинг қилинади.

Мониторинг жараёнида ишлаб чиқаришнинг (иш, хизмат-нинг) бизнес-режа (ТИА) кўрсаткичларига мос ҳолда амалга оширилиши суръатлари, ишлаб чиқариш кувватларининг ҳолати, эҳтимолий йўқотишларни қоплашга захиранинг шакллантирил-ганлиги ва бошқа жиҳатлари ўрганилади.

Бундан ташқари, мониторинг давомида банк филиаллари то-монидан барча мижозларга кредит ажратилишида “Кредит Ах-боротлари Миллий Институти” базасига сўровномалар (мижоз номида бошқа кредит бор ёки йўқлиги)нинг жўнатилиши ва “Кредит Ахборотлари Миллий Институти” томонидан жавоб кел-гандан сўнг эса кредит ажратиш масаласи кредит комиссиясида кўриб чиқилишига риоя қилинаётганлиги текширилиши зарур.

Кредитнинг мақсадли ишлатилишини ўрганиш корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятига ҳалақит бермаган ҳолда амалга оши-рилади. Қарздорнинг кредитлаш билан боғлиқ бўлмаган фаолияти банк томонидан ўрганилмайди. Мақсадли ўрганишларнинг аниқ вақтини қарздор билан келишиб олиш ёки келишмасдан амалга оширишни банк мустақил ҳал қилади. Шунингдек, мониторингда банк томонидан мижоз давлат бошқаруви органи ва бюджет таш-килоти ҳисобланса; тадбиркорлик субъекти бўлмаган нотижират ташкилотларга (матлубот кооперативи, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, муассасалар, юридик шахслар бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига); банкрот-лик аломатларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига; зарар кўриб ишлаётган, ноликвид балансга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига; банкдан аввал кредит олиб кредит шартномаси-дан келиб чиққан мажбуриятларини қўпол тартибда бузган тад-биркорлик субъектларига, шу жумладан, қайтариш муддати етиб

келмаган амалдаги кредит шартномалари бўйича; аввал олинган кредитларни сўндириш мақсадлари учун кредитлар ажратилмаганлигига эътибор қаратиш зарур.

Банк ходими ўрганиш якунига кўра маълумотнома (далолатнома) ёзади. Маълумотномада (далолатномада) қайси кредит шартномаси бўйича, қаерда, қачон, ким томонидан ва кимлар иштирокида қандай ўрганиш ўтказилганлиги ва унинг натижалари баён қилинади ҳамда банк ва қарздор томонидан имзоланади. Маълумотномада (далолатномада) кредитнинг мақсадли (қисман мақсадли) ёки мақсадсиз ишлатилганлиги аниқ кўрсатилиши керак. Мониторинг амалга оширувчи банк ходими маълумотноманинг (далолатноманинг) тўғри ёзилиши юзасидан жавобгардир.

Мониторинг жараёнида қарздорни топиш имконияти бўлмаган тақдирда ва лойиҳанинг (бизнес-режанинг) амалга оширилмаётганлиги аниқ кўриниб турган бўлса, қарздор объектидаги ходимлар ёки жамоатчилик вакиллари иштирокида қарздорнинг жойида йўқлиги тўғрисида далолатнома тузилади. Кредит учинчи шахс кафиллиги (кафолати) ёки учинчи шахс гаров мулки билан таъминланган бўлса, бунга улар ҳам таклиф қилиниши мумкин.

Агар банк мониторинги жараёнида кредит маблағлари тўлик ёки қисман мақсадсиз ишлатилганда ёки бошқа ноқонуний фаолиятга йўналтирилганлиги аниқланган тақдирда, бу тўғрида масъул ходим банк бошқарувчисини дарҳол хабардор қилиши ҳамда кредит шартномасида келишилган чораларни кўриши лозим.

Банк томонидан гаровга олинган мол-мулкларнинг сақланиш ҳолати масъул ходим томонидан доимий равишда жойига бориб кўздан кечириб турилиши лозим. Шунингдек, кафил юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ҳолати кафиллик шартномасида келишилган тартибда мониторинг қилиб борилади.

Банк томонидан мониторинг мижозга кредит ажратилган кундан бошлаб, асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар тўлик қайтарилгунга қадар давом эттирилади.

Мониторинг ўз вақтида тўғри амалга оширилиши юзасидан

Кредит комиссияси қарорида бириктирилган масъул ходим ва Кредит амалиёти бўлими бошлиғи шахсан жавобгардир.

Мониторинг жараёнида кредит маблағлари тўлиқ ёки қисман мақсадсиз ишлатилганда ёки бошқа ноқонуний фаолиятга йўналтирилганлиги аниқланган тақдирда, қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолияти ёмонлашганда, банк мониторингидан бўйин товлаганда, банк бу қарздорга кредит берилишини тўхтатиб, аввал берилган кредитларни шартномада келишилган тартибда муддатидан аввал ундириб олиш тадбирларига дарҳол киришиши лозим.

Тижорат банкларида факторинг операциялари мониторингини амалга оширишда ҳам кредит операциялари мониторингига қўйилган талабларга асосланилади. Аммо мазкур операцияларнинг ўзига хос айрим жиҳатлари мавжуд. Хусусан, тижорат банкларида факторинг операциялари замонавий хизмат турларидан ҳисобланиши билан бирга, юқори таваккалчиликка эга актив операциялардан саналади. Шу сабабли тижорат банкларда факторинг операциялари мониторингини ташкил этишга алоҳида ёндашиш зарур.

Банклар факторинг операцияларини уларнинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақлари жойлашган ердаги миқозлар билан шартномалар асосида амалга оширадилар.

Факторинг операцияларини мониторинг қилишда мазкур операцияларни бюджет ташкилотларига тақдим этиладиган талаблар бўйича; жисмоний шахсларнинг қарз мажбуриятлари бўйича; тўловга ноқобил деб эълон қилинган корхоналарнинг мажбуриятлари бўйича; зарар кўриб ишлайдиган корхоналар бўйича; капитал қўйилмаларни молиялаш бўйича; экспортга оид консигнация контрактлари бўйича; компенсация ва бартер битимлари бўйича; ишга босқичма-босқич ёки бўнак билан ҳақ тўлаш бўйича; тўловчи шартномада шартланган вақт мобайнида, шунингдек, сотиш хизмати кўрсатилганидан кейин маҳсулотни қайтариш ҳуқуқига эга бўлган олди-сотди шартномалари бўйича амалга оширилмаганлигига эътибор қаратиш лозим.

Тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш банк томонидан қурилиш, реконструкция қилиш ёки техник қайта жиҳозлаш, (жиҳозларни сотиб олиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишларни амалга ошириш кабилар), шунингдек, бошқа асосий фондларни сотиб олиш ёки шакллантириш, ушбу сотиб олиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш объектларининг нормал фаолиятини таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳаси учун зарур бўлган ишчи капитални шакллантириш учун бериладиган кредит туридир.

Инвестиция лойиҳалари санитар-гигиеник, радиацион, экологик, архитектура-шаҳарсозлик қурилиши талаблари ва қонунчилик билан белгиланган бошқа талабларга жавоб бериши лозим.

Тижорат банкларида инвестиция лойиҳалари асосида жойлаштирилган маблағларни мониторинг қилишнинг бир қатор зарурий жиҳатлари мавжуд. Уларга инвестиция лойиҳалари йирик миқдордаги маблағларни талаб қилиши сабабли, улар бўйича таваккалчиликни юзага келиши банкнинг молиявий потенциалига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги; миқозлар томонидан тақдим этилаётган инвестицион лойиҳалар бўйича бизнес-режаларнинг техник-иқтисодий жиҳатдан чуқур асосланмаганлиги, банкларда ҳам мазкур соҳада малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, натижада банклар томонидан лойиҳани молиялаштириш жараёни етарлича таҳлил қилинмаётганлиги; тижорат банклари юқори органлари томонидан инвестиция лойиҳалари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатлари чўзилиб кетаётганлиги, бу эса инвестиция лойиҳасининг молиявий жиҳатдан асосланиши тўғрисидаги маълумотларнинг реаллигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги кабиларни киритиш мумкин.

Инвестиция лойиҳалари бўйича кредит ажратишда дастлабки мониторинг миқознинг тўловга лаёқатлилиқ даражасини ўрганиш орқали амалга оширилади.

Тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳасининг молиявий-иқтисодий таҳлили ва экспертизаси унинг техник-

иктисодий асосланиши тақдим этилган ҳужжатлар воситасида амалга оширилади.

Инвестиция лойиҳалари мониторинги махсус Ишчи гуруҳ аъзоси томонидан лойиҳа объектини жойига чиқиш орқали, шунингдек, ҳужжатларни таҳлил ва экспертизадан ўтказиш жараёнида лойиҳанинг кредитлаш талаблари асосида ўтказилади. Мониторинг жараёнида молиявий жиҳатлар (лойиҳанинг қиймати, молиялаш манбалари, рентабеллиги, пул оқими шу жумладан, эркин айирбошланадиган валютада), баланс ҳисоботларининг кутилаётган кўрсаткичлари; техник жиҳатлари (қурилишнинг тайёрлиги, усқунанинг бутлиги ва мослиги, контрактнинг сотилиши ва унинг бозорда рақобатбардошлилиги, хом ашё ҳамда бутловчи қисмларнинг етарлилиги, технологик усқунанинг бошқа жиҳатлари); юридик хизмат билан биргаликда, лойиҳа билан боғлиқ ҳужжатлар ва ҳаракатларининг юридик жиҳатлари ўрганилади (қарз олувчи ва бошқа лойиҳанинг иштирокчилари мақоми, барча шартномалар, контрактлар ҳамда таъсис ҳужжатларининг қонунчиликка мослиги ва бошқа жиҳатлари); иқтисодий жиҳатлари (лойиҳани амалга оширишдаги фойда ва харажатлар); институционал жиҳатлари (лойиҳани татбиқ этувчиларнинг малакавий тайёргарлиги, ходимларни ўқитиш ва бошқалар); экологик жиҳатлар; банк билан кредит муносабатлари тарихи сингари жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда унинг мониторингини олиб бориш тизимининг амал қилиши, лойиҳанинг нафақат иқтисодий самарадорлигини, шунингдек, ижтимоий самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Тижорат банкларида банк эҳтиёжи учун олинган қимматликлар бўйича операциялар ҳам мониторинг жараёнининг асосий элементларидан ҳисобланади.

Банк эҳтиёжлари учун олинадиган қимматликлар мониторингини амалга оширишда банк Кенгаши томонидан тасдиқланган “Бизнес-режа”га асосан иш ташкил этилади. Бунда асосий воситалар ва товар-моддий бойликлар бўйича ҳужжатларнинг тўғри

расмийлаштирилганлиги; асосий воситалар учун сарфланган маблағларни белгиланган меъёрдан ошиш ҳолатлари; товар-моддий қийматликлар ва асосий воситаларни банк эҳтиёжлари учун зарурлиги кабиларга эътибор қаратилиши лозим.

Тижорат банкларида асосий воситалар ва товар-моддий қийматликлар учун маблағ сарфлашни банк молиявий натижасидан келиб чиқиб амалга ошириш зарур.

Тижорат банклари активлари мониторингининг ташкилий асосларини белгилаб беришда кредит сиёсати муҳим асос ҳисобланади. Бунда кредит сиёсати тўловларни ўз вақтида тўланишини таъминлаш, маблағларнинг қайтарилиши ва берилган кредитлар бўйича қарздорликни ундириб олиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олиши керак. Шунингдек, банк кредит сиёсати кредит бериш босқичида ҳам, кейинги мониторинг босқичларида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботларига нисбатан қўйиладиган талабларни ўз ичига олиши керак. Молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувларидан ўтказиш, нақд пул оқими ва бошқа маълумотлар бўйича ҳисоботларни тақдим этиш юзасидан қўйиладиган талаблар аниқ ифодаланиши зарур. Шунинг ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, банклар талаб қиладиган маълумотлар Миллий Бухгалтерлик Ҳисоби Стандартларига (МБҲС) мувофиқ тақдим этилиши керак.

Кредит сиёсатида потенциал қарздорларнинг кредит қобилиятини (ликвидлик, қопланиш, мухторлик коэффициентлари, капиталлаштириш даражаси, гаров таъминоти экспертизаси ва б.) аниқлаш учун уларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш тадбирлари батафсил ёритилиши ҳам активлар мониторингини талаб даражада ўтказишга қўмаклашади. Бунда банк қарздорларнинг кредит қобилияти мезонлари ва уларни баҳолаш методикасини аниқ белгилаб олиши керак.

Бундан ташқари, кредит сиёсати қарздорлар томонидан бизнес-режага буюртмалар портфелининг тузилиши ва банк кредитидан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар, ишлаб

чиқариладиган товарларни сотиш бозорининг мавжудлигини кiritиш бўйича талабни ўз ичига олиши керак.

Кредит сиёсати муайян турдаги қимматликлар (кўчмас мулк, автомобиллар ва б.) гарови асосида бериладиган ссудаларнинг максимал миқдори лимитларини ўз ичига олиши ҳамда таъминланган ссудаларнинг ҳар бир тури учун кредит ҳужжатлари тўпламини расмийлаштириш тадбирларини белгилаши лозим. Банк кредит сиёсатида гаров кредитлашнинг уни бериш вақтидаёқ кредитни тўлаш манбаси (нақд пул ёки давлат қисқа муддатли облигациялари (хазина векселлари) билан таъминланган кредитлар бундан мустасно) ҳисобланган ягона асоси бўлмаслиги белгилаб қўйилиши зарур.

Кредит сиёсати гаровга олинган мулк турига қараб гаров мавзуига нисбатан қўйиладиган талаблар ва кредитнинг гаров қийматига нисбатини ўз ичига олиши керак. Мазкур бандда гаров мавзуи синчиклаб баҳоланиши ва унинг бозор қиймати уни сотиш лозим бўлган пайтда юзага келиши мумкин бўлган зарар ўрнини қоплаши лозимлиги аниқ ёритилиши зарур.

Банклар кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим, бу эса, ўз навбатида активлар сифати мониторингини ташкил этишда қўл келади. Кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари керак. Қарздор ёки гаров ахvoli ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтиришда жуда муҳимдир.

Ссудаларнинг сифатини аниқлаштириш ва қутилиши мумкин бўлган кредитлар бўйича йўқотишларга қарши етарли захираларни шакллантириш мақсадида ҳар чорақда камида бир маротаба банкнинг кредит портфели тўлиқ инвентаризацияси жараёни банкнинг кредит сиёсатида белгиланиши шарт.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича “тўловсизлик” тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, банк Бошқаруви ва Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичига

олиши лозим. Ҳисоботларда аҳволнинг ёмонлашиши, яширин зарарлар сабаблари ва соғломлаштириш режалари батафсил баён этилади.

Кредит сиёсати қарзларни қайтаришга доир изчил босқичма-босқич чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилиши керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ, кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, активлар мониторинги натижалари банк Бошқарувиغا филиалларнинг активлари ҳолатини тўғри баҳолаш, активларни бошқариш борасида тезкор қарорлар қабул қилишда муҳим маълумотлар манбаи ҳисобланади.

Асосий таянч сўз ва иборалар

Тижорат банклари активларини бошқаришнинг ташкилий механизми, банк назорати, банк аудити, активларни бошқариш тамойиллари ва талаблари, активларни жойлаштириш ва самарадорлигини баҳолаш, кредит сиёсати, инвестиция сиёсати, фойз сиёсати, банк таваккалчиликларини бошқариш сиёсати, активлар диверсификациясини амалга ошириш, Банк активлари бўйича таваккалчиликларни бошқариш ички тизими, банк активларини бошқариш самарадорлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткичлар, статистик-математик усуллар, активлар мониторингини ташкил этиш, мониторинг турлари ва элементлари.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Тижорат банклари активларини бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштиришдан қандай мақсадлар кўзланади?
2. Банкларда активларни бошқариш механизмини ташкил этишнинг муҳим тамойилларини санаб беринг.
3. Банкларда активларни бошқариш тизимини тўғри ташкил этишда ички сиёсатларнинг аҳамияти нималардан иборат?

4. Тижорат банклари активларини бошқаришда назорат органлари қандай ваколатларга эга?

5. Тижорат банклари активларини бошқариш самарадорлигини таъминлашда банк Кенгашининг вазифалари нималардан иборат?

6. Активларни бошқаришда банк Бошқаруви зиммасига қандай вазифалар юклатилган?

7. Банк активларини бошқариш самарадорлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткичлар таҳлили қандай амалга оширилади?

8. Банклар активларини бошқариш самарадорлигини оширишда қандай усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

9. Тижорат банкларида активларни бошқариш мониторингини ташкил этишга қандай талаблар қўйилади?

10. Банк активларини бошқариш мониторингини амалга ошириш бошқичлари мазмунини ёритиб беринг.

III боб бўйича хулосалар

1. Тижорат банкларида активларнинг самарадорлик ва сифат даражасини ошириш уларни бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштиришга бевосита боғлиқ. Хусусан, банк активларини бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш банк активларини бошқариш борасидаги ички сиёсатлар (кредит, фоииз, инвестиция ва бошқалар) талаблари бажарилишини таъминловчи механизмни ташкил қилиш, банкда даромад олишга қарагилган ва минимал хатарга эга бўлган активлар портфелини шакллантириш, таъсирчан мониторинг механизмини жорий этиш, муддати келган кредитларни сўндириш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш, самарали актив операциялар ҳажмини кўпайтиришни таъминлаш, молия бозорини таҳлил қилган ҳолда, кредитлаш амалиётига халқаро стандартларга жавоб берадиган прогрессив усулларни жорий қилиш, Ҳукумат ва Марказий банк томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ижросини ташкил

қилиш асосида кредитлаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаш, ўрганиш, уларни таҳлил этиш, бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилишини назорат қилиш, мижозлар манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан актив операцияларга белгиланган меъёрларга қатъий амал қилинишини таъминлаш, юзага келган муаммоли активлар билан ишлашни ташкил этиш ва уларни ҳал қилиш ҳамда олдини олиш юзасидан қарорлар қабул қилиш каби бир қатор муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

2. Тижорат банкларида активларнинг даромадлилик даражасини ошириш уларни бошқариш самарадорлигини яхшилашни талаб этади. Фикримизча, тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлигини оширишни банкларда активларни бошқариш сиёсатини такомиллаштириш, жами активлар таркибида соф активлар миқдорини ошириб бориш, жалб қилинган депозитларни даромад келтирувчи активларга тўғри жойлаштириш (яъни муддати, фоизига мутаносиб равишда жойлаштириш), тижорат банкларида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, актив амалиётларнинг диверсификациясини амалга ошириш каби йўналишларда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

3. Тижорат банкларида активлар сифатини яхшилаш, қайтарилмаган кредитларни ундириш банк активлари мониторингини тўғри ташкил этишни талаб қилади.

Банк томонидан жойлаштирилган активларнинг мониторинги икки усул: бевосита мижоз иштирокида мониторинг (жойларга чиққан ҳолда) ва банк ходимлари томонидан мижоз иштирокисиз (масофавий) назорат орқали амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, активлар мониторингини мониторинг ишчи гуруҳи ва унинг дастурини тузиш, мониторинг ишларини амалга ошириш, мониторинг натижаларини баҳолаш каби босқичларда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса

1. Бозор муносабатлари шароитида молия бозоридаги кескин рақобат тижорат банкларига ўз ресурсларини кўпайтириш, иқтисодиётнинг реал секторини узоқ муддатли кредитлаш асосида республика иқтисодиётида банк тизимининг ролини оширишни талаб қилади. Бу масалаларнинг ечимлари эса тижорат банкларида активларни самарали бошқариш механизмини жорий этишга бевосита боғлиқ.

Фикримизча, тижорат банкларида активларни самарали бошқариш зурурати банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар самарадорлиги ва уларнинг ликвидлилик даражасини ошириш; даромад келтирмайдиган активларни оптимал даражада қисқартириш орқали банк активларининг сифатини яхшилаш; жалб қилинган ресурслар ва жойлаштирилган активлар ўртасидаги ижобий мутаносибликни сақлаб туриш; банк активларининг кенг миқёсда диверсификациясини амалга ошириш орқали уларнинг таваккалчиликка берилувчанлигини минимал даражада ушлаб туриш кабилар билан ифодаланади.

2. Тижорат банкларида актив амалиётлар самарадорлигини ошириш, активлардан тўғри фойдаланишни назорат қилиб бориш банк умумий ривожланиш стратегияси таркибида банк активларини бошқаришнинг такомиллашган стратегиясини ишлаб чиқишни талаб этади. Мазкур стратегия банк активларининг сифатини янада яхшилаш мақсадида даромад келтирувчи активларни босқичма-босқич ошириб боришни таъминлаш учун зарур бўлган чораларни кўриш; банкнинг таваккалчиликка тортилган активлари доимий диверсификация қилиб борилишини таъминлаш; банк ликвидлигини доимий мониторинг қилиб боришни, жумладан, банкнинг барча қуйи тузилмалари ликвидлигининг тезкор таҳлил қилинишини таъминлаш; банк молиявий ҳолати устидан назорат қилишнинг энг қулай ва содда механизмини яратиш каби бир қатор масалаларни ҳал этиш имкониятларини юза-

га келтиради. Шундан келиб чиққан ҳолда, монографияда банк менежментида активларни бошқариш стратегиясини амалга ошириш услуби таклиф этилган.

3. Тадқиқотлар натижасининг кўрсатишича, республикамиз банклари амалиётида активларни самарали бошқариш бу борада хориж тажрибасини таҳлил қилиш, чет мамлакатлар банкларида қўлланилаётган активларни бошқариш усулларини тадқиқ этишни тақозо қилади. Хусусан, жаҳон иқтисодиётида кечаётган молиявий инқироз сабабларини ўрганиш ҳам бевосита айрим йирик мамлакатлар амалиётида банк активларини бошқаришга эътиборсизлик билан ёндашилганлигини исботлайди. Ушбуларга асосланган ҳолда монографияда банк активларини бошқариш борасидаги халқаро меъёрлар, усуллар тадқиқ этилган.

4. Тижорат банклари амалиётида замонавий хизмат турларини кўпайиши, шунингдек, актив операциялар ҳажмининг ортиши банклардан активларни даромадлилигига қараб таснифлаган ҳолда бошқаришни талаб қилади. Умуман олганда, банк даромадлилигини ошириш манбаларини аниқлаш ва молиялаштириш борасида қарорлар қабул қилиш; банк жами активлари таркибида фойда келтирмайдиган активлар салмоғини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; банк активларини диверсификациялашнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш; республикада ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда актив операцияларни тўғри тақсимлаш каби жиҳатлар активларни даромадлилигига қараб бошқаришни тақозо этади. Шу сабабли, монографияда банк активларини даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган тоифаларга ажратиб бошқариш услуби ишлаб чиқилган.

5. Тижорат банкларида актив операциялар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарти – уларни бошқаришда таваккалчиликлар билан боғлиқ ҳолатларни тўғри баҳолай олиш ҳисобланади.

Монографияда шу нуқтаи назардан тижорат банкларида таваккалчиликларни бошқариш борасидаги муаммолар кўрсатиб берилган. Шунингдек, маскур муаммолар ечимидан келиб чиқиб,

активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш жараёнини таваккалчиликнинг идентификациялаш ва юзага келиш шароитларини аниқлаш, таваккалчилик мониторингини амалга ошириш, таваккалчиликнинг банк фаолиятига таъсирини баҳолаш, таваккалчиликни пасайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш каби бир нечта босқичларга ажратиш тавсия этилган. Бундан ташқари, тадқиқотда тижорат банкларида актив амалиётлар бўйича таваккалчиликларнинг асосий қисми кредит таваккалчиликларига тўғри келишини ҳисобга олиб, мазкур таваккалчиликларни бошқариш услуги таклиф этилган.

6. Банкларда активларнинг самарадорлик ва сифат даражасини ошириш уларни бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, монография ишида банк активларини бошқаришнинг ташкилий механизми такомиллаштирилиши банк активларини бошқариш борасидаги ички сиёсатлар (кредит, фоиз, инвестиция ва бошқалар) талаблари бажарилишини таъминловчи механизмни ташкил қилиш, банкда даромад олишга қаратилган ва минимал таваккалчиликка эга бўлган активлар портфелини шакллантириш, таъсирчан мониторинг механизмини жорий этиш, муддати келган кредитларни сўндириш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш, самарали актив операциялар ҳажмини кўпайтиришни таъминлаш, молия бозорини таҳлил қилган ҳолда, кредитлаш амалиётига халқаро стандартларга жавоб берадиган прогрессив усулларни жорий қилиш. Ҳукумат ва Марказий банк томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ижросини ташкил қилиш асосида кредитлаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни баҳолаш, ўрганиш, уларни таҳлил этиш, бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилишини назорат қилиш, миқдорлар манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан актив операцияларга белгиланган меъёрларга қатъий амал қилинишини таъминлаш, юзага келган муаммоли активлар билан ишлашни ташкил этиш ва уларни ҳал қилиш ҳамда олдини олиш юзаси-

дан қарорлар қабул қилиш каби бир қатор муаммоларни ҳал этиш имконини яратиши асослаб берилган ҳамда бу борада бир қатор тавсиялар берилган.

7. Рақобат шароитида тижорат банкларида активларнинг даромадлилик даражасини ошириш уларни бошқариш самарадорлигини яхшилашни талаб этади. Тадқиқотда тижорат банкларида активларни бошқариш самарадорлигини оширишни банкларда активларни бошқариш сиёсатини такомиллаштириш, активлар бўйича таваккалчиликни бошқариш механизмини такомиллаштириш, жалб қилинган депозитларни даромад келтирувчи активларга тўғри жойлаштириш, банкда мижозларни бошқаришнинг самарали механизмини жорий этиш, тижорат банкларида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, актив амалиётларнинг диверсификациясини амалга ошириш каби йўналишларда олиб бориш таклиф этилган.

Монографияда банк активларини бошқаришда таваккалчиликларни бошқариш механизмини такомиллаштириш зарурати асосланган. Шу сабабли, ишда тижорат банкларида активлар бўйича таваккалчиликларни бошқариш ички тизимини ташкил этишнинг такомиллашган услуби таклиф қилинган. Хусусан, ушбу услуб тизимнинг ишлаш механизмини шакллантириш, тизим фаолиятини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш, тизим фаолияти натижаларини баҳолаш (ҳисоботларни муҳокама қилиш) каби таркибий қисмларга ажратилган

8. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларида активлар сифатини яхшилаш. қайтарилмаган кредитларни ундириш банк активлари мониторингини тўғри ташкил этишни талаб қилади. Банк томонидан жойлаштирилган активларнинг мониторинги икки усул: бевосита мижоз иштирокида мониторинг (жойларга чиққан ҳолда) ва банк ходимлари томонидан мижоз иштирокисиз (масофавий) назорат орқали амалга оширилиши мумкин.

Ишда берилган кредит маблағлари бўйича, лизинг ва факторинг маблағлари бўйича, инвестиция лойиҳалари асосида жойлаштирилган маблағлар бўйича, банк эҳтиёжи учун олинган

қимматликлар бўйича амалиётлар мониторингини ташкил этиш борасида тавсиялар берилган. Бундан ташқари, монография ишида активлар мониторингининг ишчи гуруҳи ва унинг дастурини тузиш, мониторинг ишларини амалга ошириш, мониторинг натижаларини баҳолаш каби босқичларини такомиллаштириш борасида таклифлар билдирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.

3. Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 2 декабрдаги 559-сон билан рўйхатга олинган.

4. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар Режаси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 13 июлдаги 773-сон билан рўйхатга олинган (қўшимча ўзгартиришлар билан бирга).

5. Хавфсиз бўлмаган ва носоғлом банк фаолияти тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 11 февралдаги 628-сон билан рўйхатга олинган.

